БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1990 ЙИЛ

2 НОЯБРЬ № 44 (3096) ЖУМА

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши III сессиясида

СУРАТДА: Ўзбекистон ССЖ Президенти И. Каримов ва Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Э. Воҳидов. ЎзТАГ сурати

ЎТИШ ДАВРИ ҚОИДАЛАРИ

Сиз ушбу сатрларни ўқиётганингизда жумҳурият Олий Кенгашининг сессияси ўз ишини якунлаган бўлади.

Депутатлар Ўзбекистон ССЖ Нозирлар Кенгашининг раиси Ш. Р. Мирсандовнинг «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисида»ги маърузасини қизғин муҳокама қилдилар ва маъқулладилар. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда жумҳурият Нозирлар Кенгашига истеъмол бозорини ва пул муомаласини тезроқ барқарорлаштириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг, унинг турмуш даражаси пасайиб кетишлигига йўл қўймасликнинг, меҳнат имкониятларидан янада самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратишнинг ишончли давлат воситасини шакллантириш вазифаси юкланди. Айни пайтда, мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш, давлатнинг мол-мулкини меҳнаткашлар иштирокида ва уларнинг манфаатларини кўзлаб давлат ихтиёридан чиқариш, яъни хусусийлаштириш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг ғоят муҳимлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари лойиҳаси бундан бирмунча муддат аввал республика матбуотида эълон қилинган эди. Қисқа вақт ичида бу ҳужжат меҳнат коллективларида, оммавий ахборот воситалари саҳифаларида кенг муҳокама қилинди. Меҳнаткашлардан тушган таклиф ва мулоҳазалар асосида у қайтадан кўриб чиқилди ва бир неча янги бўлимлар билан бойитилди. Фан, маориф ва маданиятга оид бўлимлар бирмунча кучайтирилди.

Хўш, бозор иқтисодиётига ўтишда бош масалалар ва қоидалар нималардан иборат бўлади? Қабул қилинган ҳужжатда таъкидлаб ўтилганидек, ўтиш давридаги биринчи асосий масала — халқ турмушининг бугунги даражаси ва сифатини мумкин қадар тўла сақлаб қолишдир. Иккинчи масала — бу ҳукумат томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий эркинлигини ҳимоя қилиш ва келажакда уни иқтисодий ва сўнгра сиёсий мустақил жумҳурият даражасига олиб чиқишдан иборат.

Ўтиш даврининг 1,5—2 йилига чидаб, белни маҳкам боғлаб, қийинчиликларига бардош бера олсак, — деб таъкидлади Ш. Р. Мирсандов, — бозор муносабатлари асосида жумҳуриятимиз албатта ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий эркинликка эришади. Келажакда эса мустақил давлат бўлади. Қолаверса, бозорга ўтишимизнинг асосий сабаби ҳам шунда.

Бозор муносабатларига ўтиш ғоят мураккаб вазифа бўлиб, унинг ҳамма муаммоларини бирданига ҳал қилиш қийин. Бунинг бевосита ва билвосита сабаблари бор. Шу боисдан ҳам жумҳурият ҳукумати ўтиш даврининг асосий тўққизта вазифасини олдинга сурмоқда. Булар — аҳолини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг давлат системасини барпо этиш; жумҳурият фуқароларини жипслаштириш; Ўзбекистоннинг бошқа жумҳуриятлар ва Марказ билан ўзаро иқтисодий муносабатларини қайта кўриб чиқиш; янги иттифоқ шартномаси негизида ўзаро адолатли ва иккі томонлама манфаатли муносабатлар ўрнатиш; буйруқбозлик ва фармойишлар услубидан воз кечиш; мулк муносабатларини қайта қуриш; ер, ер ости бойликлари, бошқа табиат инъомларини чинакам жумҳурият мулкига айлантириш; хорижий мамлакатлар билан бевосита муносабатлар ўрнатиш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва бошқа вазифалардан иборат.

Бу вазифаларнинг ҳал этилиши жумҳурият хўжалигидаги умумий аҳволни барқарорлаштириш имконини беради, деб ишониш мумкин. Демак, ўтиш даври кенг маънода умумхалқ иши бўлиб, унга тайёргарлик ҳамма жойда — маҳалла ва қишлоқларда, корхона ва муассасаларда, давлат ва жамоат хўжаликларида, жамики меҳнат коллективларида ҳар биримизнинг юксак масъулиятимиз, фаол иштирокимиз заминида олиб борилмоғи лозим. Фақат шундагина кўзланган мақсадга тўла-тўкис эришиш мумкин.

Муштарийлар билан мулоқот

ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бирор сонини қолдирмай ўқиб бораман. Чунки бу газета санъат ва унинг барча турлари ҳақида қизиқарли материаллар бериб борувчи республикамиздаги ягона нашрдир.

Маълумки, янги мавсум бошланиши олдидан мухлислар театр коллективларига таклиф ва истакларини баён этадилар. Шу маънода бизнинг ҳам севимли газетамизга баъзи тилакларимиз бор. Аввало, газета саҳифаларида областларимиз театрлари ва уларда фаолият кўрсатаётган барча авлод актёрлари ҳақида мақолалар бериб борилса, яхши бўларди. Лекин бу мақолалар фақат мақтов бўлиб қолмай, ўша театрларнинг муаммоларини, ҳал этишга, камчиликларини тузатишга ёрдам бериши лозим.

Шунингдек, ҳар бир янги қўйилаётган спектакль қўлга олинганидан бошлаб, бевосита репетициялар жарёнидан репортажлар бериб боришни йўлга қўйиш керак. Бу иш ниҳоясига етганидан сўнг спектакль атрофлича таҳлил қилган яхши бир тақриз билан тугаса, айни муддао бўларди.

Мен газета коллективининг жасоратини ҳамиша қўллаб-қувватлайман. Ўйлайманки, келгуси йилда ҳам бериладиган мақолалар, суҳбатлар руҳида ўзига хослик ва жасорат йўқолмайди. Бундай нашрга обуна бўлиш ҳам қарз, ҳам фарз.

Баҳодир ИЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза мукофоти лауреати

МАРДОНА ГАЗЕТА

Йиллар мобайнида юракларимизда тугун бўлиб қолган дардларимиз ошкоралик кунларида бирин-сирин ечиляпти. Матбуотимизнинг елкасидаги залворли юк — халқ дилидагини тилига олиб чиқиш кўпайса кўпайяптики, камаймаяпти. Севимли ҳафталигимиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси гарданига ана шу залворли юкнинг асосий қисмини кўтариш тўғри келмоқда.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» жумҳуриятимизнинг бугуни ва эртаси билан боғлиқ муаммоларни дадиллик билан кўтариб, ўз саҳифаларида ёритаётган, унга ўз муносабатини мардона билдираётган, ўз сўзига эга бўлган ҳафталикдир. «Ҳақиқий дўст бошингга иш тушганда билинади», деганларидек, 84 минг аҳоли яшайдиган Паркент райони март ойининг фожиали кунларида ўз ёғига ўзи қовурилиб ётганида бизга ҳамдард бўлган, уни холислик билан ўз саҳифаларига олиб чиққан ҳам «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги бўлди.

Сўзи ва иши бир ҳафталигимизнинг янги йилда ҳам одамларимиз орзиқиб ўқийдиган, уларнинг қўлидан тушмайдиган газета бўлишига ишонаман.

Эркин РЎЗМАТОВ,
Паркент район партия қўмитасининг биринчи котиби

— Йил давомида ижодкорларимиз пахтакорлар ҳузурида жуда кўплаб ижодий учрашувлар, китобхонлар конференциялари ўтказдилар. Булар орасида улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйига тайёргарлик ишлари алоҳида ажралиб туради. Биз вилоят «Китобхон» жамияти, комсомол қўмитаси, Матбуот бирлашмаси билан биргаликда йил давомида «Навоийхонлик» конкурсини ўтказдик. Бу конкурс босқичма-босқич — аввал жамоа хўжаликларида, кейин туманларда, сўнг вилоят миқёсида бўлиб ўтди. Халқимиз орасидан кўплаб Навоий адабий меросининг билимдонлари, ёш истеъдодли ижодкорлар аниқландилар.

Вилоятимиз ҳудуди жуда катта. Бадиий ижод соҳасида бўй кўрсатаётганлар эса кўп. Шу сабабли уларга яқиндан ёрдам бериш мақсадида Ёзувчилар уюшмамизнинг вилоят бўлимидан ташқари жойларда — Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ, Усмон Юсупов, Муборакда туман бўлимларини ҳам ташкил қилдик. Бу бўлимлар ҳозирги кунда фаоллик кўрсатмоқда. Айниқса, ёшларга эътибор кучайтирилди. Жумҳуриятимиз миқёсида ўтган «Менинг биринчи китобчам» конкурсида вилоятимиздан 9 нафар ўқувчининг голиб деб топилгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Ижодкорларимиз вилоят адабий ва маданий ҳаётида актив қатнашмоқдалар. Неъмат Арслон, Ҳамид Маллаев, Орол Мўминов ўзларининг ёйрик насрий асарларини ёзиб тугатдилар. Шоирлар ва ёзувчиларимиз асарлари, ўткир публицистик мақолалари билан матбуот саҳифаларида чиқиб турибдилар. Уларнинг энг яхши мақолаларини тўплаб «Кўҳна Насаф хаёли» деб номланган 20 босма табоқ ҳажмдаги тўплам нашр қилаяпмиз. Бу ишда вилоят Матбуот бирлашмаси бошқош бўлмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ бу йил ижодкорлардан Холмурод Ҳасан, Темурпўлат Тилла, Нурмон Бердиев вилоят комсомол мукофоти лауреати бўлдилар.

Муҳаммад ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлимининг масъул котиби

АФСОНАЛАР ТИРИЛАЁТГАН ЮРТ

Кузнинг рутубатли кунлари ҳам бошланди. Бободеҳқонинг йилдан омади келди. У йил бўйи яратган ҳосилини ёғин-сочин кунларга қолдирмай йиғиб-териб олди. Қашқадарёлик пахтакорларнинг ҳам қувончи чексиз: улар ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Хўш, уларга воҳа ижодкорлари қандай меҳнатлари билан эш бўлмоқдалар. Мухбиримизнинг ёзувчи, ижодкорлар ташкилоти вилоят бўлимининг масъул котиби Муҳаммад Очилов билан суҳбати шулар хусусида бўлди.

Воҳамизда марҳум ижодкорлар меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш борасида яхши тадбирлар белгиланмоқда. Қодир бахши Раҳимов, Хосият Лутфуллаева, Гелди Бердиев, Назар Шукур, Абдуҳолиқ Мустафоев, Самад Қодиров ижодларини тарғиб, тадқиқ қилишни биттадан ижодкор ўз зиммаларига олдилар. Улар меҳнати натижасида бу ижодкорлар ҳақида «Қашқадарё ҳақиқати» рўзномасида бир саҳифадан материаллар эълон қилинди. Улар хотираси эсланди. Айни пайтда Хосият Лутфуллаева номи Қарши шаҳридаги кўчалардан бирига қўйилди. Шунингдек, унинг номидаги Қарши тўқимачилик фабрикасида мукофот таъсис этилди. Чироқчида эса ижодкорлар уюшмаси ва битта мактаб Назар Шукур номи билан юритиладиган бўлди. Бундай хайрли ишлар яна давом этади.

Маълумки, Қашқадарё ўз бағрига минглаб йиллик тарихни жо қилган воҳа. Бу ерда Муқанна, Ёзи билан Зебо, Алпомишлар ўтган, Амир Темур киндик қони тўкилган, улардан мерос бўлиб осори-атиқалар қолган. Ижодкорларимиз маданиятимизнинг ана шу унутилаёзган нуқталарини қайта тиклаш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, шоир Олим Шарипов Ульянов тунидаги қадимий «Султон Мирҳайдар ота» ансамблини таъмирлаш ва атрофини ободонлаштиришда бош-қош бўлмоқда. У бу иш учун ўз ҳисобидан минг сўм пул ўтказди ва районда жамғарма ҳисоби очилди. Ёки бошқа ижодкорлар Самад Шойқулов ҳамда Амир Худойберди ташаббуси билан Яккабоғ туманидаги Хўжаилғор қабристони яқинида улуғ бобомиз Амир Темур киндик қони тўкилган муқаддас жойда унга атаб ёдгорлик ўрнатиш мўлжалланмоқда. Ёдгорликни Бахтиёр Анваров яратмоқда. Худди шунингдек, Ғузор туманидаги Қора тикан қишлоғида Тоҳир ва Зуҳра, Қоработир ҳонақолари бор эди. Бу ерни рассом Садриддин Салимов ободонлаштириш ниятида. Энг муҳими, бу ишлар учун маблағлар ажратилмоқда. Демак, воҳада бободларимиз яратиб кетган афсоналар қайта тирилмоқда ва улар яна ҳақиқатга айланади.

Тўғри, ниятларимиз, келгусида қиладиган ишларимиз кўп. Бироқ бу-лар учун ҳамиша ҳам қўлимиз етаверма й д и. Назаримда, эндиликда Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимларининг имкониятларини ошириш керак. Ҳар бир бўлим ўз матбуот нашрига, нашриётига, хўжалик даромадига эга бўлиши лозим. Ҳозирча, биз бир йилда 15-20 та қўлёзмани муҳокамадан ўтказамиз, марказий нашриётларга ҳавола қиламиз. Улар эса хоҳласа нашр қиладилар, хоҳламаса йўқ. Демак, шу билан бўлимнинг фаолияти ярим чақага арзимай қолади. Ижодкор эса иккинчи марта қўлёзмасини бўлимга олиб келишини ўйлаб кўради.

Шунинг учун бугунги қайта қуриш даврида бўлимларнинг, жойлардаги заҳматкаш ижодкорларнинг фаолиятини кучайтириш керак.

Нишон районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози шу йилнинг бошида «Чороғил» давлат ижараширкат хўжалигига айлантирилди. Одамлар даромаддан ёлчимас, хўжаликнинг қарздан боши чиқмасди. Томорқаларнинг каталакдек қилиб белгиланганги, ҳаммаёқни пахта босиб кетгани туфайли шахсий моллар ўтлагани жой топилмас, одамларнинг турмуши ночор, ишдан ҳам кўнгли совуган эди. Ниҳоят, турғунлик даврининг иқтисодий кишанлари узила бошлади. Аввало, меҳнат аҳли чорак гектардан томорқа олди, хусусий моллар боқиладиган яйловлар тикланди. Ижара-ширкат усулида ишлашга ўтиш ҳам самара бера бошлади, хирмонлар донга тўлди. Пахта эса ҳар қачонгидан мўл бўлди. Октябрь ойнинг дастлабки ўн кунлигидаёқ белгиланган режадан ўзиб кетилди. Иброҳим Суюнов, Бобохон Тошқулов, Бобоқул Гуллиев, Мадад Норбоев, Арслон Бойназаров каби механизаторлар, ижарачилар жамоалари ҳосилнинг асосий қисмини машиналар билан йиғиштириб олишга катта ҳисса қўшдилар.

Янги иқтисодий муносабатларнинг шакллана бошлагани одамларда ерга эгалик ҳиссини қайта уйғотмоқда.

СУРАТДА: 1-ижара-ширкати бошлиғи Барот Бозоров ва хўжалик директори Очил Бердиев пахта даласида.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси бюроси 1990 йилги Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлган ёш ижодкорлар ва ижодий коллективлар рўйхатини эълон қилди.

Марҳум шоир Усмон Носирнинг адабиётимиз тараққиётидаги беқиёс хизматлари шу мукофот билан тақдирланди.

Шоир Муҳаммад Юсуф, ёзувчи ва журналист Ашурали Жўраев, санъаткорлар Маҳмуджон Азимов, Элмурод Исломов, Салоҳиддин Лутфуллаев, Абдулла Тиллаев, Маъмуржон Тўхтаснов, Сайёра Қозиева, Мурод Тошкенбоев, Тоҳир Тошкенбоев, Юсуфжон Тешабоев, Карима Зарипова, Муножот Тешабоева, Виктор Вержбицкий, О. Муҳиддинов, Б. Сайфуллаев, Шерқон Қодирий, Муслим Йўлдошев, Обид Асомов, Охун Мадалиев, Ғиёс Бойтоев, Муҳриддин Холиқов, рассомлар Рауф Аҳмедов, Аҳмал Нуриддинов, Азим Ҳазратов, Тўрткўл районидаги «Тарона» ансамбли, Қашқадарё вилояти «Мулоқот» театр-студияси жамоаси Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлдилар.

Мукофот билан тақдирланганлар орасида редакциямиз санъат бўлимининг мудири, СССР Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаларининг аъзоси Ашурали Жўраев ҳам борлиги коллективимизни қувонтирди. У бу мукофотга «Юрак бўронлари» ҳужжатли қиссаси ва туркум мақолалари учун сазовор бўлди.

Редакция таҳрир ҳайъати, ижодий коллективи, кўпминг сонли муштарийларимиз номидан Ашурали Жўраевни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти билан чин дилдан табриклаймиз!

ЁШ ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Ўтган ҳафта Ўзбекистон ФА Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида ёш олимларнинг анъанавий илмий сессияси бўлиб ўтди. Сессия кун тартибига қўйилган кўплаб масалалар юзасидан илмий маърузалар тингланди.

Анжуманни Қўлёзмалар институти директори, ЎзФА мухбир аъзоси А. Қаюмов кириш сўзи билан очди. Шундан кейин ёш олимларга сўз берилди. Жумладан, аспирантлардан Ш. Абдуллаева «Зокиржон Фурқат ва балиқчи чол воқеаси». А. Эшонбобоев «Садди Искандарий» достонида Искандар образи ҳақида», Тошкент Давлат дорилфунуни талабаларидан Ш. Ҳасанов «Беҳбудий — Туркистонда миллий уйғониш ҳаракатчилигининг асосчиси», Қ. Меҳмонқулов «Комрон Мирзо ва унинг қўлёзма мероси» каби мавзуларда маъруза қилдилар. Анжуманда жами йигирмадан ортиқ ёш олим маъруза қилди.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР СЕМИНАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Жумҳуриятимизда кейинги йилларда истеъдодли ёш ижодкорларга катта эътибор берилмоқда. Улар асарлари вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинмоқда, китоблари нашр этилмоқда, ўзлари моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Айни пайтда, ҳар йили бадиий адабиётда янги-янги номлар бўй кўрсатмоқда. Уларни ижод чаманига олиб киришда ва китобхонлар билан яқиндан таништиришда жумҳуриятимизда ҳар йили ўтадиган ёш ижодкорларнинг анъанавий семинари катта роль ўйнамоқда.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида уюшма котиби Тоҳир Малик раислигида бўлиб ўтган йиғилишда ёш ижодкорларнинг VI семинарини ўтказиш масаласи муҳокама қилинди. Семинарни шу йилнинг 12—17 ноябрь кунлари Ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида ўтказиш мўлжалланди. Унда жумҳуриятимизнинг вилоятларидан 100 ёш ижодкор таклиф этилади. Бу ижодкорларнинг асарлари наср, назм, драматургия, болалар адабиёти, адабий танқид, рус адабиёти ва қримтатар адабиётлари бўйича муҳокама қилинади. Йиғилишда ёш ижодкорларнинг энг яхши асарларини вақтли матбуотда эълон қилиш, «Ёш гвардия» нашриётида тўплам ҳолида нашр этиш тўғрисида фикрлар билдирилди.

ДЎСТЛАР ТАРОНАСИ

Халқ ижоди, айниқса, фольклор, этнография санъати таржимонга муҳтож эмас, чунки у барча учун яқин ва тушунарли. Яқинда тожикистонлик дўстларимиз дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи фольклор ансамбларининг «Дўстлар таронаси» деб номланган I Бутуниттифоқ анжуманини ўтказдилар. Бадиий ҳаваскорлик ижодиёти III Бутуниттифоқ фестивали доирасида ўтказилган бу анжуман Тожикистоннинг 80 дан ортиқ миллат истиқомат қиладиган Кўрғонтепа вилоятида кечди. Бу ерга бутун мамлакатдан ҳаваскорлик фольклор коллективлари ташриф буюрдилар. Улар орасида РСФСРдан (Новгород ва Тверь вилоятлари) и к к и т а, Украина, Белоруссия, Туркманистон ва Қирғизистон жумҳуриятларидан биттадан коллективлар бор эди. Ўзбекистондан ҳам аввал битта, Андижон вилоятининг машҳур «Чашма» халқ ансамбли қатнашиши кўзда тутилганди. Аммо Жиззах вилояти, Пахтакор районининг «Чўл таронаси» ансамбли қатнашчилари Ўзбекистон Маданият нозирлигидан анжуманда қатнашиш учун рухсат олишга эришдилар. Ўзбекистондан икки коллективнинг келиши Кўрғонтепа вилоятида истиқомат қилувчи барчани, айниқса, бу ерда яшовчи (аҳолининг чорагини ташкил қилувчи) ўзбекларни ҳушнуд этди. Ҳар икки ансамбль ўз маҳоратларини ёрқин намоён этдилар. Анжуман иштирокчиси, Пахтакор район маданият бўлимининг мудири Ф. Бахтигариеванинг ҳикоя қилишича, «Чўл таронаси» коллективи яқиндагина, яъни август ойида ташкил топди. Ансамбль анжуман очилишига бағишланган тантанали намойишда ва концертда ўз номерлари билан қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Айниқса, Куйбишев, Коммунист, Вахш районларидаги концертлар ҳаяжонли кечди. Чунки бу учрашувлар ёш коллективнинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқаридаги илк бор чиқишлари эди.

Ансамбль қатнашчиларининг кўпчилиги ўрта ҳамда кекса ёшдаги кишилар эканлиги тожикистонлик санъат мухлислари, анжуман меҳмонлари ва мутасаддиларида қизиқиш ва ҳурмат уйғотди. Бунинг асосий «сири» шундаки, кекса қалбларда ғайрат, сурур, санъатга, куйлашга интилиш кучли. Ана шу ғайрат ва интилиш уларни бирлашишга чорлади. Коллектив дастлаб «Самарқанд — 29» совхозида фаолият кўрсатди. Бундан икки йилча муқаддам коллектив Пахтакор районида ўтган кўрикда мутахассислар эътиборини тортди. Совхоз ишчилари, кўп болали ва нафақа олувчи аёллар, уларнинг болалари ва набираларидан тузилган «Чўл таронаси» фольклор ансамбли «Дўстлик таронаси» фестивали лауреатлари қаторидан ўрин олди. Бу тадбир ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантиришга хизмат қилиш билан бирга, дўстлик ришталарини боғлашга қўшилган ҳисса бўлди.

С. МУХАМЕТОВ

ИЖАРА КИМГА ЁҚМАЯПТИ?

МАЙИЗ АТРОФИДАГИ гапларнинг тўпланиб матбуотга олиб чиқилишига туртки бўлган сабаблар кўп. Энг асосийси иштихонлик узумчи миришкорлардан уч-тўрт кишининг Ёзувчилар уюшмасидан ёрдам сўраб келгани бўлди. Масалага чуқурроқ кирилгандан кейин эса бу соҳадаги можаролар остида турли гуруҳларнинг манфаатлари ётгани аниқ кўринди. Яъни манфаатлар тўқнашуви майиз майдонларини ижарага бериш керакми ёки совхоз системасининг эскича усулида одамларни ишлатавериш керакми деган масалага тақалган экан.

Деҳқончиликни кузатиб юрган киши Ўзбекистонда ерга уч хил тартибда эгалик қилинишини ва шунга мос равишда ҳосил ҳам уч хил миқдорда олинишини яхши билади. Биринчиси — колхоз ва совхоз эгалиги. Бунда асосан колхоз раиси ёки совхоз директори ерга хўжайин бўлади. Иккинчиси, колхоз-совхоз ерни бир ёки икки йилга ижарага беради. Мисол учун корейсларга пиёз, шоли экиш учун. Учинчиси, томорқа хўжалиги. Агар уларни бир-бирига таққослаб кўрадиган бўлсак, ижарачилар ва томорқа хўжалигида етиштириладиган ҳосил колхоз-совхозларнинг умумий даласида етиштирилаётган ҳосилга нисбатан энг камида икки-уч ҳисса кўп бўлиб чиқади. Шундай бир шароитда жумҳуриятда ва умуман мамлакатда ерга колхоз ва совхозлар асосий хўжайин бўлиб қолмоқда. Озиқ-овқат танқислигининг илдизи ҳам давлат ва жамоа хўжаликларининг ўз тасарруфидаги энг кўп ердан энг кам ҳосил олаётганидадир. Жаннат меваси деса арзигулик неъмат — майиз етиштиришни кўпайтиришга тўсқинлик қилаётган сабаблар моҳияти ҳам шунда.

Ёзувчилар уюшмасига қилинган мурожаат боис биз майиз етиштирувчи миришкорлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг фикрича, звено шаклида умумий хирмон йиғишдан воз кечиб, ижара пудратига ўтилса узумни тракторда ташиш, ерга бўз ёки қоғоз ёйиш, яшик, хирмон қоровули деган машмашалар бўлмас экан, майиз арзонроқ тушар экан. Айниқса, хирмон қоровули билан боғлиқ ўғриликлар ҳам ўз-ўзидан йўқоларкан. Дарвоқе, бу гапларга қараганда, хирмон қоровули лавозимини эгаллаш учун одамлар катта миқдорда пора ҳам берармиш. Қаранг-а, қоровуллик учун!

Майизчиликда ижара пудрати керакми ёки йўқми, деган саволларга қарама-қарши жавоблар олдик. Ижара пудрати керак, деб айтувчиларнинг ҳаммаси миришкорлар. Ижара пудрати керакмас деганлар совхоз, район раҳбарлари.

Қарама-қарши фикр ва далилларни бир-бирига қиёслаб ўқувчиларга ҳавола этамиз-да, хулоса чиқаришни уларнинг ўзига қўйиб берамиз. Маълумки, узумни майизга айлантириш жараёни жуда мураккаб. Одатда, миришкор ҳосилни шакллантириб, узиш арафасига олиб келган пайтда совхоз раҳбарияти томонидан комиссия тузилади. У қайси ерда қанча ҳосил тўпланганига қараб план белгилайди. «Мана бу майдондан палон тонна узум берасан» дейиш ҳуқуқини совхоз директори ёки дирекцияси ўз ихтиёрига олган. Яъни комиссиянинг кўзига ҳосил жуда баракали кўриниб кетса 40 тонна дейиши, ёхуд ўттиз тонна деб ҳам айтиши мумкин. Ҳуқуқ бир томонда бўлгани учун у истаса тоннани ошириб ҳам қўяверади. Ёки миришкор кўзига «яхшироқ кўриниб кетса», план камайиши мумкин...

БУНДАЙ паст-баландликнинг давоми узум узилгандан кейин тўла намоён бўлади. Яъни миришкор узумни узиб, дирекция юборган тележка ёки аравага ортиб беради-ю, ўз меҳнатининг маҳсулидан тамом узилади. Тележка узумни умумий хирмонга олиб бориб тўкади. Бундай хирмон хўжалик бўйича иккита, учта ёки тўртта бўлиши мумкин. Энди ҳосилга хирмон қоровули ҳазрати олийлари хўжайинлик қилади. У эса совхоз директори томонидан тайинланади.

Иштихон туманидаги «Коммунизм» совхозига Усмон Одилов директорлик қилган 1988 — 1989 йилда ўн-ўн беш бригада ерни беш йил муддатга ижарага олишганди. Шулардан бири Ислом Эргашевдир. Мана унинг бу йилги гапи:

— Ижара пудратини Горбачев маъқуллаётган бир пайтда маҳаллий катталарнинг қарши тургани уларнинг хатоси деб ўйлайман. Нега деганда, биз ижара пудратида ҳам яхши сифатли ҳосил берардик, ҳам ўзимиз кўпроқ даромад олардик. Шунга ҳозирги раҳбарларимиз қарши чиқишяпти...

— Нега қарши чиқишяпти?

— Ким билади. Директорнинг олдига кирсанг оғзидан ҳар хил сўзлар чиқади, бор, ишингни қил, дейди.

— Ахир пудратнинг афзаллиги ҳаммага аёнку! Наҳотки, директор буни тушунмаса?..

— Тушунишга-ку, тушунади-я, бироқ... Ўғирлик кўп бизда. Ижарага йўл қўйилса, хирмон қоровулига ҳожат қолмайди. Қоровулда эса гап кўп... Бултур мен икки гектар ердан 6 тонна майиз бердим. Совхоз ҳеч қачон бунақа ҳосил олмаган. Яна бунинг устига биз пудратда ишласак яшик бер, сатил бер, майиз тагига ёзишга қоғоз бер, узумни ташишга трактор бер демаймиз. Ҳаммасини ўзимиз қиламиз. Икки гектар ердан 15 минг сўм даромад олиб бердим. Совхоз шунча даромад олсин-чи? Миллионер эмас, триллионер бўлиб кетарди. Бу директор келиб мана шуларнинг ҳаммасини йўқ қилди.

Одамларнинг гапларидан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, шахсий манфаатдорликка озгина эрк берилса — совхоз ҳам ютади, деҳқон ҳам. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг: баъзи бир томорқаларда ўн сотих ердан бир тонна майиз олишар экан. Совхоз тузумида эса шу бир тоннани бир гектар ердан олиш мумкин.

Нега? Бош сабаб, давлатнинг узумни 24 тийиндан, майизни эса бир сўм саксон тийиндан харид қилишидадир. Деҳқон минг ишлаб гектаридан ўн тонна майиз берганида ҳам маоши ўша-ўша етмиш сўмлигича қолаверади... Бюрократия эса сохта математика билан бошингизни қотиради. Яъни бир сотихдан бир тонна майиз берса миришкор бир минг саккиз юз сўм олади, дейди. Аслида бир гектарда бир тонна майиз етиштириш учун бир одам эмас, унинг оила аъзоларидан ўн, баъзан ўндан ортиқ киши ишлашини ҳам, ўша даромад миришкорнинг бутун оила аъзоларига тақсимланишини ҳам бюрократия атайлаб айтмайди. Чунки у тузган ҳужжат бўйича бир гектар ер битта одамга расмийлаштирилган. Бундан ташқари, совхоз тузумини ҳимоя қиладиган амалдор звено бошлиғига қараб, узумингни хирмонга олиб боришга яшик олдингми, тракторчи ишладими, бензин сарф бўлдими, майиз ёйишга қоғоз ёки бўз олдингми, деб саволлар беради. Натижада ўша минг саккиз юз сўмдан (гўёки 1800 сўм катта пулдек) ойига базўр етмиш сўмга айланадиган маош қолади. Жами оила ишлайди-ю, маош бир кишига ёзилади. Ислом Эргашевнинг айтишича, миришкорлар ўша арзимаган пулни ҳам тиланиб олишади. Биринчи марта келганда, албатта, пул кам ёзилган бўлади. Иккинчи марта келиб жанжаллашсан. Яна озгина беришади...

Мана олтмиш ёшли миришкор Раҳмоновнинг гапи: «Исломга ўхшаганлар-ку, ҳақини талаб қилиб олади. Лекин менга ўхшаган саводсизлар шуни ҳам ололмайди. Менинг иккита оила қурган ўғлим бор. Иккови ҳам ишсиз. Додимизни кимга айтишни билмайман. Ҳеч қулоқ солишмайди. Жоғасидан олишдан бўлак иш қолмади раҳбарларнинг».

Мен кўп йиллардан бери Кавказорти, Болтиқбўйи жумҳуриятларининг, Қозоғистоннинг Чимкент вилояти халқининг моддий ва маиший аҳволини кузатиб келаман. Ўзбек деҳқонининг ҳаёти билан солиштирганда фарқ жуда катта. Нега бундай? Ахир у жумҳуриятлар билан бир тузумда яшаймиз-ку. Ҳамма бало шундаки, у ердаги бюрократия бизникидан фарқли равишда ўз миллатига бироз қайишади. Шунинг учун у жумҳуриятларда узумнинг давлат харид нархи бизникидан икки баробардан зиёд. Ҳар бош сигирга қўйилган сут плани бизникидан сезиларли даражада паст. 1200 кило сут топширган Кавказорти деҳқони планни бажарган ҳисобланади. Пул олади. 2000 кило сут топширган ўзбек деҳқони эса планни бажармаган ҳисобланади ва қарз бўлиб қолади. Чимкент вилоятида янги оила ариза берган йилиёқ ўн беш сотих ер билан таъминланади. Бизда эса деҳқон бир парча ер олиши учун Президент томорқа бер, деб махсус фармон чиқариши керак. Ва, ҳатто, шундан кейин ҳам бизнинг бюрократия деҳқонни томорқа билан тўлиқ таъминлаётгани йўқ. Деҳқонни мумкин қадар кўпроқ сиқиб, сувини олишда ҳеч бир жумҳурият бюрократияси бизнинг амалдорларимизга тенг келолмайди. Бошқа жумҳуриятларнинг бюрократияси ҳам марказга қараб лаганбардорлик қилади. Лекин марказдан «Мана шунча топширасан!» деб айтишганда, «Хўжайин, халқимиз камбағал, бизга ҳам озгина қолсин!» деб илтимос қилишади. Бизнинг бюрократия яқин-яқингача Москвадан «Беш миллион топширасан», деб айтишса, «Олти миллион қилиб топширамиз! Халқимиз жуда бой, меҳмондўст!» деб честь бериб келишганди. Бир пайтлари Хоразм раҳбарлари Марказга азбаройи яхши кўриниш ниятида обком биноси ёнидаги гулзорга ҳам пахта эктиришганди. Уни танқид қилган ёзувчининг орқасидан эса Марказий Комитетга у халқ душмани, партияга қарши ташвиқот олиб борди, деб хат ёзиб юборгандилар. Мана шу бюрократия майиз масаласида ижара ёки томорқа ер совхоздагига қараганда беш-олти, баъзан ўн карра ортиқроқ ҳосил беришини кўра била туриб унга йўл бергиси келмайди. Чунки у элнинг тўқ бўлишини хоҳламайди. Тўқ ва ери бор одам унга бўйсунмай қўйиши мумкин. Бу ғайри инсоний, ғайри қонуний ақида остида одамлар тақдирига яккаҳокимлик туйғуси ётади. Шунинг учун ҳам бюрократия — колхоз, совхоз тузумини жон-жаҳди билан ёқламоқда.

Энди хирмон ва хирмон мудири масаласини кўриб чиқайлик. Аслида бу тушунчалар колхоз ва совхоз тузуми билан бирга туғилган. Қадим-қадимдан ҳамма майизни ўзи ёйма қилган, ўзи қўриқлаган. Ер шахсий мулк эканлигида одамлар бадавлат яшаган. Бунинг асосида инсоф ва виждон собит турган. Ер ҳамманикига (ёки ҳеч кимникига) айлангач, инсоф ва виждон ҳам ғарибликка юз тутган. Уларнинг ўрнига хирмон қоровули келиб чиққан.

Хўш, хирмонга ёйилган узумдан қанча майиз чиқади? Миришкорларнинг айтишича, августнинг 15 куни ёйилган узумнинг 6 килосидан бир кило, сентябрнинг бошида ёйилганидан тўрт яримга бир, сентябрнинг охирида учга бир, октябрда эса иккига бир ҳисса майиз олиш мумкин.

Бу кўпчилик деҳқонларнинг томорқада оладиган натижалари. Лекин совхознинг умумий хирмонида, хирмон қоровули назоратида бу кўрсаткич «негадир» кескин камайиб кетади. Ҳатто ўн олти кило узумдан бир кило майиз олинган йиллар ҳам бўлган. Эътибор беринг, томорқа ёки ижарада узум шира емасдан, барвақт ёйилганда олти килосидан бир кило майиз чиқади. Совхоз тузумида эса бу ҳосил, уч, тўрт, баъзан етти-саккиз марта камайиб кетади?!

Майизнинг бу қадар камайиб кетишига нобудгарчилик, бефарқлик, ўғриликдан ташқари бюрократиянинг бевосита ва билвосита таъсири ҳам бор. Бевосита сабабчилиги шуки, хўжалик раҳбарлари хирмон қоровулининг «назорати» остида талон-тарожни амалга оширадилар. Шу совхоз раҳбарларидан тузилган ва область аҳамиятидаги бирон-та идора вакили қўшилган комиссиянинг акти эса ўғриликнинг изини йўқотадиган супурги бўлиб хизмат қилади. Ҳамтовоқлар комиссиянинг актидаги ёмғир ёғди, ириб кетди, қуш еб кетди, деган сохта баҳоналардан қалқон ясаб олишади. Бу қалқон замирида жиғилдон ташвишидан бошқа нарса ётмайди. Миришкор қақшаганича қолаверади. Маъмуриятчилар эса баттар шишиб бойиб кетаверади, уч ойгина муқаддам ишга тайинланган хирмон мудири эса бирданига катта иморат бошлаб юборади ё машина сотиб олади...

ЭНДИ БЮРОКРАТИК системанинг ҳосил барасига кўрсатаётган билвосита таъсирига назар ташлайлик. Маълумки, ўз чорбоғида ҳар бош узумни битталаб авайлаб ағдариб қўядиган миришкор, совхоз хирмонига келтирилган узумни тележканинг тепасидан туриб ерга ташлайди. Ағдариш лозим бўлиб қолса белкурак ёки паншаха билан ағдаради. Нега? Чунки, деҳқон биладики, хирмондаги узум ундан тортиб олинган, бюрократия қўлига ўтган узум. Бюрократия унинг бир қисмини ўғирлайди, катта қисмини эса тийинларга сотади. Деҳқонга етмиш сўм пул беради, холос. Етмиш сўм-а! Ўйлаб кўрайлик, бу пулга битта одамнинг қорни тўйиши ҳам амри маҳол! Айрим талабаларнинг нафақаси ҳам бундан юқори. Маъмуриятчилар бизга етмиш йил ёмонлаб келган капиталистик Америкадаги ишчи ёки фермернинг даромади бу етмиш сўмдан юз марталаб ортиқ. Ўзбекистонлик бюрократ ўз халқини марказий министрликларга талаттириб қўйиш билан чекланмай, ўзи ҳам уни қўшилиб талайди. Ваҳоланки, ҳокимият тепасида турган одамлар халқнинг отаси ролини ўйнаши керак. Ўз фарзандининг соғлом ўсишини, тўйиб овқат ейишини, яхши замонавий касб эгаси бўлишини, хорижий тилларни ўрганишини, спорт, санъат соҳаларида бошқа болалардан устун туришини хоҳлаши керак.

Мана, ошкоралик вз демократия шабадалари Ўзбекистонда ҳам эса бошлади. Ерга эгаликнинг ижара пудрати Москвадан туриб олқишланди. Жумҳурият президенти ҳам шундай фикрда. Бироқ бюрократия ва ижара ҳақидаги гапларни Иштихонда майиз етиштиришга келтириб боғлайдиган бўлсак, қизиқ ҳолатларга дуч келамиз. Мана сизга «Коммунизм» совхози ҳаётидан бир воқеа. 1989 йили эски раҳбарлар пайтида тўрт йигит хўжалик билан шартнома тузган. Шартномага кўра улар 330 гектар лалми ерни беш йилга ижарага олишиб, келишилган маҳсулотни совхозга топширишлари, ортиғини ўз ихтиёрлари билан тасарруф этишлари мумкин эди. Йигитлар 300 гектарга буғдой экишди, 30 гектарни эса қовун-тарвуз учун ажратишди. 1990 йили улар буғдойдан шу пайтгача ҳеч қачон олинмаган ва хўжаликнинг бошқа ерларидаги кўрсаткичлардан ҳам анча юқори бўлган ҳосил етиштиришди. Шу ҳосил йиғиштирилаётган пайтда район ва совхоз раҳбари ўзгарди. Бийдек даштнинг иссиқ ва совуғига чидаб мўл ҳосил олган йигитлар буғдой йиғиштирганларидан сўнг янги директорнинг олдига келиб ҳайратдан ёқасини ушлашди. Ҳеч қандай аренда-паренда йўқ, оддий эскича звено типида ҳақларингни оласизлар, деган жавобни эшитишди.

Йигитлар иккинчи марта киришди. «Ҳой, ака, ахир биз совет ташкилоти билан шартнома тузиб, унга ишонганимиздан бола-чақани ташлаб, яланғоч адирнинг устида етти-саккиз ойдан бери ер тишлаб ишлаб ётибмиз», дейишди. Эшитган энг яхши гаплари эса шу бўлди: шартнома-партнома йўқ. Мен уни йиртиб ташладим!

Йигитлар учинчи марта кириш учун андак тайёргарлик кўришди. Москва газеталарини кўздан кечиришди, жумҳурият президентининг матбуотдаги нутқларини ўқишди ва кичкина магнитофонга тоза лента қўйиб директор ҳузурига киришди. Суҳбат эса тубандагича бўлди:

— Ўртоқ директор, партия мана бундай деяпти.., президентимиз Каримов ҳам шу фикрда, сиз эса уларга қарши чиқиб, тескари иш қилаяпсиз-ку?

— Партиянгни йиғиштириб қўй... Бир кун директор бўлсам ҳам менинг айтганим бўлади.

Бу директорнинг энг маданий гаплари. Йигитлар ёзиб чиққан кассетадан «эшак», «ҳайвон», «боланг ўлиб тепасида тургурлар», сингари мурожаат ва тилакларни ҳам эшитиш мумкин. Биз беш-олти киши бўлиб кассетадаги ёзувларни тинглаганимизда бир-биримизга шундай саволлар бердик: хўш, бу директор нимага ишониб шундай гапларни гапиряпти?

Директор Искандар Хидиров ва бошқа раҳбарлар ижарага қаршиликларини «ҳаммага ер етмайди», деган даъво билан изоҳлайдилар. Яна ўзларининг звено услубида ишлатган ҳисоб-китоблари билан бошқаларни чалғитмоқчи бўладилар. Совхозда 600 гектардан ошиқ узумзордан ташқари 240 гектар суғориладиган ва 3000 гектардан ошиқ лалми ерлар бор. Директорнинг айтишича, совхозда 1500 хўжалик мавжуд. Негадир, у шунча хўжалигу 600 гектар узумзор билан ўз ҳисоб-китобини чегаралади. Қолган майдонларни четлаб ўтди. Майли, бунга ҳам кўна қолайлик. 600 гектар узумзорни бўлиб берганда 900 хонадон ерсиз қолади. Лекин звено услубининг ғайри инсоний жойи шундаки, бир гектар ер бир одамнинг номига ёзилади. Яъни, мисоли бир одам ишлагандек бўлади, бир одамга иш стажи ёзилади, охир-оқибатда пенсия ҳам бир кишига ёзилади. Фараз қилайлик, бир одам бир гектардан икки тонна майиз етиштирди. Демак, у тўрт минг сўмга яқин даромад қилади. Шу рақам марказдаги амалдорларга ҳам етиб боради. Улар бундай қарайди-да, ўҳ-ҳў бизнинг рус деҳқонимиз икки минг сўм даромад қилади-ю, нега энди ўзбек деҳқони тўрт минг сўм оларкан, деб майизнинг давлат харид нархини ошириш у ёқда турсин, пасайтиришга уринади. Ҳолбуки, бошдан охиригача ҳаммаси ёлғон бўлган бу сохта маълумотларнинг бошида маҳаллий амалдорлар турибди. Аслида ҳеч қачон битта одамнинг, масалан Илёс бобонинг, бир гектар токзордаги узумни парваришлаб, хирмонга ёйиб, майиз қилишга қурби етмайди. Гарчи у Афросиёбни қурган Алп Эр Тонга бўлиб суткасига 24 соат ишлаган тақдирда ҳам. Илёс бобонинг орқасида қариянинг уч ўғли, уч келини, кампири ва бир арава неваралари турибди. Бир гектарни ишлаш учун саккиз киши тер тўккан. Маъмуриятчиларимизни қолган етти одамнинг заҳмати ҳам, уларнинг иш стажисиз қолаётгани, охир-оқибатда юз минглаб бобо ва момоларимизнинг пенсиясиз қолаётгани ҳам зиғирчалик қизиқтирмайди.

НОРМАТИВНИ ўзбек миришкори ҳам одамга ўхшаб яшашига имкон берадиган тарзда, бир кишига бир эмас — чорак гектардан тақсимланадиган ҳолда қайтадан кўриб чиқиш учун эса бюрократ ишлаши, тер тўкиши лозим. Бироз мардроқ бўлиб ўзидан юқори анча-мунча идораларда лаб-даҳан уриштириши, энг асосийси эса ўз халқини жиндек бўлсада севиши лозим.

«Комунизм» совхозида майизни ижарага оламан деган миришкор кўп. Одамларнинг бу ҳаракатида хирмон атрофида бўлаётган ўғирликларни кесиш, ўзлари манфаатдор бўлган ҳолда бозорга кўпроқ майиз етказиб бериш истаги ётибди. Бир гектар эвазига етмиш сўм бериб ишлатилгани учун минглаб йигитлар ҳар томонларда тентираб мардикорчилик билан бола-чақа боқишга мажбур бўлмоқдалар. Бу йигитларнинг қишлоқдаги ризқи эса «умумий хирмондан» расмий актлар билан ўғирланаётган юз минглаб сўмлар ичида қолиб кетмоқда. Агар ижарага йўл қўйиб берилса деҳқон ҳам, давлат ҳам, дунёнинг турли бурчакларидаги майизга муштоқлар ҳам ютади.

Зоҳир АЪЛАМ

Машҳур боғбон Зайниддин Фахриддинов ва машҳур уста Маҳмуд Усмонов ўзаро суҳбатда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратга олган

ОЧИҒИНИ АЙТГАНДА

КЎПРИК

ТАЛАБАЛИГИМИЗНИНГ дастлабки йили пахта мавсумини Оқдарё ноҳиясидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги далаларида ўтказган эдик. Биз жойлашган Янгикент қишлоғи Қорадарё соҳилида эди. Бир куни дарё бўйидаги пайкалда пахта терар эканмиз шу ерлик колхозчи ҳасрат қилиб қолди:

— Ҳов, нариги қирғоқда кўриниб турган қишлоқ Пастдарғом районига қарашли. Мен ўша ёқдан келин туширганман. Қуда-андаларимиз бор. Лекин кам кўришамиз. Тез-тез кўришиб турмасак, оқибат ҳам йўқолар экан. Сабаби у томонга дарёдан кечиб ўтолмаймиз. Аввал колхоз марказига, ундан районга, райондан Самарқандга борамиз. Хуллас, олти марта машинадан машинага алмашиб, нақд 70 километр йўл босиб, ана шу кўриниб турган қишлоққа етиб оламиз...

Ҳа, бу суҳбат талабалик йилларимда бўлган эди. Энди вазият ўзгаргандир, қуда-анда қишлоқлар ўртасидан оқадиган дарёга кўприк солингандир, деб ўйларсиз. Йўқ, ундай эмас. Ҳали ҳам ўша аҳвол ўшандайлигича турибди. Икки соҳилдаги қишлоқ аҳли ҳозиргача ҳам бир-бирларининикига 60 — 70 чақирим йўл босиб боришмоқда. Дарё устига кўприк қуриб, одамларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилиш ҳеч бир раҳбарнинг хаёлига келмайди.

Бундай аҳволни Оқдарё, Иштихон ва Пойариқ районларининг Оқдарё қирғоқлари бўйлаб жойлашган бошқа қишлоқларида ҳам кузатиш мумкин. Шу пайтгача икки соҳилда жойлашган қишлоқларни, демакки, одамларни бир-бирлари билан боғловчи кўприклар қурилмаган.

«Коммунист» жамоа хўжалигининг Бойбута қишлоғида хушманзара бир шийпон бор. Бу ерда казо-казо раҳбарлар дам олишади, кўнгил ёзишади. Шийпондан юз метрча қуйида дарё устига омонатгина қўлбола кўприк қурилган. Уни Оқдарё ёки Иштихон район раҳбарлари эмас, балки бойбуталик оддий тракторчи — Узоқ ака қурган. Ҳар баҳор кўприкни сув ювиб қуруқ савлати қолади. Узоқ ака эса, уни жонини жабборга бериб қайта-қайта тузатишдан чарчамайди... Раҳбарлар эса буни кўриб, кўрмасликка олишади.

Мен кўприкни атайлаб бориб кўрдим. Арзимаган ёғоч, темир ҳисобига уни мустаҳкам қилиб тузатса бўлади. Лекин Узоқ акадан бошқа ҳеч кимни бу савоб иш қизиқтирмайди.

— Бизни қийнаб келаётган энг катта муаммо, бу — кўприк муаммоси, — дейди «Москва» жамоа хўжалигининг аъзоси А. Абдурашидов. — Ота-боболаримиз қадимдан шу ерларда чорвачилик билан шуғулланишган, дарёнинг нариги соҳилига ўтиб деҳқончилик қилишган. Шундан бизнинг ярим қариндош-уруғларимиз Пастдарғом тарафда яшашади. Айниқса, таъзия бўлган кунлари бизнинг ташвишимиз янада ортади. Чунки қишлоқларимизнинг аҳолиси марҳумларни дарёнинг нариги қирғоғидаги Бовожир қабристонига олиб ўтиб кўмадилар. Бунинг сабаби бор, албатта. Дарёнинг биз яшаётган ўнг соҳили бир қадар паст бўлиб, бир метр кавласангиз сув чиқиб кетади. Чап соҳил эса, дарёдан анча баланд. Шу боис Бовожид қабристонидаги юз йиллик қабрлар ҳам бузилмай турибди. Ота-боболаримиз шу томонга ҳам эътибор беришган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, кексалар ўлими олдидан «Мени ота-онамнинг олдига кўминглар», деб васият қиладилар. Қани, виждонан айтингчи, васиятни бажармай бўладими?

— Бу қишлоқлар аҳолиси ҳақли талаб қўймоқда. — деди биз билан суҳбатда. Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Ойгул Маматова. — Кўприк қурилиши уч-тўртта қишлоқнигина эмас, бошқа районларни ҳам бир-бирига боғлайди. Ҳозир Оқдарёга темир йўл олиб келиш планлаштирилмоқда. Темир йўлни Самарқанддан эмас, Жума шаҳридан олиб келиш иқтисодий жиҳатдан самаралироқ, чунки масофа яқин. Мутахассисларнинг фикри ҳам шундай. Агар темир йўл Жумадан олиб келинса одамларнинг ҳам орзуси ушалади — кўприк қуриларди. Мен бўлажак кўприкни лойиҳалаштириш ишларига киришмоқчиман.

Энди бошқа бир халқ вакилини тингланг:

— Мен шу колхоздан вилоят Советига депутатман, — дейди халқ депутатлари район Советининг раиси Маъмур Ҳалилов. — Мендан ҳам улар кўприк қурилишини сўрашган. Учтўртта қишлоқ учун биз кўприк қуриб беролмаймиз. Бу — районга иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди... Қолаверса, экологияга ҳам таъсири бор, деб ўйлайман. Сарка қишлоғида эски осма кўприк бор экан, ўшани тузатиб бермоқчимиз.

Ана энди, ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг. Халқ депутатики, «иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди», деб тургандан кейин маъмурлар, масалан ижроқўм раиси И. Усмонов кабилар нима дейишарди. Албатта, йўқ, дейишади-да.

Қишлоққа келадиган раҳбар зоти борки фақат ферма билан қизиқади. Сут, гўшт плани, ем-хашак жамғарилиши ҳақида суриштиради. Одамлардан эса қандай яшаяпсизлар деб сўрашмайди ҳам. Ахир бу одамлар фақат ўзлари учун эмас, хўжалик учун меҳнат қилишмоқда-ку! Пахта экмоқда, чорвада ишламоқда, пилла боқмоқда. Шунинг ўзи иқтисодий фойда эмасми. Одамларнинг неча ўн йиллардан буён фақат давлат учун меҳнат қилиб келишгани битта кўприкка арзигулик иқтисодий фойда келтирмадими?..

Уларнинг ўнлаб йиллардан буён сарсонгарчилиги, узукун ишдан қолиб овора бўлиши-чи, буларни пулга чақса қанча бўлар экан? Маънавий қадриятларни, қуда-андачилик, оға-иничиликни пулга чақиб бўлармикан? Қишлоқ аҳолисининг ўз юртига меҳри учун бизнинг мукофотимиз шуми?

Биз сўз юритган қишлоқлар аҳолиси оғир ижтимоий ва маиший қийинчиликларга қарамай киндик қони тўкилган юртини тарк этгиси келмайди. Бу — фазилат. Мана шу биргина фазилатлари учун биз қишлоқ меҳнаткашларини бошимизга кўтаришимиз керак. Ахир 70 йил мобайнида ўз қишлоқларини ташлаб кетган кишиларнинг аҳволини кўраяпмиз-ку!

Ўшаларнинг ҳолига тушиб қолмаслик учун ҳам бугун жумҳурият қишлоқларида яшаётган кишиларга, азиз деҳқон халқига барча шарт-шароитларни яратиб бериш мутасадди ташкилотларнинг биринчи вазифасидир.

Тоҳир ДОЛИЕВ

ТОҒЛАР НОЛАСИ

Тоғ чашмаси сувидан қониб, етилиб пишган чарос узумлар, қирмизи нок-нашватилар, қизлар ёноғидан андоза олган олмалар... Уларни таърифлашга қалам ожизлик қилади. Ҳар гал Жиззах ҳудудидаги тоғлар бўйлаб Самарқанд томонларга ўтишда шу манзараларни кўраман. Кўраман-у, бироқ зум ўтмай илиқ кайфиятим ўрни кўнгилхиралик, нохушлик билан алмашади. Шундоқ кўз ўнгимизда тоғларнинг бетакрор манзарасига путур етказилмоқда.

«Тошкент—Термиз» йўли бўйлаб Жиззах шаҳридан бир неча чақирим чиқилгач, баланд-паст тоғлар бошланади. Унинг табиий манзараси йилдан-йилга хиралашиб, ёмон аҳволга тушаётир. Йўл ёқасидаги тошларга кимлар ва нималарнинг исми ёзилмаган дейсиз. Тоғлар бағри ҳудабеҳудага ўйиб, техникалар ёрдамида суриб, қазиб ташланган. Унда-бунда ётган чиқинди уюмлари ҳам табиатга бефарқлик, шафқатсизлик рамзи сифатида нигоҳингизга қадалаверади. Кўпчилик йўловчилар эътибор беришган бўлса, йўлнинг ўнг томонидаги баланд тоғ пешонасида оқ тошлардан «Пахта — 6000000 т.» деган турғунлик йилларини эслатувчи мантиқсиз ёзув кўзга ташланиб турибди. Ниҳоят, кимдир уни беш миллион тонна қилиб ўзгартирибди ҳам. Бироқ, ушбу «ихтиро» анча масофагача тап-тақир тепаликдан иборат жойга ярашганмикин? Чап томондаги тепаликлар бағрида ҳам анча-мунча шиорларни ўқиш мумкин. Табиатга ярашмаган бундай чизгилар тоғларнинг кўрки-тароватига завол етказади-ку. Ҳеч бўлмаса табиатни сиёсий мадҳиябозликдан холи қўяйлик.

Автобусдаги суҳбатдошим ҳам табиат шайдоларидан бири экан:

— Эй, нимасини айтасиз ука, — деб гап бошладилар Дониёр ака. — Раҳбарларнинг тез-тез алмашиши тоғлар кўркида ҳам нохуш из қолдираётир. Ишлаб турган раҳбар хайрли бир ишга қўл уради-ю, поёнига етказа олмай, «кетиб» қолади. Бир мисол, 70-йилларда Нурота тизмаларининг Форишга туташ ёнбағрида арчалар экиш кўзда тутилиб, анча жой шудгор қилинди, керакли майдончалар текисланди. Аммо, кўп ўтмай вилоят партия комитетининг биринчи котиби ўзгартирилди-ю, бу иш ўз ҳолича қолиб кетди. Табиий гўзаллик бузилди, холос. Бу ҳол ҳозиргача ҳеч кимни ташвишга солгани йўқ.

Бутуниттифоқ Зомин санаторияси атрофида бундан ўн йил бурун ҳаво илиқ кунлари базми-жамшид авжга чиқар эди. Ҳазил зилга айланиб, кунлардан бирида бу ерда ёнғин чиқди, арчалар кул бўлди. Бу ерликлар барбод бўлган манзарани ҳануз ачиниш билан эслашади.

Суҳбат билан бўлиб, қишу ёз кўм-кўк бўлиб турувчи Омонқўтон манзилига етиб келганимизни сезмай қолдик. Тоғ ёнбағирларида арча ва чинорлар, қайрағочу қайинлар, тераклар адл қад кериб турибди. «Бу тоғлардан қилич ўйнатиб Темур, юлдузларга қўл чўзиб Улуғбек, ўйга ботиб Навоий... ўтган», — дея таъриф берган эдилар ёзувчимиз Саид Аҳмад ўзининг «Жимжитлик» романида.

Бу жаннатмакон жойда тўрт йилча бурун бўлганимда аянчли бир манзарани кўрган эдим. Холдек ярашиб тушган «Лола» ресторанининг рўпарасида тоғ бағри қаторасига ўн беш-ўн саккиз жойдан ўйиб олинган эди. Бир қарашда каттароқ чиябўрининг уясини эслатувчи бу коваклар киши кайфиятини бузади. Одамларнинг айтишича, вилоят партия қўмитаси ходимлари учун бу ерда дала ҳовлилар қурилар эмиш...

Тоғ гиёҳлари саналган равоч, анзур пиёзи, зира, чучмомалар, лола, гулисапсар ва тоғарачалари мана шундай баднафсликнинг қурбони бўлиб, танқислашиб бораётир. Сайёҳ овчилар томонидан қириб юборилаётган кakликлар—кабоб, беданалар—димлама бўлмоқда.

Бугун серқуёш юртимиз кўксидаги салқин, баҳаво, сўлим гўшалар, гўзал тоғлар бағри харобага айланаётган экан, ҳар биримиз ҳушёр тортишимиз керак. Пурвиқор тоғлар инсондан бош эгиб нажот кутаётган экан, меҳримизни ундан дариғ тутмайлик! Табиатга ҳурмат — юртга ҳурмат, келажакка умид ва ишонч демакдир.

Дилмурод ДЎСТМУРОДОВ

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

ИЛДИЗЛАРИНИ КЎРСАТАЙЛИК

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» рўзномасининг 1990 йил 19 август сонида чиққан мўъжазгина сарлавҳасиз бир хабарда ўқиймиз: «Оналаримиз тунлари бешик тепасида бедор қуйлаган алла садоси қулоғимизга илк бор қуйлаган меҳр-муҳаббат қўшиғидир. Она аллаларига тўйган фарзанд меҳр-оқибатли бўлиб камолатга етади. Аммо ҳозирги ёш оналар алла айтишни билмайди».

Гап фарғоналик ёш оналар ҳақида бораяпти. Лекин бу жумҳуриятимиздаги барча жувонларга тааллуқли. Тўғри, улардан айримлари аллани билиши мумкин, бироқ бундан вазият ўзгармайди: аксари ёш йигит-қизлар кундик қони тўкилган ерга, тупроққа, она диёрига, табиатига меҳр-муҳаббатсиз ўсмоқдаки, бунинг бир сабаби ўша алланинг йўқолишига бориб тақалади. Зотан, алла инсон маънавий камолатини таъминловчи минглаб, юзлаб илдизлардан биридир.

Майли, шундай дейлик. Аммо кеча Ўшда, ундан олдин Фарғона ёки бошқа вилоятларда даҳшатли фожиалар рўй бериб турганда ёхуд хизмат қилаётган фарзандларимиздан айримлари номаълум сабабларга кўра ҳалок ёки мажруҳ бўлиб қайтаётганда қандайдир алланинг йўқолиши ҳақида бонг уриш зарурми? Ахир, алла билан фожиа ўртасида осмон билан ерча фарқ борку? Зотан, армияга соппасоғ жўнатилган йигитнинг тобути келиб турса, бундай аллани эшитиб ёки бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ўзи мумкин эмас-ку!

Айтайлик, мен танқидчи, адабиётшунос сифатида фақат бадиий адабиёт, ижод жараёни, ёзувчилар фаолиятини таҳлилу талқиндан ўтказиб, бирини мақташ, иккинчисини ёмонлаш, учинчисини ўртача, деб баҳолаш билан чекланиб, ҳаётда, ўзим яшаб турган муҳитда қандай ҳодисалар бўлаётганини, чунончи, аллани кимлар биладию кимлар билмайди, кимлар қаерда нима учун қон тўкяпти, кимлар чинакам қайта қуриш билан шуғулланиб, қурашаяптию кимлар бунинг аксини қиляпти, деган саволлар, муаммолар устида бош қотиришим шартми? Тўғри, танқидчи, адабиётшунос ҳақиқатан ҳам биринчи галда сўз санъатининг назарий ҳамда амалий муаммоларини ёритишга сафарбар этилади. Лекин у асосий вазифани бажаришда реал воқеликка асосланиб, ижтимоий-маънавий тараққиёт талабларидан келиб чиқиши керак-ку, ахир! Зотан, бадиий адабиётнинг нодир истеъдод қудрати билан яратилган иккинчи сеҳрли, мураккаб, жозибали, салмоқли олам, деб аталиши бежиз эмас. Шундай экан, «иккинчи оламнинг қадр-қимматини аниқлаш учун уни биринчи, асл воқеликка, ҳаётга, биз яшаб турган муҳитга таққослашга мажбурсизки, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Шунга кўра адабий танқидчиликни ҳам шартли равишда «учинчи олам» деб таърифлаб, унинг моҳиятини пироварднатижада биринчи дунё, яъни ҳаётнинг ўзига таққослай билиш мумкин, холос. Негаки, у биринчи галда «иккинчи оламнинг қиёфаси, суратию сийратини гавдалантириб, бир пайтнинг ўзида ҳам сўз санъати, ҳам ижтимоий-маънавий ҳаёт тараққиётига таъсир кўрсатгандагина ўз бурчини адо этади. Тўғри, «иккинчи олам» танқидчиликсиз, адабиётшуносликсиз кун кечираверади, унинг «учинчи олам»га ҳеч қандай эҳтижёжи йўқ, деган гаплар бўлиб туради. Ахир, айтайлик, Алишер Навоий ёки Лев Толстой ёхуд Вильям Шекспир ҳеч қачон бирорта адабиётчи олим ёки танқидчидан наф олмаган-ку, дейишадики, бунга қисман қўшилиш мумкин. Чунки, буюк бобомиз ижод қилган пайтларда бадиий адабиёт ҳақидаги фан, танқидчилик ривожланган эмас. Шунга қарамасдан сўз санъатининг моҳиятини ёритадиган, унинг сир-сеҳрини тушунтирадиган одамлар бўлганлиги ҳаммамизга аён. Жумладан, Алишер Навоий классик адабиётимизнинг назарий ҳамда амалий муаммоларига бағишланган махсус рисолалар ёзди. Буни ҳозирги маънодаги адабий танқидчилик бўлмаса-да, адабиётшуносликка хос иш, деб айтамиз. Айни чоғда ёзувчиларга, умуман, сўз санъати тараққиётига баркамол танқидчилик жуда бўлмаганда туртки бериши ёки сезиларли наф келтириши муқаррардир.

Агар танқидчида табиат ато қилган истеъдод бўлса, у яратувчи санъаткор сингари мислсиз обрў қозониб, ҳам сўз санъати, ҳам ижтимоий-маънавий ҳаёт тараққиётига бетакрор улуш қўшадиган адабий-танқидий, илмий-эстетик асарларга эга бўлади. Афсуски, кейинги етмиш йил мобайнида адабий танқидчилигимизда катта воқеа бўладиган ана шундай ғоятда баркамол мақолалар, тақризлар, тадқиқотлар ёзиб, лоақал Белинский, Добролюбов ёки Писарев даражасига кўтариладиган мунаққидлар фақат жумҳуриятимиздагина эмас, балки бутун Совет иттифоқи миқёсида ҳеч қачон юртида етишиб чиқмади. Бунинг муҳим сабабларидан бирини англаш ниятида Ленининг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласига мурожаат этамиз: «Абдулла Қодирий сталинизм қурбони бўлгач, «Меҳробдан чаён» китобхонлар қўлидан юлиб олинди. Ўзбек оилаларида Анвар исмли болалар, Раъно исмли қизлар кўпайиб бораверди. Дилшодлар даврасида Жулқунбой романлари эртаклардай сўзланадиган бўлди. Одам илк бўса тотини умр бўйи ҳис этганидай, биринчи ўқиган романи, қиссасини сира унутмайди...».

Ўйлаб кўрайлик, мазкур жумлалар бир-бирига қандай мантиқ ва мақсадга муфиқ бозланаяпти? Уларда қалбимизга бамисоли бир оловдай таъсир кўрсатиб, онгу тафаккуримиздаги нималарнидир ўзгартиришга қодир мазмун жамланганми?

Афсуски, «Романнинг машаққатли йўли» мақоласини ўқиб чиқиш жараёнида шунга ўхшаш ўнлаб, ҳатто юзлаб саволлар туғиларади, лекин уларга асар таҳлили орқали жавоб қайтарилмайди. Бунинг ўрнига дастлаб Ойбек ўзининг Абдулла Қодирийга бағишланган асарида «Меҳробдан чаён»ни вульгар социологизм талабларидан келиб чиқиб нотўғри танқид қилди, дейилади-да, мисоллар келтирилади. Сўнгра ёзувчи ижодий методи хусусида авж олдирилган тортишувларга диққатимиз қаратилиб, қайси мунаққидлар А. Қодирий соцреализмга ёт, қайсиси унга мос келади, деган масалада баҳс юритилади, асар қаҳрамонларининг деярли барчаси тилга олиниб, уларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатлари батафсил тавсифланиб, таърифланади ва ниҳоят, шундай хулоса чиқарилади: «Меҳробдан чаён» тарихий роман бўлса-да, ўз яратилган даврининг кўпгина томонларини ишонарли акс эттирди. Абдулла Қодирий, гарчи ўтмиш ҳақида романлар ёзган бўлса-да, инсон табиатини, унинг моҳиятини чуқур англар, асрлардан асрларга ўтиб келаётган ҳақиқий инсонийликни, гўзалликни тасдиқлашни санъаткорлик бурчи деб биларди».

МЕН БИР КИТОБХОН, мунаққид сифатида «Меҳробдан чаён» романининг анча баркамол асарлигини биламан ва шу жиҳатдан «Романнинг машаққатли йўли» мақоласида нақл қилинган илиқ фикрларга қўшиламан, бироқ ҳақиқий мунаққид ҳар бир яхши асарнинг фазилатларини ўзича идрок этиб, ўзича кашф этадики, биз кўриб чиққан мақолада шу фазилат кўзга яққол ташланиб турмайди. Яна қандай мақола денг? Бу мақола «Шарқ юлдузи» томонидан 1989 йилнинг энг зўр адабий-танқидий мақоласи сифатида мукофотланган! Ҳолбуки, мақола муаллифи А. Расулов ёзувчи қандай қилиб тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириши жараёнини ёритмасдан, «Меҳробдан чаён»га, А. Қодирийга гоҳ бевосита, гоҳ бавосита боғлиқ ижобий ҳамда салбий ҳодисаларни умумий тарзда баён этишдан нарига ўтмайди. Бу баённома эса кўпинча бир-бири билан мантиқан боғланмаган ёки жуда заиф, ланмайлик-да, жумланинг биринчи қисмида тилга олинган воқеа тўғрисидаги гапга эътибор берайлик, ахир, бунга қандай зарурат бор эди: бордию, зарурат бўлса, нима учун ўша воқеанинг моҳияти ёритилмайди? Нега бу жумбоқ ечилмасдан, асардаги «образлар ва уларнинг ҳаётдаги эгалари» муаммоси диққат марказига чиқарилаяпти? Бу жумбоққа аниқлик киритилмасдан «роман атрофидаги қувончлар, илк таассуротлар» қаламга олинадию бироқ уларнинг аниқ мундарижаси очилмайди, яна бошқа жумбоқлар қалаштириб ташланади: «Булар ҳақида «Отам ҳақида» китобидан маълумот олиш мумкин».

Майли, шундай бўлсин дейлик, аммо нима учун, қандай мақсадда «романнинг машаққатли йўли» ҳақида сўз очилаяпти, деб қайрон қоласиз. Аммо ўша жумбоқларга тезда аниқлик киритилиб қолар, деган умидда мақолани ўқишни давом этамиз: «Энди айтиш жоизки, Ҳабибулло Қодирийнинг «Отам ҳақида» китоби дардли юракнинг, фарзанди комилнинг улкан истеъдодга эга бўлгани, одамлар жон-жонидан севгани учунгина гумроҳлар ғазабига дучор бўлган Отага сўз билан тиклаган ҳайкали, сўз санъати боғига ўтказиб кетган ҳамиша ямяшил дарахти...».

Хўш, фарзанднинг отага тиклаган ҳайкалнинг «романнинг машаққатли йўли»га қандай алоқаси бор? Нега бу китоб гоҳ ҳайкалга, гоҳ ям-яшил дарахтга таққосланаяпти?

Бунинг сирини билишни истаб, яна мақолага мурожаат этамиз: «Абдулла Қодирий сталинизм қурбони бўлгач, «Меҳробдан чаён» китобхонлар қўлидан юлиб олинди. Ўзбек оилаларида Анвар исмли болалар, Раъно исмли қизлар кўпайиб бораверди. Дилшодлар даврасида Жулқунбой романлари эртаклардай сўзланадиган бўлди. Одам илк бўса тотини умр бўйи ҳис этганидай, биринчи ўқиган романи, қиссасини сира унутмайди...».

Ўйлаб кўрайлик, мазкур жумлалар бир-бирига қандай мантиқ ва мақсадга муфиқ бозланаяпти? Уларда қалбимизга бамисоли бир оловдай таъсир кўрсатиб, онгу тафаккуримиздаги нималарнидир ўзгартиришга қодир мазмун жамланганми?

Афсуски, «Романнинг машаққатли йўли» мақоласини ўқиб чиқиш жараёнида шунга ўхшаш ўнлаб, ҳатто юзлаб саволлар туғиларади, лекин уларга асар таҳлили орқали жавоб қайтарилмайди. Бунинг ўрнига дастлаб Ойбек ўзининг Абдулла Қодирийга бағишланган асарида «Меҳробдан чаён»ни вульгар социологизм талабларидан келиб чиқиб нотўғри танқид қилди, дейилади-да, мисоллар келтирилади. Сўнгра ёзувчи ижодий методи хусусида авж олдирилган тортишувларга диққатимиз қаратилиб, қайси мунаққидлар А. Қодирий соцреализмга ёт, қайсиси унга мос келади, деган масалада баҳс юритилади, асар қаҳрамонларининг деярли барчаси тилга олиниб, уларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатлари батафсил тавсифланиб, таърифланади ва ниҳоят, шундай хулоса чиқарилади: «Меҳробдан чаён» тарихий роман бўлса-да, ўз яратилган даврининг кўпгина томонларини ишонарли акс эттирди. Абдулла Қодирий, гарчи ўтмиш ҳақида романлар ёзган бўлса-да, инсон табиатини, унинг моҳиятини чуқур англар, асрлардан асрларга ўтиб келаётган ҳақиқий инсонийликни, гўзалликни тасдиқлашни санъаткорлик бурчи деб биларди».

МЕН БИР КИТОБХОН, мунаққид сифатида «Меҳробдан чаён» романининг анча баркамол асарлигини биламан ва шу жиҳатдан «Романнинг машаққатли йўли»да мақоласида нақл қилинган илиқ фикрларга қўшиламан, бироқ ҳақиқий мунаққид ҳар бир яхши асарнинг фазилатларини ўзича идрок этиб, ўзича кашф этадики, биз кўриб чиққан мақолада шу фазилат кўзга яққол ташланиб турмайди. Яна қандай мақола денг? Бу мақола «Шарқ юлдузи» томонидан 1989 йилнинг энг зўр адабий-танқидий мақоласи сифатида мукофотланган! Ҳолбуки, мақола муаллифи А. Расулов ёзувчи қандай қилиб тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириши жараёнини ёритмасдан, «Меҳробдан чаён»га, А. Қодирийга гоҳ бевосита, гоҳ бавосита боғлиқ ижобий ҳамда салбий ҳодисаларни умумий тарзда баён этишдан нарига ўтмайди. Бу баённома эса кўпинча бир-бири билан мантиқан боғланмаган ёки жуда заиф, сунъий «уланган» мулоҳазаларни ўз ичига олган, холос. Пировардида шундай қарама-қаршиликлар келиб чиқадики, улар аксари ҳолларда А. Расуловнинг ўзини чалкаштириб, калаванинг учини йўқотишга олиб келади. Шундай экан, унинг «Ҳужжат ва бадиийлик» мақоласида «Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира-қиссасини бир ёқлама талқин этиб, «Ўтган кунлар» муаллифининг қамалишига бевосита алоқадор ижодкорлар ҳимоясига отлангани тасодифий ҳол эмас ва бунинг мутлақо асоссиз эканлигини У. Норматов ўзининг «Фиғон» мақоласида («Ёшлик», 1990 йил, 6-сон) ёниб-куйиб исботлади. Аммо «Романнинг машаққатли йўли» нима учун шундай зарбага дуч келмади? Бунинг бир сабаби шунда бўлса керакки, унда кўпроқ «беозор», биронта қаттиқ ботмайдиган, силлиқ фикрлар ифодаланган. Энг муҳими, ёзувчи ҳақида ёниб-куйиб мулоҳаза юритадиган катта қалбнинг салмоқли мавжларини сезмаймиз. Лекин кучи эҳтирослар фақат баркамол илмий таҳлилга сингдирилганда ўзини оқлайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Ҳ. Абусаматовнинг «Аввал ўзингга боқ...» сарлавҳали очиқ хатига («Тошкент ҳақиқати», 1990 йил, 6 февраль) бир назар ташлайлик. Йўқ, бу оддий хат эмас. У рўзноманинг деярли бир саҳифасини эгаллаган жуда катта ҳажмдаги айбномадир. Айбномаки, ғоятда кучли ғазабу нафрат руҳи билан суғорилган, яккаю ягона «қаҳрамон» — Матёқуб Қўшжоновга қаратилади.

Хўш, бу «қаҳрамонимиз» нима учун чексиз ғазабу нафрат объектига айланди? Ҳ. Абдусаматов ўз мухолифига мурожаат этиб, қуйидаги «айблар»ни юклайди: «...К. Яшинни қоралаганингиз қоралаган», «кир қидиришга шўнғиб кетдингиз», «Ҳамза» романига, айниқса, «Оловли йўллар» кўп серияли телефильмига ҳужумни астойдил бошлаб юбордингиз», «Ҳ. Абдусаматов ҳам Ж. Шарифйларга ўхшаб, бадиийликни эътироф этиб, мазмунни, дунёқарашни инкор қиляпти, деб жар солдингиз», «Битта миллий адабиётнинг асосчиси бўлади», деган олимларни (Л. Қаюмов, С. Мирвалиев) қоралаб кетдингиз, бундай фикр «ғоятда кулгили ва ачинарли бўлиб туюлади», деб шовқин-сурон солаяпсиз...».

Хўш, М. Қўшжонов қайси мақоласида К. Яшинни, унинг «Ҳамза» романини, «Оловли йўллар» телефильмини нималарга асосан қоралабди? Ҳ. Абдусаматов, Л. Қаюмов, С. Мирвалиевнинг қайси фикрларини қандай далил-исботларга кўра қачон ва қаерда рад этибди?

Афсуски, бу саволларга аниқ фактлар таҳлили орқали ишонарли илмий-танқидий, мантиқий изчил, ҳаққоний жавоб қайтарилмайди. Лекин жавоб қайтаришга интилиш ҳам кўзланган натижани бермасди. Негаки, ҳалигача Яшининг «Ҳамза»ва романию унинг бутун ижодкорлик фаолияти ёки Ҳ. Абдусаматов, Л. Қаюмов, С. Мирвалиевнинг кимларга фойда ёки кимларга зарар келтиргани чуқур, ҳаққоний илмий-танқидий таҳлилдан ўтказилмади-ку! М. Қўшжонов ҳамда бошқа айрим мунаққидлар, шу жумладан мен ҳам фақат йўл-йўлакай номи тилга олинган муаллифларнинг айрим хусусиятларигина айтиб ўтганмиз, холос. Аммо шу озгина, анча «юмшоқ» танқидий мулоҳазаларимиз ҳам Ҳ. Абдусаматовнинг «очиқ хат»да адабий-танқидий тафтишдан ўтказилмайди. Бунинг ўрнига нуқул нима учун М. Қўшжонов нега бизга тош отаяптию, А. Қодирий каби ёзувчиларни кўкларга кўтараяпти, дея бонг урилади.

Тўғри, ўша турғунлик, кўзбўямачилик иллати авжига чиқиб, жамиятимизнинг барча соҳаларида, шу жумладан, адабий танқидчиликда ҳам ҳукмронлик қилган вақтда фақат М. Қўшжоновгина эмас, балки И. Султонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов, И. Ғафуров, мен ўзим ҳам Ҳамзани ўзбек совет адабиётининг асосчиси, Яшинни адабиётимизнинг йирик намояндаларидан биридир, деб мақтаганмиз, мақташга мажбур бўлганмиз. Бошқача йўл йўқ эди. Чунки, улар тўғрисида бирорта танқидий фикр билдириш норасмий суратда қатъиян ман этилгандики, бу барча қаламкашларга, хусусан, Ҳ. Абдусаматовга ҳам аён эди. Лекин бизнинг мақтовимиз одатда анча паст пардаларда бўлиб, йўл-йўлакай айтиларди ва шундан кейин гоҳ О. Ёқубов, П. Қодиров, гоҳ А. Орипов, Э. Воҳидовнинг ҳаёт ҳақиқатини қисман бўлса-да, акс эттирган асарларини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилардик. Гоҳида Чўлпон, Фитрат, баъзан А. Қодирийнинг айрим нуқсонлари тўғрисида сўз очардигу сўнгра уларнинг аксари асарлари ўзбек халқининг орзу-ниятлари, дарду аламларини ёритган, деган фикрни баъзан бевосита, баъзан бавосита айтардикки, Ҳ. Абдусаматов масаланинг шу жиҳатини ҳисобга олмайди, фақат М. Қўшжоновнинг бир ўзини диққат марказига чиқаради ва оқибатда «Очиқ хат»ни эҳтирос билан ёзилганига қарамасдан, худди А. Расуловнинг «Романнинг машаққатли йўли» мақоласи каби, теран илмий-танқидий асар даражасига кўтарилмайди.

Тўғри, ҳар иккала мақола ўртасига тенглик аломатини қўйиш адолатсизлик бўлур эди. Ахир, умумий йўсинда бўлсада «Романнинг машаққатли йўли»да «Меҳробдан чаён»нинг айрим фазилатлари тўғри таърифланади, тавсифланади. Аммо моҳият-эътибори билан мақолада салмоқли, бетакрор, таъсирчан кузатишларни учратмадим.

Гап фақат А. Расулов ё Ҳ. Абдусаматов мақолаларидагина эмас. Чунки, айни шу мақолаларга жуда яқин эгизаклардай ўхшаб кетадиган ўнлаб, юзлаб эмас, минглаб адабий-танқидий мақолалар, тақризлар, тадқиқотлар кейинги йигирма-ўттиз йил ичида босилиб чиққану, бироқ улардан фақат бармоқ билан санарли қисмигина адабий ҳаётимизда қандайдир ижобий маънодаги шов-шувга сабабчи бўлди, холос. Бунинг боиси шундаки, биз адабий-танқидий, илмий-фалсафий ижоднинг бир илдизи ўзига хос истеъдоддадир; иккинчиси — соғлом, мусаффо муҳит, учинчиси — ҳам истеъдод, ҳам муҳитга бевосита таъсир кўрсатувчи омил — ижодий эркинлик, ҳурликдадир, деган оддий ҳақиқатни эътибордан четда қолдирамиз. Чинакам истеъдод соҳибигина яратувчи, кашф этувчи мунаққид бўлиши мумкинлигини тилда эътироф этдигу амалда буни рад қилиб келганмиз. Айтайлик, Ёзувчилар уюшмасининг бир юз эллиқдан ортиқ аъзоси танқидчи ва адабиётшунос ҳисобланади. Агар уларга ҳали ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлмаган, бўлишга даъвогар қаламкашларни қўшсак, бизда қарийб икки юз нафар мунаққид бор, деб бонг уришга ҳақлимиз.

ХЎШ, МАНА шунча қаламкашлардан жуда кўп деганда ўн, ўн беш нафаригина адабий жараёнда иштирок этиб, аҳён-аҳёнда илмий-танқидий мақола, тақриз билан кўринib туришади. Бошқалари-чи? Уларнинг аксарияти қачонлардир қандайдир унвонларини қўлга киритгану расмий равишда аъзолик билетига мувофиқ танқидчи номини олган, холос.

Адабий, ижтимоий, маънавий жараёнда нималар рўй бераётганини ёритиш орқали ҳам сўз санъати, ҳам қаёт тараққиётига таъсир кўрсатувчи «учинчи олам» — илмий-танқидий, фалсафий-бадиий тафаккур дунёсини ўзига хос ноёб истеъдод яратиши мумкин, бироқ мана шундай истеъдоднинг чуқур илдиз отиб, равнақ топиши учун соғлом муҳит ҳамда ижодий эркинлик сув билан ҳаводек зарурдир. Бу илдизлардан бирортаси бўлмаса ёки бўлсаю бироқ улар ўртасида чинакам ҳамкорлик, бирлик рўёбга чиқмаса, танқидчи истеъдодининг парвози орзу бўлиб қолаверади. Ахир, кейинги етмиш йил ичида бирорта катта мунаққидлик истеъдоди бўлмаган дейишга тилимиз бормайди-ку? Лоақал М. Қўшжонов ёки О. Шарафиддинов ёхуд И. Ғафуров билан У. Нормотовда танқидчилик дунёсини равнақ топтирадиган ноёб қобилият, салоҳият йўқ, демаймиз-ку?! Аксинча, уларда ўзига хос қудрат борлиги учун кўп тўсиқларни енгиб, кўзбўямачилик авжига чиққан пайтларда халқимизнинг маънавий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган, сал жонли, тирик асарларни ҳимоя қилиб, истеъдодсизлик «мева»ларини фош этишга баҳоли қудрат қатнашиб туришган-ку?! Аммо ижодий эркинлик, озодликни маъмурий-буйруқбозлик сиёсати бўғиб ташлагани сабабли улар ўзларидаги истеъдодларни адабий-танқидий изланишларга тўла сафарбар этишолмади, кўп ҳолларда энг юқори, ўрта ва қуйи босқичларидаги қарорлар, кўрсатмаларга мувофиқ ишладилар-ки, оқибатда дилларидаги дардларини ўқувчиларга етказолмадилар.

Йўқ, фақат У. Норматов ёки С. Мамажонов эмас, балки М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, И. Ғафуров каби ўнлаб мунаққидлар, жумладан, шахсан ўзим ҳам хоҳиш-истагимизга қарши аҳён-аҳёнда иккиюзламачилик кўчасига кириб, мадҳиябозлик билан шуғулланганимиз рост. Тўғри, биримиз кўпроқ, иккинчимиз озроқ даражада айбдор бўлгандирмиз, аммо умуман олганда сталинчилик, брежневчилик, компартия якка ҳокимчилигининг қурбони бўлганмиз. Эътибор беринг-а, ўзим кейинги йигирма йил мобайнида ўн битта китоб чиқардим, юзлаб мақолалар чоп эттирдим, лекин уларнинг бирортасидан кўнглим тўлган эмас. Ҳатто айтишим зарурки, ҳар бир китоб ёки мақолани бостириш жараёнида ҳар гал азобу уқубатлар гирдобига тушиб чиқканман. Инсоннинг жисмонан йўқ қилинганини даҳшатли фожиа, деб доду фарёд чекамиз. Бировни руҳан эзиш, оғзини ёпиб қўйиш одамни ўлдиришдан оғир фожиа эканлиги ҳақида кўпинча лом-мим демаймиз. Ваҳоланки, бу фожиа ҳам пировард-натижада ажалидан олдин ўлимга маҳкум этади, умрни кескин қисқартиради.

Табиийки, ижодкорларни «жиловлаш», уларнинг оғзини қулфлаб қўйиш фақат жумҳуриятимизгагина хос эмас. Айтайлик, мен қарийб йигирма беш йилдан буён «Литературная газета», «Дружба народов», «Литературное обозрение», «Вопросы литературы», «Литературная учёба», «Правда», «Советская культура» каби марказий матбуот воситаларида муттасил иштирок этиб келаяпман, лекин уларда чоп этилган, ҳатто мукофотлар бериладиган тақдирланган мақолаларимда ҳам дарду ҳасратларимнинг кўп деганда эллик-олтмиш фойизинигина тўкиб солганман, холос! Шунга қарамасдан уларнинг бирортасини ҳам ўзбекчалаштириб, жумҳуриятимиз матбуоти саҳифаларида бостиролмадим. Ҳатто қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш жараёни давом этаётган 1987 — 1989 йилларда «Правда», «Советская культура», «Литературное обозрение» каби рўзнома ҳамда ойномаларда эълон қилинган мақолаларим билан ўзбек ўқувчиларини таништиришга имкон тополмадим: улар бутунлай эътиборсиз қолдирилди.

Тўғри, жумҳуриятимизда ҳар хил кўринишлардаги «жиловлаш»лар бироз бўшаштирилиб, эркин фикрлашга, ҳар хил нуқтаи назарларни ўртага ташлаб, баҳс-мунозараларни қизитишга қисман имкон тополмадим: улар бутунлай эътиборсиз қолдирилди.

Тўғри, жумҳуриятимизда ҳар хил кўринишлардаги «жиловлаш»лар бироз бўшаштирилиб, эркин фикрлашга, ҳар хил нуқтаи назарларни ўртага ташлаб, баҳс-мунозараларни қизитишга қисман имкон очилди. Бу борада, айниқса, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги анча ибратли ишларни амалга оширди. Аммо шуниси ҳаққи, танқидчини ҳақиқий ижодкор сифатида эътироф этиб, ундан илмий-танқидий, адабий-фалсафий бойликларни яратишни талаб қилар эканмиз, унга тўла эркинлик, чекланмаган ҳурлик берилмаса, чинакам тараққиёт ҳақида сўзлашнинг ўзи ноўриндир. Шунга кўра, И. Ғафуров қуйидагиларни тўғри таъкидлаганди: «...илгариги танқид бамисоли бутага ўхшаб қолганди. Унда ҳамма дарахтлик белгилари ва хислатлари бор. Лекин бир нарса — тана йўқ ва яна бир нарса: мева йўқ».

ХЎШ, ТАНҚИДНИНГ ҳақиқий дарахтга айланиб, салмоқли мевалар бериши учун биринчи навбатда нима керак? Биз кўп вақтлардан бери узумни еб, боғини суриштирмасликка одатландик: дарахтни ким экиб, ким парваришлаётгани, қандай озиқлантирилиб, қандай суғорилаётгани билан қизиқмадик, така бўлсину сут берсин, қабилида иш кўрдикки, оқибатда ҳар қандай эзгу ниятлар, улуғвор мақсадлар фақат меҳнату курашда юзага чиқишини унутиб қўйдик. Аниқроғи, сталинчилик, брежневчилик, тоталитаризм, партиянинг якка ҳокимлиги бизни шунга мажбур этиб, вақтидан олдин қаритиб, тинкамизни қуритиб, ҳолдан тойдириб ташлади. Мана энди қайта қуриш, ошкоралик жараёни давом этаётган пайтда бамисоли қайтадан туғилгандай ўз ҳаққи-ҳуқуқимиз, эркимиз, ҳурлигимиз тантанаси учун шундай қурашайликки, эндиликда танқидчи кимларни, нималарни мақтаб, нималарни рад этмасин, ҳар бир мақола, тақриз ё тадқиқотини санъаткорона руҳ билан суғориб, қалбларга завқ-шавқ, маънавий мадад берадиган даражага олиб чиқсин, адабий-бадиий фактлар, ҳодисалар таҳлили орқали ҳам ижтимоий, маънавий, ҳам адабий-бадиий тараққиёт илдизларини кўрсатиб, бу илдизларнинг соф, соғлом муҳитда ўсиб-унib, баракали мевалар беришини таъминлашга сафарбарлик туйғуларини ҳосил қилсин! Шу билан бирга ҳар қандай ўсиш-ўзгариш монелик кўрсатаётган иллатларнинг ҳам илдизлари мавжудки, танқидчининг хатти-ҳаракати, фаолияти ана шу илдизларни қирқиб ташлашга, таг-туги билан йўқотишга қаратилсин!

(Давоми бешинчи бетда)

БАҲС

СОЛИҲ МАҲДУМ ФАРИШТАМИ?

АДАБИЁТШУНОС Азим Раҳимов «Солиҳ маҳдумда нима гуноҳ?» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги 1990 йил, 3 август сони) мақоласида ҳозирги куннинг ижтимоий-иқтисодий концепциясини асос қилиб олади-да, Солиҳ маҳдумни реаблитация қилиш (!) масаласини илгари суради. Ажабо! Шу пайтга қадар адабиётшунослик мафкурасининг бир қисми бўлгани учун Солиҳ маҳдум сингариларни гўрдан олиб гўрга тиқарди. Чунки маҳдум диндор, молпараст, зиқна, бунинг устига хусусий мактаб очган, бу ҳам етмаганидек ўз мактабида ислом дини асосларидан дарс беради ва ҳоказо. Энди эса адабиётшунослигимиз янгича ижтимоий-иқтисодий концепцияларнинг этагини тутиб, айнан юқоридаги сабабларга асосланиб, шунча одам оқланяпти, келинглар, Солиҳ маҳдум бечорани ҳам оқлаб юборайлик, демоқда. Рост-да, Солиҳ маҳдум пулни пулга чақишни билса, тежамкор бўлса, яна бунинг устига етимпарварлигини айтмайсизми! Аммо ҳар икки қоладга ҳам адабиётшунослик ўзлигидан чекинмоқда. Бизнингча, бунинг асосий сабаби шундаки, адабиётшуносликнинг муқим таянч нуқтаси — концепцияси йўқ. У нуқул ўзгаларнинг хизматини қилиб кун кўряпти.

Хўш, Солиҳ маҳдум фаришстами? Уни оқлаш нега керак бўлиб қолдийкан? Маҳдумнинг беҳуда ғийбатини қилиб ўтиришдан бир зум бўлса-да сақланайлик-да, унга романнинг яхлит бадиий фалсаф



Сирожиддин САЙИД

Қирлардан бир яшил тўпламлар ичдим,
Салсабил сойлардан кўкламлар ичдим.
Бу ёруғ дунёни ҳўпламлаб ичдим,
Ярми тўлқин, ярми сўлғин япроғим,
Хазонга қоришган баҳоринг менман.

Кўнгил мулкининг ҳам зулматлари бор.
Эй ой, қаролиқнинг туҳматлари бор.
Ишқнинг ҳам бир ажиб узлатлари бор.
Ярми ўчқин, ярми ёрқин чироғим,
Зулмат жаҳонида шароринг менман.

Эгнини эпкинлар чок этган эй гул,
Кўксини шабнамлар пок этган эй гул,
Саҳро юрагимни боғ этган эй гул
Ярми ел, ярми сел саргашта боғим,
Сенинг қаноату қароринг менман.

Эй дунё, жонимни қовурган дунё,
Боримни елларга совурган дунё,
Менинг инграётган қовурғам дунё,
Ярми сас, ярми хас бўлгай тупроғим,
Кипригингга қўнган ғуборинг менман.

Эй нафс жанггоҳининг қурбонлари,
Эй жаҳолат мулкининг султонлари.
Қавми қўмуч қомусин тузган гала,
Эй шаҳодат шевасин шайтонлари.
Фитнадин фарҳанг яратган шарпалар,
Эй кибр карвонининг сорбонлари.
Фисқ уйин устунлари бўлган гуруҳ,
Эй қабоҳат қасрининг қалқонлари.
Ўзлигин ўз коми ютган ўралар,
Эй таназзул тахтининг нарвонлари.
Бийлари суду зиён бозорининг,
Эй адоват аркининг аъёнлари.
Айшу ишрат шаҳрида шаҳзодалар,
Эй бузуғлуғ базмининг финжонлари.
Сиз қаролардин қорарди оқибат
Ҳақ таолонинг еру осмонлари.
Нуҳга айлансин букун эл ранжиким,
Сизни ғарқ этсин тамом тўфонлари.

●

Нобакор ҳеч қачон якка туғилмас,
Гала-гала бўлиб келар дунёга.
Гала-гала бўлиб тараф тортади,
Гоҳ у ён ўтади, гоҳи бу ёнга.
Гала-гала бўлиб мансабга минар,
Сўнг ҳукм юргизар галаси билан.
Эл қирилиб кетар.
Бу яшайверар
ота-бобосию боласи билан.
Бу яшайверади.
Шариф бир юртни
Ҳалокатга элтар залолат, зиллат.
Ҳеч қачон мушт бўлиб бирлашолмайди
шундай галалардан тузилган миллат.

БУ ОЙЛАР...

Бу ойлар кун сайин тўлгани тўлган,
Кўнглим кўйларида бўлгани бўлган.
Кўнглимку алардин нур тотинмади,
Бу ойлар кўнглимни олгани олган.

Доним қайда қолди? Сомоним қайда?
Қамоним қайдаю нишоним қайда?
Бу ойлар боримни елга совурди,
Еллар сайҳонимда елгани елган.

Сувлар йироқларга оқиб кетгайлар.
Балки мен етмаган ўйга етгайлар.
Бу ойлар ҳажрида соҳилларим зор,
Толлар хаёлларга толгани толган.

Самолар жой излар қароғларимдан,
Чақинлар уйғонур яроларимдан.
Бу ойлар қошимга келмагай ҳаргиз,
Ҳар турли аламлар келгани келган.

Бекарам, бекарон кечалар аро,
Тилсиз, тиловатсиз нечалар аро
Бу ойлар қамишдай хор этди, мени
Бу дунё най қилиб чалгани чалган.

Хуршид ДАВРОНГА

Гул билан гул ўртасида сирли лабхандлар керак.
Дил билан дил ўртасида меҳрпайвандлар керак.

Бузмагай оламни, обод айлагай дил тошқини,
Дил билан дил ўртасида, айтмагил, бандлар керак

Дил била гул қони ҳамрангдир, вале ишқ йўлида
Дил қони бирлан битилган онту савгандлар керак.

Кўрди ҳар турлук шиорларни бу юрт пештоқлари,
Энди унга Мир Алишердин битик, бандлар керак.

Турли пешволарни бошдин бирма-бир ўткарди эл,
Элга ҳар хил оталармас энди фарзандлар керак.

Фахр учун момиқ эмас, ҳар бир кўнгилнинг
қонида
Дил била эл қонидин бўлган Самарқандлар
керак.

ХОЛ

Сокин сайҳонликда толғин тол қўнган,
Толнинг шохларига ҳилол дол қўнган.
Ишқнинг қирчиллама иқлимларида
Жон қуши жисм аро бемажол қўнган.
Жон қушин бир четга қўйиб ўйлайман:
Зулфларинг остида битта хол қўнган.

Айланиб айлона қошларинг аро,
Юзларинг яшнатиб ёшларинг аро,
Тола-тола бўлиб сочларинг аро
Тонг чоғи кетгувчи бир шамол қўнган.
Шамолни бир четга қўйиб ўйлайман:
Зулфларинг остида битта хол қўнган.

Кечалар майсаси — узун мижгонлар
Юлдузлар чашмасин обдон ичгонлар.
Дилдан тошқин чиқса алар кечгонлар.
Аларда бул замон ажиб ҳол қўнган:
Ё савол қўнгандир ё малол қўнган.
Аларни бир четга қўйиб ўйлайман.
Зулфларинг остида битта хол қўнган.

Сен билан дунёни келишолмадик.
Юлдузни осмонга алишолмадик.
Сенинг бир холингни бўлишолмадик.
Шундай бўлса ҳамки кўнгил тубида
Холингга хайрихоҳ бир хаёл қўнган.
Дунёни бир четга қўйиб ўйлайман:
Зулфларинг остида битта хол қўнган.

ДУНЁНИНГ ТУБИ

Бу дунёнинг тубини мен топиб қўйдим.
Шўралаган тупроғини чопиб қўйдим.
Сиз бемаслак тушиб кетманг дея уни
Яссавийнинг девони-ла ёпиб қўйдим.



АБДУХОЛИҚ АКА уруш йиллари колхозда аравакашлик қилди. Отаси ҳам, акаси ҳам урушдан қайтишмади. Синглисини турмушга узатиб тинчиди. Худога шукурки, онаси ҳозирча тетик. У ўрта мактабни баҳоли қудрат битиргач, ўзини тракторга урди. Мана, ҳанузгача солярка ҳидлаб, қора мойга беланиб юрибди. Хотиниям ўзига муносиб, тили-жағи йўқ. «Берсанг ейман, урсанг ўламан», хилидан. Болалари ҳам ювош, мўминтой, бировга зиёни тегмайдиганлардан. Хуллас, ўзига тортган. Уни икки марта район газетасида мақтаб ҳам ёзишган. У ўзи ҳақидаги мақолани хотинига ҳижжалаб-ҳижжалаб ўқиб берган эди. Хотини ҳайратини яширолмай, «Ҳукуматимиздан ўргилай, сиздек бир ғарибни ҳам одам ўрнида кўриб, газетага чиқаришибди-я!» деган эди. Хотинининг «ғариб» сўзи ўшанда Абдухолиқ аканинг ҳамиятига тегди. «Эй овсар, бизнинг ҳукуматимизда ғариблар бўлмайди. Бизда ҳамма тенг-ку! Фаҳминг етмаган нарсаларни гапирмагин!», деб жеркиб ташлаган эди. Хотини индамади. Лекин ичида «Ўлсин, агар ҳамма шунақанги тенг бўладиган бўлса, бу замонасига ўт кетсин», деб ўйлаганди ўшанда.

Абдухолиқ ака хурсандчиликни яхши кўрардию, қувончидан эса ҳадиксирар эди. Бунинг боиси болалигида бувиси «Болам кўп кулаверма, кулгидан кейин албатта йиғи келади» деб, кўп дашном берар эди. У жуда вақти чоғ, хушчақчақ бўлган кезлари бармоғига туфлаб, кўзига ёш янглиғ суртиб, ирим қилар эди. Гўёки севинч унга бегонадек.

Еттинчи синфда ўқийдиган Ҳулкар шеърга ихлос қўйди. Қизи китобни кўксига босганича, кўзини юмиб, шеър ёдлаган пайтларда Абдухолиқ ака ҳайрон бўлиб, «Тавба, бу қизи тушмагур қарқиноқдан чиқадиган булбул бўлади, шекилли» дея, ўзига ўзи гапириб қўярди. Аммо қизининг бу кирпи хоҳишига қарши бориб, унга танбеҳ бермас эди. Фақат ит тиниб, қуш тинганда ҳам тинмайдиган хотинига жони ачиган дамларда ғалати бир аҳволга тушиб, қизига бақириб қоларди.

— Ҳай, Ҳулкар, сени танглайингни китоб билан кўтарганми? Энангга қарашсанг асаканг кетадими! — кейин ичида, «Бояқиш қиз ҳам юмушдан ортмайди-я!» деб ачиниб ҳам қўярди.

Абдухолиқ ака учун томошанинг энг зўри телевизорда бериладиган концертлар бўларди. Қўшиқнинг зўри «Қаро кўзим» эди. У бу ашуланинг сўзларини унчалик тушунмаса ҳам кўзини юмиб, бошини тебратганича сел бўлиб тингларди.

Гўёки дунёда шундан ўзга куй ва қўшиқ йўқдек. У одам ичкиликни хуш кўрмасдию, аммо ондасонда вино ичиб турар эди. Улфатлари унга «Абдухолиқ барматуха қурғур жуда серсув-ку, ароқ ичсангчи, тоза нарсани қайфига етадиган борми» деб, таъна қилганларида, у «Ҳа, энди ҳар кимнинг мижози ҳар хил-да» дея, жавоб қайтарарди.

Яқинда қўшниси Ҳамроқул ўғлининг армиядан эсон-омон қайтгани муносабати билан худойи қилди. Эртаси куни катта зиёфат берди. Абдухолиқ аканинг ёнига эса чойнакка қўйилган вино қўйиб кетишди. Зиёфатдан ширакайф бўлиб уйига чиқди. Айвонда кўксига китоб босиб, шеър ёдлаётган қизига дуч келди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган бўлса ҳам қизининг ҳамон ухламаганлигидан таажжубланди.

—Ўқиб, ўқиб дунё олиб берармидинг қизим. Нима азоб-а сенга, бориб ухласанг-чи!

— Дада, озгина қолди, шуни ўқиб олай.

Абдухолиқ айвондаги хонтахта ёнига ёнбошлади.

— Она қизим, қачон қарамай кўксингга китобни босганингча мингирлаганинг-мингирлаган. Бу нималарни ўқийсан ўзи? Қани, менга ҳам ўқиб бер-чи, бир эшитай-чи?

Ҳулкар отасига ўксиб қаради. Назарида отаси уни таҳқирлаётгандек туюлди. Дадаси худди куй эшитмоқчи бўлгандек кўзларини юмиб, сархуш ўтирарди. У китобни очди-да, овозини хиёл кўтариб шеър ўқий бошлади.

Мен осий бандангман ризойинг қани,

Дилим қоп-қоронгу, знёнинг қани!

Итоатим учун жаннатни берсанг,

Бу менинг ҳаққим-ку, атойинг қани!

Ҳулкар шу сўзларни ўқиди-ю, жим бўлиб қолди.

— Нима дединг, она қизим?

Ҳулкар шеърни яна бир бор ўқиб берди.

Абдухолиқ ака кўзларини очиб, қизига тикилди.

— Яхши шиғир экан, — деди-да ўрнидан турди.

— Ҳай, майли, ўқийвер, бир кунмас бир кун бир ердан ёриб чиқарсан, — деб мингирлаганича ичкарига кириб кетди.

У ўрнига ётиб, шифтга қадалганича хаёлга ботди. Шу дамгача тирикчилик ташвишларидан ўзга нарсани ўйламаган бу одам негадир бу кеч, қизидан эшитган мисраларининг мағзини чақа бошлади. Кўп ўйлади. Ақли етганча мулоҳаза қилди. Ҳаётнинг аччиқ-чучукларидан тўйиб кетгандек бўлди. Хаёлида кимдир унинг товонини қитиқлаётгандек туюлаверди. Кейин ҳаммасини кайфчиликка йўйиб қўл силтаб, ухламоқчи бўлди. Пишиллаб ухлаётган хотинига қарадию, уйғотгиси келиб кетди ва ўша заҳотиёқ, унинг чарчаганини ўйлаб, шаҳдидан қайтди. Аммо ўша ғалатти бир туйғу унга тинчлик бермади.

У охири бир хўрсинди-да, «Навоий хўп улуғ одам бўлган экан-да», деб ўйлаганича кўзларини юмди.

ХУРОЗНИНГ биринчи қичқириғи билан уйғонадиган Абдухолиқ ака бу сафар ўрнидан турмади. Хотинининг «Дадаси, кечиксангиз биргаддан сўкиш эшитасиз, турақолинг», деган ёлворишларига ҳам қулоқ солмади. Мириқиб ухлади. Кун ёришиб, чумчуқларнинг чирриллашлари авжига минган паллада ўрнидан турди. Хавотирли нигоҳ билан боқиб турган хотинига лоқайд назар ташлади.

Кейин хомуза тортганича:

— Тўнка келмадими? — деб сўради.

— Йўқ, дадаси, ҳеч ким келмади. Тобингиз дурустми ишқилиб? Қовурма гуручли маставa қилиб қўйган эдим. Юз-қўлингизни ювсангиз нонушта қилиб олар эдингиз.

— Ҳа, тўнканинг келмагани яхши бўлипти. Энди еган-ичганимиз ичимизга тушади.

Хотини унинг нима ҳақида гапираётганини англаёлмай ҳайратомуз тикилганича қотиб қолди.

У тамадди қилиб, устидан босиб, босиб чой ичди. Косани бир четга суриб, нон бурдаларини дастурхоннинг четини кўтариб ёпиб қўйди. Ўрнидан туриб, телевизор турадиган хонага кириб кетди. Кўрпача устига иккита болишни ташлаб телевизорни буради. Ўзига-ўзи дам олиш кунини эълон қилган Абдухолиқ ака кун бўйи уйдан чиқмади.

Қуёш ботиб, ўтлоқдан қайтаётган поданинг маъ-рашлари қишлоқ кўчасини тўлдириб, ўчоқ бошларида тутаётган тутунлар кўкка ўрлаётган маҳал Абдухолиқ ака кўчага чиқди.

Эшигининг тагидаги бобосидан қолган тешик тегирмон тошга ўтириб, кўча чангитиб келаётган подани кузата бошлади.

Пода туёқларидан кўтарилган чанг пахса деворларнинг ярмигача кўтарилиб муаллақ қотган эди. Бунақанги содда манзарадан завқланган Абдухолиқ поданинг ўтиб кетишини ва чангнинг ерга сингиб кетишига қадар томоша қилишга аҳд қилди. Лекин узоқдан отда келаётган «тўнкажи кўрди-ю, ҳафсаласи пир бўлиб ҳовлига йўл олди. Кира солиб хотинига:

— Мен уйда йўқман, шаҳарга тушиб кетганман, — деди-да ўзи бостирмадаги пичан орқасига яширинди.

Абдухолиқ ака эртасига аранг ишга чиқди. Сўраганларга «Шаҳарга тушиб чиқдим» деб қисқагина жавоб қилди. Кун бўйи ҳеч ким билан гаплашмади. У ўз кўнглида одамлардан хафа эди. Одамлар эса у билан сариқ чақалик ишлари бўлмади.

Даладан қайтгач, тракторини дўнгликка чиқариб қўйди. Юз қўлини чайиб, айвондаги болишга ёнбошлаганича яна шифтга қадалди. Хотинининг ҳол-аҳвол сўрашларига парво қилмади. Икки дона иссиққина қатирмадан еб, чой ҳўплади-ю, ичкарига кириб кетди. Хотини унинг тепасида қанчалик айланиб-ўргилиб гиргиттон бўлмасин, Абдухолиқ унга рўйхуш бермади.

Тонгга яқин у ғалати бир туш кўрди. Тушида у оппоқ ҳарирга ўралган бувисини кўрди. Бувиси унга шундай деди: «Болам сен она қорнидан қийналиб тушгансан. Шуни билки, ким қандай туғилса, у шундай ҳаёт кечиради. Азобланиб дунёга келганларнинг тақдирлари аччиқ бўлади. Сен ўз қисматингни ўйлаб, кўп сиқиларверма, инсонга ҳаёт бир марта берилмайди. Энди сен иккинчи умринг ҳақида ўйла. Кимда-ким ўзининг аччиқ қисматини енга олса, унга иккинчи бор умр насиб этади. Йўли ойдиндек чароғон бўлади, тақдир уни сийлайди...» Бувиси шу гапларни айтди-ю, мовий тутунга айланиб борлиққа сингиб кетди.

Абдухолиқ аканинг бу кўрган туши дард устига чипқондек бўлди. У нохуш уйғонганича кўрган тушини эслай бошлади. Бироз ўзига келгач, ўрнидан туриб елкасига кўйлагини ташлаганича тўппа-тўғри канал бўйига келди. Ирим қилиб, кўрган тушини сувга айтди. Шундан сўнг хаёли қочганича қирғоқ бўйида ўтириб қолди. Сув бетида бир сакраб ғойиб бўлган катта бир балиқнинг шопиллаган овози унинг хаёлини жойига келтирди. Абдухолиқ ака сокин оқаётган сувга тикилганича: «Шу балиқларга маза-да, ҳеч бир ташвиши йўқ, мазза қилиб сувда сузишгани сузишган, овозлари ҳам чиқмайди-я, бу жониворларни», деб ўйлади. Худди шу лаҳзада, унинг онгига балиқ сўзи урилгани ҳамон ғалати бир ҳодиса рўй берди. Абдухолиқ аканинг мияси оғрикдан зириллаб, кўз олди қоронғулашиб кетди. Қулоқлари шанғиллаб, вужудини титроқ босди. У ҳушини йўқотмаслик учун ўрнидан турмоқчи бўлган эди, тиззалари қалтираб яна ўтириб қолди. Шу пайт кимдир уни сув томон торта бошлади. У каналга йиқилиб тушмаслик учун жон-жаҳди билан ажириқларни ғижимлаганича сўқмоқ томон эмаклай кетди. У амаллаб дўнг ергача етиб келди.

Равшан ҚОДИРОВ

АБДУХОЛИҚ АКА охирги кучини тўплаб, сўқмоқ бошидаги дўнгликка чиқиб олди. Шунда, бояги оёғидан сувга тортаётган кўринмас куч уни ҳоли қўйди. Миясининг зириллаши ҳам тўхтади. Қулоқларидаги шанғиллаш бирдан тиниб, кўзи мошдек очилди.

Ҳуши ўзига келган Абдухолиқ ака хиёл ўзини ростлагач калима келтира бошлади. Шундан сўнг ўзини бироз дадилроқ тутиб, ўрнидан турди. У жиқ-жиқ терга ботган эди.

— Ё, қудратингдан одамизот бир пасда нималар бўлишини билмайди-я, тавба, сал бўлмаса омонатни топширардим-а, ё қудратингдан, — дея у овоз чиқариб гапириб юборди. Кейин эгилиб кафтининг қирраси билан шимининг поҳасидаги чангни қоқди. Лекин шу пайт кимдир унинг исмини айтиб чақиргандек бўлди. Товуш канал тарафдан эшитилди. У овозни аниқ эшитди. Бу овоз аёл кишиники эди. Абдухолиқ ака ҳайрон бўлиб канал томонга ўгирилди, не кўз билан кўрсинки, сувнинг қоқ ўртасида бошига оқ рўмол ташлаган бувиси турар эди. Унинг танаси балиқ танасига айланган бўлиб, қўллари ўрнидан катта-катта сузгичлар ўсиб чиққан эди. Бу манзарани кўрган Абдухолиқ ака қўрқиб кетди. Бувиси: «Бу дунёда қийналиб нима қиласан, менинг бағримга келақол болажоним» деб, чақирди-да сузгичларини шалоплатиб сувга урди. Қўрқувдан тили танглайига ёпишиб, эси оғаёзган Абдухолиқ ака турган ерида тош қотган эди. Унинг жим турганини кўрган бувиси худди балиқдек сузиб, у томон кела бошлади. Абдухолиқ ака шунақагина бор овози билан бир бақирди-да, шилқ этиб, ерга йиқилди.

У шу алпозда қанча ётди билмайди. Ўзига келганида руҳи жуда енгил тортган, вужудини анчадан бери эзиб келаётган бир оғирлик тарқаб, ўзини қушдек ҳис этаётганини сезди. Гўёки ҳеч нарса бўлмагандек эди. Абдухолиқ ака ҳовлига хушнуд кайфиятда, димоғи чоғ кириб келди. Айвон тўсинига осиб қўйилган сопол товоқчадаги бети қаймоқ тортган сутни олиб унинг қаймоғи аралаш сипқорди. Каллаи саҳардан тандир олдида куйманаётган хотинининг ёнига келиб, елкасидан қучганича унинг икки бетидан ўпиб олди. Умрида бунақанги эркалашни илк бор туйган хотинининг қўлидаги рапидаси тушиб кетди. Ўзи эса беҳол тандир чеккасига суяниб қолди.

— Тавба, худди кинолардагидек бўлдия, дадаси, — дея аранг жилмайди.

— Қўявер хотин, мен балиққа айланиб олай, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Мен сенга сув остидан умрингда кўрмаган дуру гавҳарларни олиб чиқиб бераман.

— Вой, дадажониси, нега энди балиққа айланар экансиз? Шунча йил дуру гавҳарсиз ўтиб келган умрим бу ёғига ҳам ўтиб қолар. Ишқилиб бахтимга сиз омон бўлсангиз бас, — деганича эрининг кўксига бошини қўйди.

— Қизинг Ҳулкардан ажойиб бир шиғирчи чиқади-да! Ишқилиб ёмон кўздан асрасин.

Хотини тандирдан қип-қизариб пишган нонларнинг бетига сув пуркаб, бирин-кетин уза бошлади. Абдухолиқ ака тандирдан узилган, қўлни куйдирадиган бўрсилдоқ нонни пуфлаб-пуфлаб бир чеккасидан синдирганича, косадаги сувга ботириб оғзига солди.

Хотинининг «Ҳай, дадаси, нонушта қилиб, чойпой ичиб олсангизчи», дейишига қарамай, тепаликда турган тракторини пастга юргазди-да, ўт олдириб далага ҳайдаб кетди.

Абдухолиқ ака пешингача дурустгина ишлади. Кун тиккага келиб, борлиқни қиздира бошлаган паллада унинг мазаси қочди. Яна қулоғи шанғиллаб, мияси зириллай бошлади. Назарида, ичига балиқ кириб олгану тинмай сув талаб қиларди. Сув ичмаса қорнини ёриб чиқиб кетадигандай. Унинг ҳадеганда сув ичаётганини кўрган шериклари «Ичингизга ўт кетдими, сувдан бошингизни кўтаролмай қолдингиз», деб ҳазиллашишди. Абдухолиқ бу ҳазилларга парво қилмади. Унинг учун ичидаги балиқ тинчиса бўлди. Абдухолиқ ака шунчалик кўп сув ичдики, охири қорни меш-дек шишиб, тракторга чиқолмай қолди. У ариқ бўйидаги толга суянганича пинакка кетди. Шундай долзарб пайтда тракторчини бу аҳволда кўрган бригадир уни бўралаб-бўралаб роса сўкди.

Нима бўлса-да, Абдухолиқ ака бир амаллаб кунни кеч қилди. У уйга қайтганда ҳам сув ичишини қўймади. Тунда ҳам икки маротаба уйғониб сув ичиб олди. Хотини уни қанчалик чой ичишга ундамасин ичмади. Хаёлида балиқ чой ичса ҳам қорнини ёриб чиқадигандек. Тун бедор ўтди. Тушида ҳам балиқ уни тинч қўймади, ҳадеб балиққа айлангиси келаверди. Охири балиққа айланиб катта денгиз узра сузиб кетди.

Қовоқлари салқиган Абдухолиқ ака эрта билан аранг ўрнидан турди. Бир кечада ранги рўйи бир ҳолатда бўлиб қолган эрини кўрган хотини ўзини қўярга жой тополмай қолди. Уни ҳадеб дўхтирга боришга қистайверди.

— Эй, дўхтирларинг мени касалимни тушунмайди, — Абдухолиқ жеркиб берса ҳам у ялиниб-ёлворишини қўймади. Хотининнинг гапларими ёки сувсираш азоби жонидан ўтдими, хуллас, дўхтирга боришга рози бўлди.

АБДУХОЛИҚ АКА эртароқ келгани учун дўхтирхонада одам камроқ экан.

Кўзойнак тақиб олган ёшгина жувон унинг исмишарифини, туғилган йилини, қиладиган ишини ёзиб олгач, эшитаман, дегандек унга тикилди. Абдухолиқ ака бу жувонга ўз дардини айтишга ийманди. Аниқроғи, майна бўламанми деб, иститҳола қилди. Секин ўрнидан туриб, чиқиб кетмоқчи бўлган эди, дўхтир уни яна жойига ўтқазиб қўйди. Сўнг қистовга олди. Қараса иложи йўқ. У ноилож ийманиб гап бошлади.

— Энди... синглим ёшим эллик иккига етди. Шу пайтгача тинчгина ишлаб, бола-чақанинг ташвишида ғимирлаб юрган эдик. Шу уч-тўрт кун бўлди. Назаримда, мен бошқа бир одамга айланиб қолгандекман.

— Илтимос, сал тушунтириброқ гапиринг, — дея унинг гапини бўлди дўхтир жувон.

— Шу ўзим ҳам ўйловдим, ҳойнаҳой, сен бу касални тушунмасанг керак деб.

— Бу нима деганингиз? Сиз тушунтириброқ гапирсангиз нега тушунмас эканман, — деди мулойимлик билан невропотолог.

— Қайдам бу касалга даво бормикан. Шу сенга айтсам ичимга бир балиқ кириб қолган... Умрим бино бўлиб, белимдан келадиган ариқдан катта сувда чўмилган эмасман. Сузишни ҳам билмайман. Худо кўрсатмасин бирор каттароқ сув-пувга тушиб кетгудек бўлсам, тегирмон тошидек чўкаман-у, кетаман. Шу десанг ўзимни дарёга ташлаб, балиқ бўлиб сузгим келаверади. Енимиздаги катта каналнинг ёнидан ўтишга қўрқаман. Ўтдим деганимча ўзимни сувга ташлаб юборай дейман. Сендан илтимос, ичимдаги шу балиқни олиб ташласанг. Мендан у дунё, бу дунё балиқ одам чиқмайди. Шу дардим...

Жувон кулимсираб бир парча қоғозга дори ёзиб унга узатди.

— Отахон, мана шуларни ичсангиз тузалиб кетасиз. Буларнинг ҳаммаси ўткинчи нарсалар. Пахта ичида кўп ишлагансиз, ўша дориларнинг таъсири. Ҳаммаси яхши бўлиб, тузалиб кетасиз.

Дўхтирнинг хонасидан Абдухолиқ аканинг тарвузи қўлтиғидан тушиб чиқди. «Ке, энди наф бўлар», деб дорини ҳам топиб ичди. Дориларни ичди дегунча уйқу элитаверарди. У ҳар қанча ухламасин балиқ унга тинчлик бермади.

Орадан бирор ҳафта ўтар ўтмас, Абдухолиқ ака яна бувисини туш кўрди. Тушида бувиси: «Болам, менинг гапимга кириб яхши иш қилдинг, бошқа бир маҳлуққа айланмай балиққа айланганинг зап иш бўлди. Бу дунёда балиқдек пок жонивор йўқ», деди. Бувиси шундай деб, уни сув остига бошлаб кетди. Абдухолиқ энди бувиси сингари балиққа айланган, у ҳам худди балиқдек бемалол ва эркин сузарди. Бувиси уни хўп томоша қилдирди, умри бино бўлиб кўрмаган нарсаларни кўрсатди. Кейин тинч жойда ўтириб суҳбат қуришди.

— Тепада нима гаплар, болам? — дея сўради бувиси.

— Нима бўларди бувижон, ҳамма жойда йўқчилик... Аммо пули борлар яшаяпти, ҳозир уларнинг куни туққан. Қийин, ночорга қийин... Тунов куни телевизорда концерт кўраётган эдик, шу денг Ҳулкар тенги бир қиз ашула айтиб қолди. Қизим унинг эгнидаги либосига анграйганча лол қотди. Қизгинамни бу аҳволини кўриб ичимдан зил кетдим. Лекин шўрлик ғиринг деб оғиз очмади..

— Қанақа кийим экан у?

— Қайдан ял-ял ёнади, тиллодан тикилганми?...

— Сен ўксинма, ямоқ бўлса ҳам усти бошинг бут бўлиб, қорнинг бир бурда нонга тўйса бас!

— Бувижон энди биз-ку, бунга кўникиб, ўтган кунимизга шукур қилиб яшаганмиз. Мана, ҳозир ҳам борига кўниб, йўғига чидаяпмиз, лекин ёшларнинг ҳаваси бошқа... Яна яқинда қимматчилик бўлармиш деган миш-мишлар юрибди. Ким билсин, бундан буён ҳолимиз не кечади?

— Сен кўп куюнаверма, болам, қирқ йил қирғин бўлса ажали етган ўлади!

Улар шу алпозда суҳбатлашиб турганларида тепадан қора бир нарса тушди-да, бир қанча балиқларни ўраб сувдан олиб чиқиб кета бошлади. Бу ҳолдан ажабланган Абдухолиқ бувисидан:

— Уларни қаерга олиб кетаётибдилар, — деб сўради.

—Бу балиқлар қурбонликка аталганлар, тепадагилар уларни еб халқларини тозалайдилар, — деди бувиси. Абдухолиқ шундагина тепадан тушган нарса тўр эканлигини пайқади...

У уйғонганида энди тўрга илиниш иштиёқи пайдо бўлди. Бу истак уни роса икки кун қийнади. Учинчи куни чидай олмади. «Эй, бу дунёда нима рўшнолик кўрдим», деди-ю, тўппа-тўғри канал томон йўл олди.

АБДУХОЛИҚ АКА ўзини каналга ташлаб, сувга ота бошлагани замониёқ балиққа айлангандек бўлди. Тушида кўрганидек, қўлтиғининг тагидан иккита «ойқулоқ» ўсиб чиқди. Лекин у ҳарчанд балиқ янглиғ нафас олмасин, негадир ҳаво етишмас эди. Абдухолиқ ака зўр бериб юқорига талпинар ва сув юзида боши кўрингач, аранг бир ютумгина ҳаво оларди-ю, сўнг карахт балиқдек тўнкарилиб яна сувга чўкарди. У қўлтиғидаги «ойқулоқ»ни ишлатиш учун ҳарчанд талпинмасин барибир нафас ололмади Сув уни ўз қаърига тортганича оқизиб кетди.

Табиат яратган кўприк

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ суратга олган

Эшитган одобга оид ҳадис намуналари

Мендан ривоят қилинган бирор ҳадисни эшитганларингизда дилларингизга таниш, баданларингизга таъсир қиладиган ва ақлларингизга сиғадиган бўлса, демак, у менинг айтган ҳадисимдир. Аммо эшитган ҳадисларингиз бунинг аксидек бўлса, демак у менинг айтган ҳадисим эмасдир.

●

Қайси бир мўмин иккинчи бир мўмин биродари бошига тиғ кўтарса, Тангрининг фаришталари то ўша тиғни қайтариб ўрнига қўймагунча лаънат айтиб турадилар.

●

Тўрт тоифа одамларни Тангри ёмон кўради: қасамхўр савдогарни, такаббур камбағални, зинокор кексани ва золим подшоҳни.

●

Одамларга яхшилик қилиш ва қариндошлар билан яқин алоқада бўлиб ҳол-аҳвол сўрашиб туриш — бу савоби тез тегадиган хайрли ишлардандир. Зулм ва қариндошдан узилиб кетишлик эса жазоси тез билинадиган ёмон ишлардандир.

●

Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат билинг: ўлимдан олдин тиريкликни, бетобликдан олдин саломатликни, бандликдан олдин бўш вақтни, кексаликдан олдин ёшликни, фақирликдан олдин бойликни ғанимат билинг.

●

Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўрталарингда меҳру муҳаббат уйғонур.

●

Садақанинг афзали соғлом вақтида хасислик қилмайдиган, яшашни ҳоҳлайдиган ва фақирликдан қўрқадиган ҳолида қилинган садақадир. Садақа қилишни узоққа чўзманг, жонингиз ҳалқумингизга келганда молимнинг бунчаси фалончига, унчаси пистончига, деганингиз билан фойдаси йўқдир, чунки у пайтда сиз айтмасангиз ҳам молингиз фалончиларники бўлур.

●

Бойларнинг уйига камроқ киринглар, акс ҳолда Тангрининг сизларга берган неъматларини писанд қилмаган бўласизлар.

●

Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади.

●

Огоҳ бўлингки, ғазаб бамисоли инсон ичидаги ёниб турган чўғдир. Биласизларки, ғазаби келган кишининг кўзлари қизариб, томирлари шишиб кетади. Агар биророталарингиз шундай ҳолатга тушиб қолсаларингиз ерга ўтириб олинглар! Огоҳ бўлингки, одамларнинг яхшиси — ғазаби секин келиб, аслига тез қайтадиганидир. Уларнинг ёмони ғазаби тез келиб, аслига секин қайтадиганидир. Ғазаби секин келиб, секин кетса ёки тез келиб, тез кетса, бу ҳам дуруст. Огоҳ бўлингки, савдогарларнинг яхшиси савдо-сотиқ ишларида хушмуомала бўлади, ёмони эса қўпол муомалали бўлади. Ана шундай хислатлардан лоақал биттасига эга бўлса ҳам дуруст.

●

Тангри сизларнинг ташқи кўринишларингиз ёки молу дунёларингизга эмас, балки дилларингизга ва ишларингизга қараб баҳо беради.

●

Тангри фахш ишларни қилувчи ва беҳаё сўзларни гапирувчи кишини ёмон кўради.

●

Тангри биродарларига қовоғини солиб қарайдиган кишиларни ёқтирмайди.

●

Тангри ҳар бир ишда мулойимликни яхши кўради.

●

Тангри ўз бандалари ичида ғайратлисини ёқтиради.

●

Тангри қиёмат куни айтади: «Эй, инсон фарзанди! Бетоб бўлдим, мени келиб кўрмадинг». У одам айтади: «Эй раббим, Сен бутун оламнинг Парвардигори бўла туриб мен сени қандай кўришим мумкин эди?» Тангри айтадики: «Фалончи одамни бетоблигида бориб кўрмадинг-ку, агар борганингда унинг олдида мени топган бўлур эдинг. Эй инсон фарзанди! Узинг овқатландинг, аммо мени йўқламадинг». Одам айтади: «Эй раббим, сен бутун оламнинг подшоҳи бўлсанг-у, мен сени қандай овқатлантиришим мумкин эди?». Тангри айтади: «Фалон бандам муҳтож бўлиб олдингга борганида, сен унинг ҳожатини раво қилмадинг. Агар раво қилганингда эди, ўша ерда мени топган бўлур эдинг».

●

Азайимхонлик, тумор тақмоқлик ва сеҳру жоду билан шуғулланмоқлик Тангрига шак кетириш билан борабардир.

●

Гапларнинг ёмони — бу ёлғончиликдир, ёлғонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Ота ўз болаларига бирон нарсани ваъда қилиб, кейин унн бажармай қўймасин! Ростгўйлик эзгуликка бошлайди, эзгулик эса жаннатга. Ёлғончилик ёвузликка бошлайди, ёвузлик эса жаҳаннамга. Ростгўй одамга яхши баҳо, ёлғончи одамга ёмон баҳо берадилар. Ростгўй одам чин сўзи билан бориб-бориб Тангри ҳузурига сиддиқ (сўзида содиқ) деб ёзиб қўйилади. Ёлғончи ҳам бориб-бориб унинг ҳузурида каззоб (ёлғончи), деб ёзиб қўйилади. Чақимчилик ҳам ёмон иллатдир, чунки у туфайли одамлар ўртаси бузилади.

●

Ўлим — даҳшатли ҳодисадир. Қачонки тобутни кўрсаларингиз дарҳол (ҳурмат юзасидан) ўринларингиздан турингглар.

●

Ер юзида уламолар бамисоли осмондаги юлдузлар кабидир. Ерда ҳам, сувда ҳам уларга қараб йўл топилади. Юлдузлар ботса, йўлчилар адашиши мумкин.

●

Мўминнинг ўлимидан сўнг ҳам (унинг фойдасига) ёзилиб турадиган амаллар: тарқаган илми, қобил фарзанди, мерос қолдирган Қуръони, қурган масжиди, меҳмонхонаси, чиқарган суви, соғлиқ ва ҳаётлик пайтида қилган садақасидир.

●

Экмоқ ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда, бехосдан қиёмат-қоим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам, улгурсангиз уни экиб қўяверинг.

●

Мусибат етганда сочини юлиб, юзини тирнаб ёки кийимини йиртиб йиғлайдиганлардан безорман.

●

Сизларга васиятим шуки, саҳобаларимга, сўнг улардан кейингиларга эргашинглар. Ундан сўнг ёлғончилик кенг тарқалади. Ҳатто одамлар сўралмаса ҳам қасам ичиб, ёлғон гувоҳликка ўтаверадилар. ...Огоҳ бўлгинки, қайси бир эркак бирор ажнабий аёл билан хилватда бўлса, уларнинг учинчси шайтондир. Доимо кўпчилик билан бирга бўлинглар. Бўлининг кетишдан сақланинглар. Шайтон ёлғиз одам билан биргадир. Икки кишидан эса узоқлашур. Кимки жаннатнинг ўртасига тушишни хоҳласа, жамоат билан бирга бўлсин. Кимки ўзининг яхши ишидан қувонса, ёмон ишидан хафа бўлса, демак, у ҳақиқий мўминдир.

СОЛИҲ МАХДУМ ФАРИШТАМИ?

Боши учинчи бетда

Анвар мирзабошликка сайлангач, кечқурунлари ўз уйида бева-бечораларни қабул қилар, уларнинг арз-додини эшитар эди. Солиҳ махдум эса йўлакда туриб, Анварнинг олдидан чиққан бенаволардан «хизмат ҳақи» ундиришга тушади. Баъзан ҳатто одамлар ишларини текинга битказиб кетмасин, бирор нарса ундириб қолай деб масжиддаги намозини ҳам чала-чулпа ўқиб қайтади... Яна ўзини иймонэътиқодда якто деб билади.

Азим Раҳимов «эски зиёлиларга нисбатан яксара бир томонлама муносабат»да бўлинганидан куйинади. Шу тарика Солиҳ махдумни зиёлига, маърифатпарварга (эҳтимол, инқилобчи ҳамдир!) чиқариб кўяди.

Абдулла Қодирий романда амир Умархоннинг канизи билан боғлиқ тарихни атайлаб келтиradики, Солиҳ махдумнинг кимлиги яхшироқ аён бўлсин, деб. Яъни, иймонсизлик махдумга отамеросдир. Уқиймиз: «...бобоси Олимхон ва Умархон даврларида муфтилик, қозилик мансабларида хизмат қилган, отаси эса Қўқоннинг Маъдали (Муҳаммад Али)хон мадрасасида неча йиллар мударрис бўлгандир». Маъ-лумки, Маъдалихон ўз отаси Умархоннинг канизига, яъни, ўзига «она мақомида» бўлган бир қизга уйланмоқчи бўлади. Аммо уламолар бунга қарши туради. Маъдалихон «ўзининг орзусига қарши борган уламоларни секин «илмий» ишлардан олиб, улар ўрнига янгиларини қўя бошлайди». Шундай «янгилар»дан бири махдумнинг отаси эди. У ҳам бошқа «янгилар» қаторида хонга ўз «онаси мақомида» бўлмиш қизни фотиҳа қилишда бажонидил иштирок этади, хоннинг ҳаром луқмасини ҳалоллаб беради. Қолган гап маълум: подшодан иймон-эътиқод арийди, Бухоро амири — амир Насрулло Қўқонга юриш қилади, Туркистон даволга юз тутади... Шу нуқтада ислом динидаги муҳим, ўзак фалсафанинг бадиий тасдиқини топамиз: олимлардан иймон қочса, салтанатдан қудрат кетади, халқнинг шўри қурийди.

Ҳеч шубҳасиз, Солиҳ махдум яшаган даврда мусулмонча ахлоқ, шаъриат қонунлари риоя қилар эди. Аммо махдумнинг қайси бир ҳаракатини олиб қараманг, ўз даври ахлоқи — мусулмончиликка зид келиб туради. Солиҳ махдум образини бадиий-фалсафий тадрижда таҳлил қилиб борар эканмиз, мусулмонобод ўлкани ҳалокатга олиб борганлар ҳам шулар — махдумлар эканига иймон келтирамиз.

Азим Раҳимов Солиҳ махдум портретига хос белгилардан ҳам фазилат ахтаради. Унинг «сийрак мўй», «оқ тан», «истараси иссиқ» бўлиши махдумнинг хасислиги, одамийлиги ва зиёли эканидан далолат берармиш. Ажаб ҳангома! Махдумнинг хасислиги шундай ҳам маълум-ку! Унда одамийлик нима қилсин! Наҳотки, шу ўринда ҳам ҳазрат Навойнинг «Одамий эрсанг демагил одами, Оникким йўқ халқ ғамидин ғами» деган байтини эслатиш жоиз бўлса! Бу портрет орқали махдумнинг мадрасадаги кирдикорига ишорат қилинмаётганмикан? Қаранг-а, «сийрак мўй», «истараси иссиқ» яна бунинг устига «оқ тан»... (таъкидлар бизники — М. Қ.).

СОЛИҲ МАХДУМ фаришта эмас, шайтон! Аммо Азим Раҳимов шайтон ҳам фаришта бўлган-ку, демоқчи бўлади.

Тўғри, Солиҳ махдум четдан беозор, хокисор бўлиб кўринади. Аммо у Абдураҳмон домладан ҳам хавфлироқ. Негаки, Абдураҳмон домланинг душманлиги очиқ-ошкора. Солиҳ махдумларнинг дўст-душманлигини билиб олиш ҳам қийин. Чунки улар ўта мунофиқдирлар. Турли мақомда турланадилар, ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдилар. Олдингиз да ошингизни ейди, орқангиздан бошингизни.

Солиҳ махдум ҳаёсиз одам. Анварнинг мирзабошликка сайланиши шовинини эшитиши билан ورмини йўқотади. Қандай бўлмасин уни ўзига қаттиқроқ боғлаб, чинакам «ўғил» қилиб олиш ҳаракатига тушади. Раъ-нони унга узатмоқчи эканини Анварга, Анварни куёв қилмоқчи эканини Раъногa ишорат этишдан чарчамайди. Бир куни ҳатто Анвар иккаласи боғда турар экан, Раъ-нони чақириб, Анвар билан унга уй солиб бермоқчи эканини билдиради. Раъно уялади, Анвар ноқулай аҳволга тушади. Махдум эса ўз ишидан мамнунлигича қолаверади. Унинг ҳаёсизлиги иймонсизлигидандир. Зеро, ҳадисда «Ҳаё — иймондандир» дейилиши бежиз эмас.

Махдум образи романнинг бадиий-фалсафий концепциясида муҳим ўрин тутади. Бу образ моҳиятини тўғри тушунмай туриб, романнинг ўзини ҳам, муаллифининг ғоявий-бадиий ҳукмини ҳам тўғри тушунмоқ мушкул.

Қодирий Солиҳ махдум тўғрисидаги фикрини нега илк таърифдаёқ тўла айтиб қўя қолмади? Биринчидан, бадиий асарда муаллиф ва қаҳрамонлар муносабати тўғридан-тўғри баён этилмайди. Балки бу муносабат образли тасвир, бадиий ифода воситасида юзага келади. Иккинчидан, Қодирий махдумни бирданига иймонсиз деб айтолмасди. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Ғарчи Қодирийнинг ўзи айтганидек, «Солиҳ махдум хасис, тамагир, ҳар ҳолда сажияси эътибори билан уни яхшилар қаторига қўшиб бўлмаса»да, «лекин табиат хасис эмас; тикандан гул, аридан бол ярата беради». Ёзувчи ана шу гул — Раънонинг ҳурмати учун ҳам тикан — Солиҳ махдумни айбситгиси келмайди. Эътибор берилса, Анвар ҳам бирор марта бўлсин Солиҳ махдумга қарши гапирмайди, унинг ғийбатини қилмайди. Бу биринчидан, Раънонинг ҳурмати туфайлидан бўлса, иккинчидан, Солиҳ махдум не қилса ҳам унга ҳарф ўргатган устоз. Ҳарф ўргатган устознинг ҳақини эса, Алишер Навоий айтганидек, минг ганж билан ҳам адо қилиб бўлмайди. Қодирийни ўйлантирган андишалардан яна бири шундаки, романнинг аксарият ўқувчилари янги замонда улғайиб, моддиюн (материалистик) дунёқарашда таълим олган кишилар бўлиши шак-шубҳасиз эди. Материалистик дунёқараш эса кишини иймонли, иймонсизга ажратиб ўтирмайди, ҳаммани тенг кўяди. Унда иймон тушунчасининг ўзи йўқ. Шундай экан, Солиҳ махдумни дабдурустдан иймонсиз дейиш, янги давр китобхони нуқтаи назаридан, унга туҳмат қилиш билан баробар эди. Азим Раҳимов ҳам андишанинг отини қўрқоққа чиқаради ва: «...муаллиф ҳам ўз даврининг фарзанди бўлиб, у ўша тарихий шароитнинг, **ўзи мансуб бўлган синфий-ижтимоий табақанинг салбий таъсиридан** (таъкид бизники — М. Қ.) ҳоли бўлмаслиги шубҳасиздир», деб ёзади. Натижада, Қодирий ҳам замонасозлик қилган экан, сиёсат ва мафкурининг ноғорасига ўйнаган экан-да, деган хулоса чиқиб қолади. Ваҳоланки, айнан ўша йиллар «Меҳробдан чаён» ёзилаётган даврда Қодирий янги замон мафкурасидан совиган, коммунистик идеаллардан ҳафсаласи пир бўлган эди. Унинг руҳи ўзга бир меҳробга талпинарди. Адибнинг «Йиғинди гаплар» мақоласи, унинг ноҳақ ҳибсга олиниши (26 йил) шундан далолат беради.

Азим Раҳимовнинг мақоласида диққатга сазовор бир жиҳат бор. У Солиҳ махдумни кўр-кўрона қоралашни рад этади. Рад этади-ю, ўзи рад этган нарса оҳангида махдумни оқлашга тушиб кетади.

БИЗ ШУ ПАЙТГАЧА фақат муайян мафкурани тасдиқлашни ёки шу мафкурага тескари нарсаларни рад қилишнигина илм деб келдик. Адашдик, ёлғон сўзладик. Олимлари адашса, халқнинг аҳволи не кечади?.. Аслида илм Ҳақиқатни кашф этиб, Ҳақиқатга талпиниш дегани экан. Келинглар, Ҳақиқатга талпинайлик!

Муртазо ҚАРШИБОЙ

МУҲАРРИРГА мактублар

ТАКЛИФ

Бу йил обуна баҳоси қимматлашди. Бундай қарор қабул қилганлар биргина ойлик маош билан кун кечирадиганларни ўйламадилар.

Ойликдан ойликка пул етказиш қийин бўлиб қолди. Масалан, ҳозир ҳамма нарса тақчил бўлиб турганн сир эмас. Бухорода оддий чойнак, пиёлани топиб бўлмайди. Гўшт-ку отлиққа ҳам йўқ, совун, чит каби кундалик зарур нарсалар қаёққа йўқолди? Ҳаммасини икки баробар қимматига олишга мажбур бўляпмиз. Тиريкчилик қилиш зарур, аммо рўзнома ва ойномаларни ҳам ўқиб боришни истаймиз. Таклифим шуки, газеталар нима сабабдан шундай қийин ахволга тушиб қолганимизни рўйи-рост ёзишса.

Ҳожи ҲУРРАМОВ
Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси

ЭЪТИРОЗ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг муштарийси сифатида уни жасур газета деб тан оламан. Халқимизнинг дард-ҳасратларини, орзу-армонларини дадил кўтариб чиқаётганлигини қўллаб-қувватлайман. Бироқ унинг баъзи ходимларидан хафаман. Чунки севимли ҳафталигимизга тез-тез мактуб, хат-хабарлар йўллайману айримларига вақтида жавоб ололмайман. 1990 йилдан менга бахт кулиб боқмади. На ҳажвия, на мақолам саҳифалардан ўрин олди. Аммо келгуси йилга бўлган умидларим сўнган эмас. 1991 йилда газета ходимлари биздек қишлоқ мухбирлари, ҳажвчи қаламкашлар ижодига бефарқ қарашмайди, деган илинж билан газетага обуна бўлишга аҳд қилдим.

Н. ТОЖИБОЕВ
Учқўрғон райони

МИННАТДОРЛИК

Биз Тошкент шаҳар Киров районидаги ота-оналар ва 12-мактаб ўқитувчилари шу йилнинг 29 июнь сонида босилган «Сароб бўлган умидлар» мақоласи учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ўн йилдан бери ҳал бўлмай нелаётган мактабимиз муаммосига ҳафтаномангиз саҳифасидан ўрин ажратганлигингиз учун раҳмат.

Мақола босилгандан сўнг мактабда бир мунча ўзгаришлар рўй берди. Кутубхонамизга ўзбек тилида китоблар келди. Мактаб деворларида биринчи марта ўзбек тилида ҳикматли сўзлар ёзилган шиорлар пайдо бўлди. Ўзбек синфлари (шунисига ҳам шукур) биринчи навбатга ўтказилди. Аммо, асосий муаммо ҳал бўлмади — мактаб яна аралаш ҳолича қолди. Вақт топиб, яна бу мавзуга қайтасизлар, деган умиддамиз.

Д. ОХУНОВА, В. БОЙНАЗАРОВА, И. ТУРАЕВА, С. ТОЖИЕВА ва бошқалар (жами 20 имзо)



Куз саховати

С. МАҲКАМОВ суратга олган

МУҲАРРИР ШАРҲИ

«ЁЗМАГАН ЖОЙИМ, УЧРАМАГАН КИШИМ ҚОЛМАДИ...»

РЕДАКЦИЯМИЗГА келаётган хатларни ўқиш осон иш эмас. Дилингиз равшан тортадиган, завқингизни оширадиган мактублар талайгина. Муштарийлар жойлардаги энг яхши янгиликларни, маданий ҳаётимизга оид хушхабарларни маълум қиладилар. Аммо, шундай хатлар борки, уларни хотиржам ўқиш мушкул. Очилмай қолаётган сирли қотилликлар, оддий кишилар ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилаётгани, раҳбарларнинг калондимоғлиги, жиғарбандларидан айрилган муштипар оналарнинг кўз ёшлари, ҳибсхоналарда азоб чекаётган бегуноҳ тутқунларнинг дард тўла сатрлари дилингизни ўртаб юборади. Қанийди қўлимиз узун бўлсаю, жабрдийдаларга ёрдам берсак. Саҳифаларимиз саккизта эмас, ўн олтита, ундан ҳам кўп бўлсаю мактублардаги фарёдларни эл эшитса.

Ҳозирча бунинг иложи йўқ. Чунки имкониятларимиз бениҳоя тор. Биз ҳатто мактуб муаллифларининг ҳаммасига ҳам жавоб ёза олмаймиз, узримизни баён қила олмаймиз. Хатлар оқими шу қадар шиддатлики, бу иш билан бутун редакция шуғулланганида ҳам улгуриш қийин.

Ульянов районидаги Зарқуноқ қишлоғида яшовчи, ўн уч фарзаднинг отаси Сайдулло ота Файзиевнинг хати бир қарашда жуда ҳам оддий: ўғрилар уч бош соғин сигирини бузоқлари билан қўшиб ўғирлаб кетишган. Излар бор, милиция суратга олган. Гумонлар бор, фамилиялари бор. Аммо ўғри топилмайди. Учта говмиш диконглаган учта бузоқчаси билан оддий бир оила тириқчилигида нима эканлигини тасаввур қилайлик. Сайфулло ота милицияга, прокурорга шикоят қилади. Натижа йўқ. Район, вилоят раҳбарларига хат ёзади. Жим. Жумҳурият Олий кенгашига, жамики раҳбарларимизга, то ўрток Бакатингача арз-додини айтади. Аммо ҳеч кимдан садо чиқмайди. Бузоқчалар димламага босилиб, говмишларнинг териси ковуш бўлиб кетдими, ё бошқачами — ҳеч ким айтмайди.

Бир вақтлар номи газеталарда тез-тез тилга олиниб турган Иноят Туроповнинг хати кучайтирилган режимли меҳнат колониясидан келган. Нарпай район партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби ўзига қўйилган айбларни бутунлай рад этади, бир гуруҳ порахўрларнинг туҳматларига қолганини ёзиб мадад сўрайди.

Мактубнинг бир четига «пахта иши», деб ёзиб қўйилган. Биз Иноят акани гуноҳкор ёки бегуноҳ деб айта олмаймиз. Аммо шу нарса аниқки, «пахта иши» деган ялпи қирғин оқибатида талай бегуноҳ раҳбарлар бадном қилинди. Уларнинг кўплари ҳозир ҳам ҳибсхоналарда азоб чекмоқдалар.

— Мени асоссиз равишда ишдан олишди, номимни бадном қилишди. — деб ёзади Охунбобоев район партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби Эргашбой Холматов. — Бу лавозимга таклиф этишганида «Ҳали тажрибам оз, билимимни янада оширишим керак, биринчи котибликни эплаш мен учун оғир бўлади», деганимга қарамай, «Гапни калта қилинг, обком бюросида масала ҳал бўлган», деб қулоқ осишмади. Кейин эса бир-бир ярим йил ишламай ишдан бўшатишди. Бир мен эмас, бутун бир район партия қўмитаси аппарати бадном қилинди. Ҳурматли муҳаррир. Сиздан битта масалада ёрдам беришингизни сўрайман. Мени партиядан ўчирa олишмади. Менга аввалги лавозимларимни қайтариб олиб берманг, бадномлик юкидан ҳалос бўлсам бас...»

Холис айтганда, Эргашбойнинг бу сатрлари бизга анча самимий туюлди. Чунки «пахта иши» билан боғлиқ алғов-далғов замонлари катта тажрибага эга қўплаб мутахассислар четга суриб ташлангач, уларнинг ўринларини қоплаш анча мушкул бўлди. Кадрлар сиёсатида жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. Биз буни ҳали ҳануз ҳис этиб турибмиз.

Андижон вилояти, Москва районидаги Дорломон қишлоғи аҳлиси номидан ёзилган шикоятда мана бундай сатрлар бор: **«...медицина хизмати йўқ, маданий-маиший хизмат кўрсатадиган ҳеч нарса йўқ. Дам оладиган, суҳбатлашиб ўтирадиган жой ҳам йўқ. Ҳатто мажлис ўтказилмайди — дардингни айтиб ёзила олмайсан, кишн».**

БУНДАЙ МАЗМУНДАГИ хатлар бениҳоя кўп. Инсон ҳаётининг энг оддий эҳтиёжлари қондирилмаган кишлоқларимиз деярли ҳар бир районда топилади. Ҳукумат бу масала билан жиддий шуғулланаётгани қувонарли. Аммо «катта раҳбар»га ташлаб қўйиб қараб турaверсак тезак ҳидидан, кўмир қорасидан ҳали-вери қутулмаймиз.

Ёш оилаларнинг барбод бўлиши... Бир қовун пишиғи ўтмай ажрашаётган келинкуёвлар, тирик етимлар, ўғайлик азоблари. Бундай мактублар деярли ҳар куни келади. Кўпчилигининг мазмуни битта: севиб оила қуришган, бир йил-ярим йил аҳил-иноқ яшашган. Кейин эса куёв бола ажабтовур қилиқлар чиқара бошлаган ва... бошқа бир қизни севиб колган. Ўртада бола.

Кўнгил кўчасига кирган Нигора, сурхондарёлик Норбуви ва бошқалар худди шу аҳволга тушишган ва иккитадан, учтадан болаларини етаклаб кетаверишган. «Операция»ни муваффақиятли амалга оширган оталар бўлса яна куёвбола бўлиб айш қилиб юришибди. Тузоққа илинган ёш сингилларимизнинг бахтли бўлишадими, йўқми, буни ҳеч ким айта олмайди.

Туҳмат санъатини ривожлантиришда ёш муҳандис Саид ботирга тенг келадигани топилмаса керак. У ҳам юқоридагилар каби ўзга бир қизни севиб қолган. Аммо муроднга ета олмайди. Чунки уйланган, уч фарзанди бор. Хотинини ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деб ҳақоратлашга бошлайди. Н. ҳам бўш келмайди, эрининг ҳамма инжиқликларига бардош беради. Ярим тунда тўртта сарҳуш дўстини бошлаб келиб «Қани хотин, бир чучвара тугворчи, деса ҳам, «хўп бўлади, адажониси», деб илжайиб тураверади. Унча-мунча билан иш битмаслигига кўзи етган Саидботир зўр ҳийла ўйлаб топади, яъни Абдулла исмли ўртоғидан... хотинига ишқий мактуб ёзишни илтимос қилади. Натижада Н. «жиноят» устида «қўлга тушади». Тамом-вассалом.

— Шу қадар тубанлашиш ҳам мумкинми, — деб ёзади Н. ўз хатида. — Мен ишимизга аралашинглар, ҳақ-ноҳақни ажратиб берингглар демайман. Бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Аммо орамизда шундайлар ҳам борлигини биламизми? Қўлимда ҳунарим бор, тинчлик бўлса амаллаб болаларимни катта қилиб оламан. Битта илинжим Абдулладан. Бир кунмас-бир кун виждони айрим йигитлар ёқмай қолган хотинларидан қутулиш учун нималарни ўйлаб топишмайди, дейсиз. Ҳозир бозори чаққон «баҳона» мана бундай: «Ҳай, менга қара, мана бу итваччаларнинг иккитаси мендан эмас, қайси ўйнашингдан орттирганингни ўзинг биласан. Яхшиликча кетмасанг, шармандангни чиқараман».

Табиийки, бундай ҳақорат олдида кўплар гангиб қолади. Ота ўз пушти-паноҳидан бўлган болаларидан кечиб тургандан кейин нима қилиш керак? Бу гап кўчага чиқса, ота-онасига бориб етса, эл-юрт эшитса нима бўлади? Бизга мактуб йўллаган Жиззах вилоятидаги Ойниса, Гулистонлик Ҳотинларнинг ҳаётини ўйлаб, ўзининг ҳаётини ўйлаб, ўзининг ҳаётини ўйлаб, ўзинин

ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

МАМЛАКАТИМИЗДА халқ бадиий ҳаваскорлигининг гуркираб ривожланиши жаҳон бадиий маданияти тараққиётида янги жараёндир. Миллионлаб меҳнаткашлар бадиий ҳаваскорликнинг турли жабҳаларида ўз истеъдодларини ўстириш ва намойиш қилиш имкониятига эгалар. Ҳозирда жумҳуриятимизнинг ўзида 25 минг бадиий ҳаваскорлик коллективлари мавжуд. Буларда 500 минг кишидан ортиқ халқ истеъдодлари ўз ижодий фаолиятларини юксалтирмоқдалар. «Халқ ансамбли» унвонига сазовор бўлган ашула ва рақс халқ ансамблларининг сони жумҳуриятимиз бўйича 120 тага етди.

Ҳаваскорлик санъатининг ана шундай юқори даражага кўтарилишида анъанага айланиб қолган кўриклар, конкурслар, байрамлар, фестиваллар қудратли омил ҳисобланади. Кейинги йилларда телевидение туфайли бадиий ҳаваскорлик ўз таъсир доирасини маълум даражада кенгайтирди. Телевизион кўрсатувларда чиқиш ҳуқуқини олиш, унга кўпмиллатли томошабинларнинг берадиган баҳолари ҳар бир ҳаваскорда ўз ижодига жиддий муносабатда бўлишни талаб қилади, маънавий ва ижтимоий жиҳатдан ўсишга имкон беради. Бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари шунчаки ижрочи эмас, балки санъат, маданий, ижтимоий-ахлоқий нормаларнинг ташвиқотчиси эканликларини чуқур ҳис қиладилар.

Яқинда Тошкентда, «Баҳор» концерт залида III Бутуниттифоқ фестивали доирасида ҳаваскорлик ашула ва рақс халқ ансамблларининг навбатдаги жумҳурият кўрик-беллашуви бўлиб ўтди. Бу йилги кўрик-беллашувда 14 ашула ва рақс халқ ансамбли ўз концерт программасини намойиш қилди.

Низомга кўра ҳар бир ансамбль ўз имкониятига қараб, 30 дақиқадан ошмайдиган концерт программасини тайёрлаши керак эди. Лекин аксарият ансамблар, аниқроғи, мусиқа раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли низомга риоя қилмадилар. Бундай камчиликлар ҳакам ҳайъати ишини бирмунча қийинлаштирди. Шунга қарамай, ҳакам ҳайъати совриндорларни аниқлади. I ўрин Фарғона вилояти, Тошлоқ район маданият уйи қошидаги «Райҳон» ансамблига, II ўрин Хоразм вилоятининг Хева шаҳар маданият уйи қошидаги «Наврўз», Фарғона вилояти, Қува район маданият уйи қошидаги «Анор» ансамблларига, III ўрин Қашқадарё вилояти Яккабоғ механизациялашган кўчма колоннасига қарашли «Ирригатор» маданият уйи қошидаги «Зилола», Наманган вилояти маданият саройи қошидаги «Наманган гуллари», Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Тўрткўл район маданият уйи қошидаги «Тарона», Наманган вилояти, Наманган район маданият уйи қошидаги «Олвализор гуллари» ансамблларига берилди.

«Райҳон» ансамблининг концерт программаси асосан иштирокчиларнинг имкониятини ҳисобга олган ҳолда, ўнта турли жанрдаги мусиқий асарлардан тузилган. 30 дақиқага мўлжалланган концерт программасини ўзбек халқ ялла, ашула, рақслари ҳамда халқ бастакорларининг асарлари ташкил этади. Муҳими, ансамбль раҳбарлари программанинг ранг-баранглигига, концертда бадиий яхлитлик, эстетик таъсир ва ижро маҳоратини кучайтиришга ҳаракат қилганлар. Айниқса, ансамбль жамоаси ижро этган «Она қалби» қўшиқ-рақс сюитаси, Саодатхон Ҳамроалиева ижросидаги «Сарвигул» рақси (Тилаш Хўжамбердиев мусиқаси), Алижон Раҳмонов ижросидаги «Савти сувора» ашуласи (Огаҳий ғазали), Саодатхон Ҳамроалиева ва Набижон Раҳимов ижросидаги «Палов» рақси, ансамбль жамоаси ижросидаги «Шодиёна» қўшиқ-рақс сюиталари ҳакам ҳайъати аъзолари ва томошабинлар қалбига завқ бағишлади.

СССР халқ артисти Галия Измайлова саҳналаштирган «Она қалби» қўшиқ-рақс сюитаси ўзига хослиги, фалсафий ижроси ҳамда жозибадорлиги билан ҳакам ҳайъати аъзолари ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Сюита Афғонистонда ҳалок бўлган аскар йигитларимиз хотирасига бағишланади. Ҳар бир ашула ва рақс ижросида созандаларнинг хизматлари катта. Бунда ансамбль мусиқа раҳбари Солижон Каримовнинг хизматини алоҳида эътироф этиш лозим.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар бир вилоят ўзига хос қиёфасини, халқ оғзаки ижоди, этнографияси, маҳаллий мусиқий ижро услубларини аниқ ифодаловчи ансамблларга эга. Шу маънода «Наврўз» ашула ва рақс ансамбли Хоразмнинг қиёфасини, унинг шўх, ўйноқи мусиқий санъатини ҳамда маҳаллий ижрочилик услубини намойиш этди. Ансамблнинг етакчи иштирокчиларидан, вилоят Ленин комсомоли мукофоти лауреати Бекжон Жуманиёзов, Каромат Бобожонова, Сора Раҳмонова, Матжон Абдуллаев ва раққоса қизлар гуруҳининг чиқишлари кўпчиликда унутилмас таассурот қолдирди.

Бекжон Жуманиёзов лирик тенор овозга эга. Хонанданинг ижрочилик маҳорати, ашула айтиш имкониятлари, айниқса, «Қайдасан, эй сарвиноз»да (А. Пўлат шеъри, халқ куйи) яққол намоён бўлди. Ашулани тинглаганимизда, Ўрта Осиёнинг хушовоз булбули Комилжон Отаниёзов куйлаётгандек бўлди. Бундай куйлашда тақлид ифодаси эмас, аксинча, устоздан кўчган услуб, устоз анъанасининг давоми кўринади, ривожи сезилади.

Каромат Бобожонова — лирик характердаги раққоса. Унинг ижрочилик маҳорати, айниқса, классик мақом йўлидаги «Пешрав» рақсида яққол кўринди. Рақснинг куйи ғоят фалсафий лирик жозибага эга. Раққоса бирорта ҳам ортиқча ҳаракат қилмайди. У образ яратар экан, аввало, рақс оҳангларини бутун вужуди билан тинглаган, унинг қоидаларига тўла амал қилган ҳолда, куй маъноларига монанд ўйинга тушади.

«Наманган гуллари», «Зилола», «Олвализор гуллари», «Тарона» халқ ансамбллари ҳам кўрик-беллашувда мазмунли ва қизиқарли концерт программаларини намойиш этдилар.

БУ ЙИЛГИ кўрик-беллашувда иштирок этган барча ансамблларнинг ютуқ ва камчиликлари яққол кўзга ташланди. 650 га яқин халқ истеъдодларининг санъатга, ҳаётга муносабати, энг муҳими, ансамбллар қиёфаси аниқ-равшан намоён бўлди. Лекин кўрик-беллашувда қатнашган ўн тўрт ансамблнинг ҳаммаси ҳам давр талаби даражасида ишлаяпти, мухлисларни бирдек хушнуд қиляпти, деб бўлмайди. Аввало, айрим ансамблларда репертуарнинг ғоявий-бадиий пишиқ ва мукаммаллигига, чолғучилар созининг мутаносиблигига, ижро маҳоратининг таъсирчанлигига, рақс ҳаракатларининг миллийлигига, кийим-кечаклари сифатига мутлақо аҳамият берилмаганини ачиниш билан таъкидлаймиз. Масалан, Самарқанд вилояти, Булунғур район маданият уйи қошидаги «Ёшлик» ансамблининг кўрик-беллашувга олиб келган концерт программасини олайлик. Намойиш этилган ҳар хил жанрдаги ўн битта асардан биронтаси ҳам ҳакам ҳайъати аъзолари талабини қондирмади. Чунки программа омонат, пала-партиш тайёрланган, ҳар бир хонанданинг овоз имкониятига мос репертуар танланмаган, ижро маҳорати ҳозирги талаб даражасида эмас. Айниқса, чолғучиларнинг ашулачиларга нўноқ жўрнавоз бўлганларини ачиниш билан қайд этишимиз мумкин. Рақс гуруҳига ҳам худди шундай эътирозлар бор. Рақс ҳаракатларининг бир хиллиги, кийим-кечаклар рақс мазмунига мос танланмагани, бунинг устига эскириб қолгани ансамбль фаолиятига бефарқ қарашдан бошқа нарса эмас. Программа вақти низом асосида намойиш этилмади. 30 дақиқа ўрнига 50 дақиқага чўзилди. Фикримизча, юқорида кўрсатилган камчиликларга тўғри ёндашган ҳолда, ансамблнинг раҳбарлари у ерда бадиий ижод муҳитини яратишда, халқ педагогикаси асосида ҳаваскорларнинг бошини қовуштириб, тарбия қилишда, репертуарни миллий мусиқий меросимиз ҳамда халқ бастакорларининг куй-ашулалари билан бойитишда жонбозлик қилишлари керак.

Тошкент вилояти, Калинин район маданият уйи қошидаги «Ҳосил» ашула ва рақс халқ ансамбли партия-совет ташкилотлари кўмагида бирмунча ижодий ютуқларини қўлга киритганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўз репертуарини мақом, халқ қўшиқлари, рақслари ҳамда бастакорларнинг куй-ашулалари билан бойитган ансамбль шуҳрати вилоят ва жумҳурият бўйлаб тарқалди. Афсуски, ансамблнинг кўрик-беллашувга тайёрлаб келган концерт программаси на ҳакам ҳайъати аъзоларига, на томошабинга эстетик завқ беролди. Сабаби, программа шошилинч тайёрланган. Ижро маҳорати бўш, чолғучилар жўрнавозлиги бир-бирига қовушмайди. Нола, қочиримлар бир хил эмас, рақсларда миллий ҳаракат етишмайди, кийим-кечак ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Аслида, бу борада ансамбль жуда катта имкониятга эга. Агарда улар сидқидилдан, фидойилик билан меҳнат қилганларида, бундай камчиликлар содир бўлмасди.

Шу ўринда халқ ансамбллари олдида кўндаланг бўлиб турган айрим муаммоларни айтиб ўтишга тўғри келади.

БИРИНЧИДАН, ансамбль раҳбарлари учун ўрин (штат) ва маош масалаларини қайтадан кўриб чиқиш керак.

ИККИНЧИДАН, ансамблни бошқариш учун саводли, мусиқий меросимизни ҳамда халқ ижрочилик услубларини яхши биладиган раҳбар кадрлар тайёрлашни кечиктирмасдан ҳал қилишимиз лозим. Тўғри, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг халқ мусиқаси бўлими 3 йилдан буён ашула ва рақс ансамблларига раҳбар кадрлар тайёрлаяпти, лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Жумҳуриятимиз вилоятларидаги барча маданият техникумлари қошида ҳам халқ мусиқаси бўлими очиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

УЧИНЧИДАН, ашула ва рақс ансамблларининг моддий-техника базасини ҳозирги талабларга жавоб бериш ёки бера олмаслик муаммоларини ҳал этишимиз зарур.

ТЎРТИНЧИДАН, ансамблнинг ижодий машқлари учун бинолар билан таъминлаш масаласини ечиш, чолғу асбобларини буюртма йўли билан тайёрлаш ҳамда рақс гуруҳлари учун кийим-кечаклар маҳаллий этник белгилар асосида тайёрланишига тўла эришиш керак.

БЕШИНЧИДАН, ансамбль иштирокчиларини халқ педагогикаси пойдевори асосида тарбиялашни тўғри йўлга қўйишимиз зарур.

Ниҳоят, ансамблларга оталиқ масаласига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу ўринда жумҳурият Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси ансамблларни репертуар билан таъминлаш учун халқ бастакорларининг куй ва ашулаларини тез-тез нашр қилиб туришлари мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, ҳаваскорларни тарбиялаш ва эъзозлаш муқаддас бурчимиздир. Уларга зарур ижодий муҳит яратиб берилсагина, кенг кўламда ўйлаш, фикрлаш, чинакамига илҳом билан ижод қилиш учун имкон туғилади.

Раҳматжон ТУРСУНОВ,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти халқ мусиқаси кафедраси мудири

ШАРҚНИНГ ЎЛМАС МАВЗУЛАРИ

ЁШ ЎЗБЕК МУСАВВИРЛАРИНИНГ МОСКВАДАГИ КЎРГАЗМАСИ ҲАҚИДА

Сентябрда Москвада ёш, иқтидорли беш ўзбек мусаввирининг кўргазмаси очилди. Бу бешлик — Абдуҳаким Турдиев, Ғафур Қодиров, Акмал Нуриддинов, Фатхулла Шокиров ва Мухтор Эсоновдан иборат эди. Ўз асарлари билан жумҳурият бадиий ҳаётида яхши танилган бу иқтидор соҳиблари учун Москвада очилган кўргазма навбатдаги босқич бўлди. Пойтахтлик томошабинларнинг олқиши уларнинг ижодий изланишлари бесамар кетмаганлигини яна бир бор аниқ-равшан кўрсатиб берди.

Бу мусаввирларнинг ҳар бири зиммаларидаги улкан масъулиятни чуқур ҳис этдилар. Чунки катта авлодга мансуб ўзбек рассомлари ўзига хос анъанага асос солганлар. Бу анъанани давом эттириш эса, шубҳасиз, ёш мусаввирларнинг қўлида.

Бешта алоҳида-алоҳида намойиш этилган кўргазма асарлари муаллифларнинг ички дунёси, шунингдек, уларнинг бадиий камолоти турлилиги билан ажралиб турди.

Ғафур Қодиров ишларида кўзга яққол ташланган нарса рангларни ниҳоятда чуқур ҳис қилишдир. «Саёҳат», «Қизилқум», «Тинчлик», «Хоразм» каби ишларида инсоният турмушининг маънавий қиёфасини ҳаққоний очиб берган. Мусаввир асарлари орқали ҳаёт фалсафасини, табиат сирларини, унинг бадиийлигини ифодалашга уринган ва бунга эришган.

Абдуҳаким Турдиев ўзбек тасвирий санъатига ўзининг юксак маданияти, янгича фикрлаши билан қадам қўйди. Халқ тарихини тушунишга ҳаракат қилиб, табиат ва инсон бирлиги каби мавзуларга қўл урди. Бу ғоялар кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Унинг экспозициясидан тошларга бағишланган ишлари («Кислород», «Экибана», «Олапар уйқуси»), Хумсон манзаралари туркуми («Кечки ов», «Эчки туши», «Ҳўкиз етаклаган аёл», «Йиқилаётган чавандоз») ўрин олган. Рассом Хумсон манзаралари туркумига кирган асарларида тоғ, табиат манзарасини шундай чизганки, қуш, овчи, аёл, ҳайвонлар тасвирини тирикдай кўрамиз. Мусаввирнинг иқтидори шундаки, у табиатнинг руҳини, унинг чиройини ниҳоят гўзал тасвирлаб бера олади.



СУРАТЛАРДА: А. Нуриддиновнинг «Ой юзли соҳибжамол», Ф. Шокировнинг «Кушон афсонаси» ва М. Эсоновнинг «Уйғониш» асаридан фотонусха.

...Акмал Нуриддинов ҳам ўз ижодининг янги босқичига қадам қўйди. Унинг кейинги йиллардаги ишларида услуби ўзгаргани яққол сезилади. Мусаввир кўпроқ турли табиат манзараларига мурожаат этади ва бу асарларнинг ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Унинг кўргазмага тақдим этилган асарларини мавзуига қараб уч группага ажратиш мумкин. Булар ҳаёт ва ўлим, Шарқ лирикаси ва мусулмончилик мавзуларидир. Мусаввир ҳамма асарларида юксак маънавиятга интилиб, ички гўзалликни тасвирлаб беради. Унинг «Тўқнашув», «Дуо», «Пари» каби асарларида файласуфона тафаккур сезилса, «Ой юзли», «Учрашув» каби асарларида шоирона руҳ бўртиб туради. А. Нуриддинов асарларида қадимги Шарқ классиклари санъатининг руҳини очиб беришга интилиш сезилади.

Мухтор Эсонов ҳам Шарқ мавзуида ижод қилаётганлардан. Бироқ унинг изланишларида Ўрта Осиё бадиий маданиятининг алоҳида томонлари ёритилади. Бир қанча асарлари ижтимоий мавзуда («Уйғониш», «Осиё», «Азон»), бир туркум асарлари эса («Афсона», «Товус», «Нафислик») эстетик гўзаллик намунаси сифатида ажралиб туради.

Фатхулла Шокировнинг аксарият полотноларида ранглар уйғунлиги яққол сезилади. Экспозиция унинг «Самарқанд ҳақида ўйлар» учлиги билан очилади. Мусаввир бу учликда қадимий шаҳар ҳақидаги ўз қарашларини, ҳис-туйғуларини мужассамлаштиради. Ф. Шокиров учун энг муҳим бадиий тасвир омили рангдир.

Ф. Шокиров фақатгина ғарбий Европа тасвирий санъат мактаби тажрибаларини эгаллабгина қолмай, балки ўз халқи тасвирий санъатини нозик ҳис этувчи мусаввирдир.

Ёш мусаввирларимиз асарлари ҳақида бу ерга ташриф буюрганлар мана шундай баҳо беришди:

«Бу кўргазма миллий, шу билан бирга замонавийдир. Тақдим этилган суратлардаги ранглар талқини кишини ҳайратга солади. Мусаввирларнинг асарлари фақат яхши бўлиб қолмай, балки аъло даражададир. Мен яқинда Лондондан қайтдим. Шуни тан олиш керакки, ўзбек мусаввирларининг ишлари у ерда кўрган мусаввирларнинг асарларидан ҳеч ҳам қолишмайди. Кўргазма учун уларга раҳмат».

А. ШМАКОВА,
МОСХ амалий-декоратив санъати секцияси бюро раиси

«Бу кўргазма бир қанча жиҳатлари билан ажралиб туради... Асарларда миллий анъаналар, европа анъаналари яққол кўриниб туради, энг муҳими, ўзига хосликни ҳис қиласан киши. Бу ишларда оддийликка, ҳақиқий санъатнинг биринчи унсури бўлган табиатга, инсонга интилиш бор».

В. ТИХОНОВ,
«СССР Архитектураси» журналининг бош муҳаррири

Кўргазма Москвада катта олқишга сазовор бўлди. Биз ҳам ёш мусаввирларнинг ижодий зафарларидан қувонган ҳолда, уларнинг келгуси ишларида ютуқлар тилаб қоламиз.

Камола ОҚИЛОВА,
санъатшунослик номзоди

КАШТАЛАР ЖИЛОСИ

ЎЗБЕКИСТОН амалий санъати музейида Андижон бадиий буюмлар фабрикаси рассом ва чеварлари яратган буюмлар кўргазмаси очилди. Музей ходимларининг ташаббуси билан уюштирилган бу кўргазма «Қандай қилиб санъатни ишлаб чиқариш билан мувофиқлаштириш керак?», деган шиор остида ўтмоқда. Кўргазманинг мақсади каштачиликдаги қадимий миллий анъаналарни қайта тиклаш ва уларга жило беришдан иборат.

1960 йили «Пиллакаш» ва «Меҳнат гули» артелларининг бирлашишидан ташкил топган Андижон бадиий буюмлар фабрикаси ишчи ва хизматчилари 150 хил халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдалар. Попоп машиналарида тикилаётган сўзана, зардевор, чойшаб, қўлда тикилган дўппилар, ёдгорликлар, рўмоллар, болалар ва янги туғилган чақалоқлар учун тикилаётган кийим-бошлар Иттифоқимиздан ташқари, чет элларга ҳам жўнатилмоқда.

Кўргазмада халқ амалий санъатининг муҳим тармоқларидан бўлган попоп каштачилиги ва гобеленлар намойиш этилмоқда. Бу буюмлар орасида Х. Мамажонова тиккан сариқ фонли «устун чойшаб», Х. Довидова тиккан «таг чойшаб», Ш. Алқосимова қизил духобага анор, қалампир, гуллар тасвири солиб тиккан «гулкўрпа»лар муваффақиятли чиққан. Чунки улар ижодида бироз бўлса-да, Андижоннинг анъанавий қўл каштачилигига яқинлик сезилади. Шунингдек, кўргазмада Бобурнинг икки хил услубда бажарилган портрети ҳам намойиш этилмоқда. Портрет эскизларини А. Жўрабоев чизган. Улардан бирини фабриканинг илғор чеварларидан, малакали попопчи Аминахон Маллабоева қўлда тиккан. Иккинчисини эса фабриканинг катта рассоми Э. Кудряшова «совуқ шам» техникасида бажарган. Бу икки портретда ҳам ватандошимиз Заҳириддин Бобур гўзал табиат бағрида мутолаа қилиб ўтирган ҳолатда акс эттирилган.

Маълумки, Ўзбекистонда гобеленлар яратиш 70-йиллардан бошланди. Андижонда бу ишни эр-хотин Яша ва Ангела Исҳоқовлар бошлаб бердилар. Яқинда фабрика қошида гобеленлар ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди. Цехни ташкил этишда фабриканинг бош рассоми Абдулла Жўрабоевнинг ҳиссаси катта бўлди. У 1970 йили Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тамомлаган. А. Жўрабоевнинг «Ҳосил», «Ўзбекистон» (учлик), «Тўқувчи қиз», «Қуёш» сингари гобеленлари, айниқса, муваффақиятли чиққан. Рассом «Ҳосил» ва «Ўзбекистон» асарларида қуёшли юртимизни, унинг ширин-шакар меваларини, пахтазорларини қизил, сариқ, зангори каби ранглар уйғунлигида очиб беришга интилади. А. Жўрабоев гобеленларида миллийлик, ўзбек халқининг турмуш тарзи лўнда ва содда кўрсатиб берилган. А. Жўрабоев, машинада тиккан эшик парда ва гулкўрпаларига нисбатан, гобеленларда ўз ижодини ёркинроқ намоён қила олган. Рассом «Бахтли бўлинг», «Юлдуз» каби гулкўрпаларида кўпроқ Ўзбекистоннинг бошқа бадиий буюмлар фабрикалари (масалан, Тошкент ва Бухоро)да тикилаётган кашталар намуналари мотивига суянган. Худди шу манзарани фабриканинг бошқа чеварлари тикаётган буюмларда ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, фабрика ижодий группасининг чевари Ф. Тўхтабоева тиккан «Келинчак сепи» комплекти Тошкент аҳолиси қадимдан фойдаланиб келган кашталар мажмуасининг ўзгинасидир. Булар «кирпеч» (ўртада), «чойшаб» (икки четда) «зардевор» (юқорида)дан иборат. Фарғона водийсида бундай комплектлар ўрнига, алоҳида сидирға газламага гул тикиб, уй деворларига осиш урф бўлган. Зардеворлар эса уйнинг тепа қисмига айлантириб осилган. Назаримда, юқоридагидек комплектлар республика Маҳаллий саноат нозирлигига қарашли барча бадиий буюмлар фабрикалари учун тасдиқланган эскизлар асосида ишлаб чиқарилмоқда. Кўп йиллар давомида саноатни тўраларча бошқариш, план кетидан қувиш натижасида буюмлар сифати бузилди, улардаги миллийлик йўқола борди. Лекин шу жиҳатдан Андижон бадиий буюмлар фабрикаси ижодий группасининг бугунги кундаги ишлари мақтовга лойиқдир. Улар ишнинг ижодий томонларига кўпроқ эътибор бермоқдалар. Фабрика чеварлари анъанавий Андижон каштачилигини тиклаш мақсадида қўлда кашта тикувчи аёлларни излаб топмоқдалар. Музейларда сақланаётган эски Андижон каштачилиги намуналарини ўрганиб, кўчирмалар олмоқдалар. Айниқса, бунда фабрика директори Азизахон Фаёзованинг хизмати катта. Бунга кўргазма иштирокчилари билан бўлган суҳбатимизда ҳам ишонч ҳосил қилдик. Илгари Маҳаллий саноат нозирлиги бадиий кенгаши томонидан тасдиқланган бир хилдаги нақш мотивлари асосида иш бажарилган бўлса, энди ҳар қайси чевар ўз тасаввурига истаганча эрк бериши мумкин. Андижон бадиий буюмлар фабрикаси чеварларининг бу ташаббуси республикадаги бошқа барча бадиий буюмлар фабрикалари учун ибратлидир. Улар ҳам ўз воҳалари, турар-жойларига хос қадимий каштачилик анъаналарини давом эттирсалар, уни ривожлантирсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Илгаридан ўзбеклар бир-бирларининг қайси жойдан эканликларини бошдаги дўпписи ва либосларига қараб бемалол айтиб беришган. Биз шу ҳолат каштачилигимизга ҳам тезроқ қайтиб келишини истаймиз.

Мунаввар БЕГМАТОВА,
Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти илмий ходими

ҚАДИМ САНЪАТ КЎРИГИ

СУРАТЛАРДА: Обиджон Тошкенбоев қўқонлик уч яшар дорбоз Бобуржон Қўлдошев билан. Андижонлик дорбозлар дорда.
Д. АҲМАД суратга олган

Қадим-қадимлардан подшоҳлар базмини, халқ сайлларини ўзбекнинг «Алпомиш» ва Гўрўғли туркумидаги достонлари билан тенгдош, тарихи минг йиллар билан ўлчангулик дорбозлар санъатисиз тасаввур этиш қийин. Амир Темур ҳузурида бўлган Испан элчиси Рюи де Клавихо дорбозлар ўйинини кузатгани ҳақида ёзади. Қадим Афросиёб харобаларида тарихнинг унсиз гувоҳлари — суратларда ҳам дор ўйинлари тасвирланган...

Яқинда Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғига йиғилган халқ карнаю ноғоралар оҳангидан, қизиқчию полвонлар, дорбозлар маҳоратидан қалбида ажиб бир илиқлик туйди. Ўзбекистон Маданият нозирлиги халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари методик маркази томонидан уюштирилган III Бутуниттифоқ халқ ижодиёти анжумани доирасида халқ анъанавий цирки жамоаларининг кўриги бўлиб ўтди.

Кўрикка ташриф буюрган қўқонлик, бухоролик, самарқандлик, андижонлик, тошкентлик дор усталарининг чиқишини баҳолаш жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Эркин Тошкенбоев раислик қилган ҳакамлар ҳайъатига осон бўлмади. Чунки ҳар бир дорбозлар гуруҳи бу кун нимага қодир эканликларини кўрсатишга астойдил ҳаракат қилдилар. Анча тортишувлардан сўнг биринчи ўрин А. Муродов раҳбарлигидаги «Қўқон минори» дорбозлар жамоасига, иккинчи ўринлардан бири Тошкент вилоятининг Янгибозор шаҳридан келган дор усталарига, иккинчиси «Андижон самоси» халқ цирки жамоасига берилди.

Қизиқчилар баҳсида қўқонликлар, полвонлар беллашувида Тошкент вилояти вакиллари ғолиб бўлдилар.

МУЛОҚОТ

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри коллективи Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва инженер-техник ходимлари билан учрашдилар. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Толиб Каримов, Риҳси Иброҳимова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Малика Иброҳимова ижодий режалари ҳақида сўзлаб бердилар. Авиасозлар санъат саройида театр коллективи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Пуч» асари асосидаги спектаклни намойиш қилди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

30 октябрда пойтахтимиздаги Билимлар уйида «Илҳом» театр-студияси ижодий коллективи ва унинг раҳбари, режиссёр Марк Вайль билан учрашув бўлди. Республика Театр арбоблари уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган бу тадбир «Илҳом» театр-студиясининг яқинда бўлиб ўтган Норвегия, Дания, Голландия ва Литва сафарлари таассуротларига бағишланди.

Учрашувни Марк Вайль очиб, сафар мақсадлари хусусида қисқача гапириб берди. Сўнг ана шу сафар ҳақида, учрашувлар, қўйилган спектакллар тўғрисида ҳикоя қилувчи 45 дақиқали фильм намойиш этилди. Фильмдан сўнг М. Вайль учрашувда иштирок этганларнинг саволларига жавоб қайтарди. Айниқса, бозор иқтисоди шароитида театр-студияларнинг яшаб қолиш-қолмаслиги масаласи кўпчиликнинг қизғин мунозарасига сабаб бўлди. Бу хусусда шошмай, жиддий ўйлаб хулосага келиш лозим, деган фикр ўртага ташланди.

Муҳаммад АЛИ:

САРБАДОРЛАР—ХАЛҚ КУРАШЧИЛАРИ

Ўзбекистон Ленин комсомоли ва Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотларининг лауреати, шоир Муҳаммад Али «Сарбадорлар» номли тарихий романини ёзиб тугатди. Асар «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилди. Ёзувчи Мирза Каримнинг роман муаллифи билан суҳбати ана шу асар хусусида бўлди.

— Мана, ниҳоят, романга ҳам сўнгги нуқта қўйдингиз. У дўстларингиз, баъзи ижодкорлар назаридан ҳам ўтди. Катта асарнинг юки енгил бўлмайди. Ҳарқалай бу юкни кўтариш Сизга осон бўлмагандир!

— Албатта. Лекин мен сўзим бошида бир гапни таъкидлаб ўтишни истардим. Биз яқин-яқинларгача тарихимизни, улуғ бобокалонларимизни, уларнинг қилган муборак ишларини қоралаш билан шуғулланиб келдик. Энг ёмони, бу ишларни тарихимизни мутлақо билмаган ҳолда бировларнинг «сабоғи» билан қилиб келдик. Эндиликда эса кўзимиз сал очилиб, тарихимизни билганимиз сайин бундай гумроҳликлардан қутилаяпмиз.

Энди роман юкига келсак, асар устида кўп йиллар меҳнат қилишга тўғри келди. Аввало, материаллар тўплаш билан шуғулландим, бунга беш йилча вақт кетди. Уларни ўқиб ўргандим, ўша даврҳақида муайян тасаввурга эга бўлишга ўриндим. Тарихимиз билимдонлари билан суҳбатлар қурдим. Кейин уни беш йил ичида қоғозга туширдим. Маълумки, XIV аср — тарихимизнинг нуфузли, бироқ зиддиятларга бой даври, унга баҳо беришда оддий китобхонгина эмас, балки тарихчилар ҳам ўйланиб қолишади. Чунки бу асрда юртимиз мўғул босқинчилари зулмидан тозаланди, оламшумул сарбадорлар ҳаракати рўй берди, ниҳоят, Амир Темур ҳокимият бошига келди, марказлашган йирик давлат пайдо бўлди.

Сарбадорлар ҳаракати, энг аввало, озодлик ҳаракатидир, кейин унга ижтимоий адолат талабларн, масалан, хусусий ер эгачилигини йўқотиш, ҳамма ер, бойлигу неъматларни деҳқонларнинг умум тасарруфига бериш, умум ижтимоий тенгҳуқуқликни ўрнатиш сингарилар қўшилди. Бу ҳаракет Хуросонда туғилиб, «Сарбадорлар давлатини» вужудга келтирди ва бу давлат 1337 — 1381 йиллар давомида ҳукм сурди. Унинг таъсирида Мозандаронда (1350), Самарқандда (1365), Ғийлонда (1370), Кирмонда (1373) шундай ҳаракатлар бўлиб ўтди. Буларнинг ичида, албатта, Самарқандда юз берган ҳаракат алоҳида аҳамиятли туради. Чунки Самарқанд — Туркистоннинг пойтахти, Моваройнаҳрнинг марказий шаҳри, сарбадорлар эса пойтахтда иш олиб бордилар.

— Сиз шоир сифатида ўқувчилар меҳрини қозонгансиз, тарихий достонлар, шеърий роман ёзгансиз. Лекин сарбадорлар мавзуига энди мурожаат қилаяпсиз чоғи!

— Сарбадорлар мавзуи мен учун янгилик эмас. Ўтмишимиз ҳақидаги шеърий туркуммимда «Сарбадорлар қўшиғи» номли шеърим бор. Бундан йигирма тўрт йил илгари ёзган «Машраб» достонимнинг илк номи ҳам «Сарбадор» эди. Мен Машрабни сарбадорликнинг юксак нуқтасига чиқариб тасвирламоқчи эдим. Унинг қисмати ҳам сарбадорларнки сингари дор билан боғлиқ-да. «Балхда дор интизор бу дарбадарга, Қаро ер бўлғуси сўнгги маскан. Ҳаётдан тегишли шу сарбадорга: Аммо Навоий ҳам, Сино ҳам яъни, Умр йўлларида ким топса маъни, Ўша — сарбадордир ва уни дорга, Гар ўзи тортмаса, тортгуси риё, Е осмон, ё замон, охири — дунё...» Бу достондан. Демак, «умр йўлларида ким маъни топса», у ҳамма замонларда ҳам сарбадордир, деган ғоя сингдирилган. Машраб ҳам шу маънода сарбадордир. Сарбадорлар ҳамиша бўлган, бор, бўлади ҳам! Халқни, миллатни, Ватанни ўйлайдиган кишилар, эрк учун, эзгулик учун курашаётган инсонларни мен сарбадорлар қаторига қўшгим келади.

«Сарбадорлар» — насрдаги биринчи йирик асарим. Унинг насрда ёзилишига келсак, бунн мавзунинг ўзи белгилади. Мен ҳамиша ҳаётни кенг эпик кўламда тасвирлаш тарафдориман, бунн достонларимда, «Боқий дунё» шеърий романимда ва эпик достонлар таржималаримдан ҳам кўрса бўлади. Наср ижодкорга катта имконлар беради. Наср — катта шеърият.

— Сарбадорлар ҳаракати юз берган даврни ўрганишда қандай манбаларга мурожаат қилдингиз?

— Жуда кўп. Шулардан айримларини келтириб ўтишим мумкин: Абдуразоқ Самарқандийнинг «Матлаус саъдайн» ва «Мажмуал баҳрайн», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш шуаро», Фасиҳ Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий», Муҳаммад Мусовийнинг «Ассахут таворих», Ибн Батуттанинг саёҳатномаси, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», В. Бартольднинг «1365 йилда Самарқандда халқ ҳаракати» ва Туркистон тарихига оид бошқа мақолалари, И. Петрушевскийнинг «Хуросонда сарбадорлар ҳаракати», Р. Набиевнинг «XIV асрда Ўрта

Осиёда сарбадорлар қўзғолони» китоблари... Саналган асарларнинг ҳар бири ўз ҳолича қимматга эга. Айниқса, «Мужмали Фасиҳий» ҳақида сўз айтмай илож йўқ. Бу ноёб хазина деса арзигулик китобни шарқшунос Д. Юсупова рус тилига таржима қилиб, — албатта, ўзбек тилига ҳам таржима қилинади деган умиддаман, — 1980 йили «Фан» нашриётида нашр эттирди. XIV асрдан XV аср ярмигача — бир юз қирқ йиллик даврни ўз ичига олган бу китобда Хуросон ва Моваройнаҳр ҳаётига оид жуда ҳам қимматли маълумотлар тўпланган. Бўлиб ўтган воқеалар ойма-ой, йилма-йил кўрсатиб берилган, ишончли манба. Шу даврга оид бошқа китобларда-ги фактларни бу китоб билан солиштириб қиёслаш мумкин. Фасиҳ Ҳавофий сарбадорлар ҳақида ҳам нодир маълумотлар бериб ўтади. Умуман, бу китоб ўша даврманзарасини тасаввур этишда катта хизмат қилади.

— Романингизда сарбадорлар сардорлари — Қалавий, Мавлонозода, Хўрдак Бухорий каби қаҳрамонлар образлари бор. Нима, улар тарихий шахслармн!

— Сарбадорлар оддий кишилар, улар халқ вакиллари. Лекин тарихий шахслар ҳам бор. Тарихий манбалар бизга фақат уч киши номини қолдирган, булар — Абу Бакр Қалавий, Мавлонозода ва камонмерган Хўрдак Бухорийлардир. Сиз «Қалавий» деяпсиз. Бартольд бу исмни шундай қабул қилишни таклиф этган. Л. Строева деган олима эса «Қулуний» деб ўқиш керак, дейди. Менинг назаримда, бу пахта тозаловчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакрнинг нисбасидир. Демак, унинг номи юқоридаги тарзлардэ эмас, балки «Қалава» шаклида ёзилиши керак, чунки анъанага кўра, касб эгалари номига касб моҳиятини ифодаловчи сўзлар қўшилади. Мавлонозода — мадраса толиби, Хўрдак Бухорий сипоҳий...

Улар Самарқандни фозиллар шаҳрига айлантириш орзусида ёнадилар, инсон инсондек яшасин, ҳамма тенг ҳуқуқли бўлсин сингари талабларни ўртага ташлайдилар. Улар 1365 йилнинг кузида мўғулларни Самарқанддан қувишади ва ярим йил давомида ҳокимият тепасида турадилар. Мўғуллар бу мағлубиятдан кейин Моваройнаҳрга бошқа кела олмайдилар. Жасоратли, мард сарбадорлар ҳақидаги гап-сўзлар бутун Моваройнаҳру Хуросанга тарқалади.

Амир Ҳусайн бобоси Амир Қозоғоннинг меросхўри сифатида Туркистонда ўз ҳокимиятини ўрнатиш ташвишида эди. Шу мақсадда у қўрқмас ва ақлли Амир Темур билан яқинлашишга ҳаракат қилади, унинг салоҳияти, тадбиркорлигидан фойдаланмоқчи бўлади. Темур ҳам айнан шу йўлдан боради, чунки бу — ҳокимиятга яқинлашишнинг бирдан-бир йўли эди. Икки амир Қуръони Каримни ўртага қўйиб дўст тутинадилар, Темур Амир Ҳусайннинг Улжой Туркон оқа отли синглисига уйланади. Аммо дўстлик юзаки бўлиб қолаверади, улар ўртасида пинҳона рақобат давом этади. Энди тарих майдонида учта куч — Амир Ҳусайн, Амир Темур ва сарбодорлар пайдо бўлади. Амир Ҳусайн сарбадорлардан қайиқарди. Темур эса жасоратли кишиларни ўз томонига оғдиришни ўйларди, юрт тузишда улардан фойдаланишга интилади. Чунки Темур ҳам, сарбадорлар ҳам шу тупроқнинг фарзандлари, уларнинг душманлари битта — мўғуллар эди. Ана ўша бўлажак иттифоқдан ҳайиққан Ҳусайн пайт пойлаб сарбадорларни дорга торттиради, кеч қолган Темур фақат Мавлонозодани қутқариб қолади, холос. Содда, ишонувчан, мард сарбадорлар эса амирлар ўртасидаги муносабатнинг қурбони бўлиб кетадилар...

Романда булардан ташқари бир талай тўқима образлар ҳам бор. Булар романдаги Уста Кулол, Қодир Ҳалвойи, Ахий Жаббор, Абомуслим, Жаҳон, Худобанда, Садр Сулаймон кабилардир.

— Келгуси ижодий режаларингиз!

— Романни ўқиганлардан баъзилари бу мавзуни давом эттириб, Амир Темур даври ҳақида ҳам асар яратинг, деган фикрни билдирмоқдалар. Тўғри, бу даврни имкон қадар ўргандим, лекин ҳали бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрганим йўқ. Ҳозир эса кўпдан кўнглимда тугилиб келаётган ниятим — бир саҳна асари устида ишни давом эттиряпман. Бу мавзу ҳам ўзимга қадрдон — Боборахим Машраб...

ЎЛИМ ОЛДИ ХАТ

АЛЕКСАНДР ФАДЕЕВНИНГ УТТИЗ ТУРТ ЙИЛДАН КЕЙИН ТОПИЛГАН МАКТУБИ

КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзод, ёзувчи Александр Александрович Фадеев 1956 йилнинг 13 майида соат 15 атрофида Переделкинодаги дала-чорбоғида тўппонча билан ўзини отиб ўлдирди. Миллионлаб совет кишиларининг хотирасида ўчмас из қолдирган, кўплаб асарларнинг муаллифи, атоқли совет ёзувчисининг ҳаёти ана шундай фожиали якунланди.

Ўша пайтда олиб борилган текширишлар натижасида шу нарса аниқланганки, А. А. Фадеев ўша маъшум кун арафасида — 12 майда ўзининг Москвадаги хонадонида бўлган ва ҳузурига келган ёзувчилар С. Маршак (Айрим манбаларда С. Маршак ҳузурига Фадеевнинг ўзи борган дейилади.) ҳамда Н. Погодин билан узоқ вақт суҳбатлашган.

Кечқурун А. А. Фадеев 11 ёшли ўғли билан Переделкинодаги дала-чорбоғига келган ва ҳаётининг охирги дақиқалари шу ерда кечган. Ёзувчининг котиби Книпович ҳикоя қилишича, А. А. Фадеев Маршак билан суҳбатдан кейин ҳеч тинчлана олмаган, унга бирорта ҳам уйқу дори таъсир қилмаган. Уй хизматчиси Ландишевнинг хабарига кўра, А. А. Фадеев 13 май куни унинг олдига — ошхонага кирган, лекин нонуштани рад қилган. Ниҳоятда асабийлашган ҳолатда бўлган. Соат 15 атрофида эса А. А. Фадеевнинг кабинетига ўғли Миша кирган ва отасини тўшак устида ўқ еб ўлиб ётган ҳолда кўрган. Унинг ёнида «наган» системасидаги тўппонча бўлган. Шу ердан КПСС Марказий Комитети номига йўлланган мактуб ҳам топилган...

●

Ҳаётда бундан кейин яшашим учун имкон қолмади, чунки бутун умримни бағишлаганим санъат партиянинг калондимоғ жоҳилона раҳбарлиги остида йўқ қилинди, эндиликда эса бу хатони тузатиб бўлмайди. Адабиётнинг кўплаб энг яхши ходимлари ҳокимият тепасида ўтирганларнинг жиноятқорона ножўя ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлдилар ёки ҳатто подшонинг қонхўр малайлари тушига ҳам кириши мумкин бўлмаган даражада қийноққа солиндилар; энг яхши ижодкорлар ёшлигидаёқ ҳазон бўлдилар; қолганлар — оз-оздан ҳисса қўшиб ҳақиқий маънавий хазинани яратишга қодир бўлганларнинг барчаси 40—50 ёшга етмасданоқ ҳаётдан кўз юмдилар.

Энг азиз, муқаддас саналган адабиёт халқ орасида ниҳоятда оми бўлган кимсалар ва расмиятчи тўралар қўлига талон-тарож қилиш учун берив қўйилди, адабиётга нисбатан ҳатто энг «юқори» минбарлардан — масалан, Москва конференцияси ёки партиянинг XX съезди сингари анжуманлардан — «Бос уни!» деган янгича шиорлар янгради.

Адабиётдаги аҳволни «тузатиш»га қаратилган бундай йўл ғазабни қўзғатади: чунки бу ерда ўтмишдошлари каби қалби мажруҳ қилинган, шу сабабли ҳақиқатни айта олмайдиган ғоят озчиликни ташкил этадиган ҳалол инсонларни истисно қилганда жоҳиллар гуруҳи йиғилганки, уларнинг фикрлари Ленинга тўбдан қарама-қарши ва расмиятчи тўрачилик одатларига мувофиқ улар ҳали ҳам ўша «тўқмоқ» билан ҳуружларини давом эттириб турибдилар.

Менинг авлодим Ленин даврида адабиётга қанчалар озод, ҳур туйғулар ва очиқ кўнгиллилик билан кириб келганди, қалбимизда нечоғлик беқиёс куч-қудрат тўлиб тошганди, биз қандай гўзал асарлар яратгандик ва яна яратишимиз мумкин эди!

Ленин вафотидан кейин бизни худди болакайлар аҳволига солишди, йўқ қилишди, сиёсий жиҳатдан қўрқитишди ва буларнинг ҳаммасини партиявийлик деб аташди. Эндиликда, ҳаммасини тузатиш имкони туғилганда эса бу ишни амалга оширувчиларнинг ғоят омилиги, нодонлиги — қаҳр-ғазабни алангалатар даражадаги калондимоғлиги ўзини намоён қилмоқда.

Адабиёт талантсиз, майда-чуйдалар билан ўралашиб қолган ёвуз ниятли кимсалар ҳукмронлигига бериб қўйилди. Қалбида адабиётнинг муқаддас яловини сақлаб қолган саноқли одамлар эса ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум қилинган қуллар аҳволидаки, улар ҳам ошларини ошаб, ёшларини яшаб бўлишган, тез орада бандаликни бажо келтиришади. Шу сабабли ижод қилиш учун қалбда ҳавас ҳам, рағбат ҳам йўқ...

Мен тақдиримни ўн олти ёшимдан бошлаб партия билан, ишчилар билан, деҳқонлар билан боғлаганимда, худо ёрлақаган истеъдодим туфайли коммунизм ниши учун катта ижодга шайланганимда қалбим беқиёс даражадаги юксак фикрлар ва туйғулар билан тўлибтошганди, бундай туйғуларни эса ижодкорга коммунизмнинг гўзал идеаллари билан узвий боғланиб кетган халқ ҳаётигина бера олади.

Аммо мени киракаш аравани тортадиган отга айлантирдилар ва бутун умрим кераксиз, ярим чақага ҳам арзимайдиган «юкларни ташиш» билан ўтди. Бу расмиятчи тўрачиликнинг беҳисоб, нозарур ишларини ҳар қандай одам ҳам бажариши мумкин эди. Ва, ҳатто ҳозир ҳам, ҳаётимга якун ясаётган бир пайтда, менга «инъом этилган» ҳисобсиз дўқ-пўписаларнинг, танбеҳларнинг, панд-насиҳатларнинг, шунчаки сиёсий айбларнинг ҳаммасини эслаш ниҳоятда оғир. Ваҳолонки, ажойиб халқимиз менинг ўз ҳақиқий кучим ва қалбан коммунистик истеъдодим туфайли яратилган камтарона меҳнатим билан фахрланишга ҳақли эди.

Адабиёт — янги жамиятнинг сархил меваси — камситилди, таъқиб этилди, нобуд қилинди. Энг ёмони, булар ҳатто улуғ Ленин ғояларига содиқликда қасамёд қила турив ҳам бу ғояларни ўзига бино қўйган ҳолда менсимас ва тан олмас эдики, бу менинг уларга бўлган ишончимни батамом сўндирди. Зеро улардан Сталин қонхўр малайига нисбатан ҳам янада даҳшатлироқ ишларни кутиш мумкин. Чунки у, ҳарқалай саводли эди, булар эса — жоҳиллардир.

Ёзувчи сифатида менинг ҳаётим тўла маънода ўз мазмунини йўқотди ва мен бу жирканч ҳаётдан ўзимга беайб тақалган қабоҳат, ёлғон ва бўҳтонлардан фориғ бўлган ҳолда беҳад бахтиёрлик билан кетаяпман.

Охирги умидим, бу гапларни давлат тепасидаги одамларга айтиш эди, лекин улар 3 йил давомида қанча илтимосларимга қарамай, менн ҳатто ҳузурларига ҳам киритишмади.

Мени онам ёнига кўмишларингни сўрайман.

«Гласность» ҳафталиги, 15-сон.

К. МАТЕҚУБОВ таржимаси

ЯССАВИЙ ДИЁРИДА

22—26 октябрь кунлари Кентов шаҳрида ЮНЕСКОнинг «Улуғ Ипак йўли бўйидаги маданий алоқалар» дастури доирасида «Яссавий олами» мавзуига бағишланган халқаро давра суҳбати ўтказилди. Анжуманни Қозоғистон Фанлар академиясининг халқаро туркология маркази, жумҳурият Ёзувчилар уюшмасининг Бадиий таржима ва адабий алоқалар марказининг раҳбари, шоир ва ёзувчи Муҳаммад Али, Тошкент дорилфунуни профессори Бегали Қосимов, Бухоро педагогика институтининг кафедра мудири, профессор Ҳамид Неъматов, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг директори Бобохон Шарипов, ёзувчи ва шоирлардан Е. Березиков, Тоҳир Қаҳҳор, Орзиқул Эргашев, Баҳром Ғойиб, Ҳамза районидаги Аҳмад Яссавий номли маҳалла қўмитасининг раиси Муҳаммадамин Расулмуҳамедов иштирок этишди.

Маълумки, Аҳмад Яссавий билан замонамиз орасида тўққиз асрга яқин вақт бор, ана шу давр мобайнида дунё миқёсида инсоният тараққиёти ва таназзулига алоқадор қанчадан-қанча тарихий воқеалар содир бўлди, не-не буюк ватандошлар номи ва асарлари кейинги етмиш йил ичида қадр топмади. Туркий тасаввуф шеъриятининг отаси, турк-ислом дунёсида фалсафий оқим яратган Хўжа Аҳмад Яссавий шундай буюк инсонлардан биридир.

Яссавийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган халқаро давра суҳбатига ташриф буюрганлар аллома қадамжоларини зиёрат қилишни Чимкент вилоятининг Шовилдер қўрғонидан бошладилар. Қўрғондан шимол тарафда XII асрда бунёд этилган Аҳмад Яссавийнинг пири — Арслонбоб мақбараси зиёрат қилинди. Сўнгра меҳмонлар Ўтрор шаҳрининг харобаларини бориб кўрдилар. Қозоқ археологлари айни кунларда бу ерга ўтов тикиб, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришаётир. Улар шу жойда Амир Темур бунёд этган мачитнинг пойдеворини топишди. Шундан сўнг қўрғондаги Ўтрор музейини бориб кўришди. Унинг қаршисида ўрта асрнинг улуғ файласуфи Абу Носир Форобийнинг бюсти ўрнатилган.

23 октябрь куни Туркистон шаҳрига ташриф буюрилди. Шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Н. Б. Болқияев илмий анжуман қатнашчиларига Туркистоннинг ўтмиши ва бугунги куни, тарихий-меъморчилик ёдгорликларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ечимни кутаётган муаммолар хусусида сўзлаб берди.

Меҳмонлар Аҳмад Яссавий қабрини зўр ҳаяжон билан зиёрат қилдилар. Маълумотларга қараганда, қабрдаги тошни Амир Темур Ҳиндистондан олиб келтирган. Бу ерда Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим мақбараси ҳам бор. Айни кунларда унинг хотирасига бағишлаб қурилган мақбара бошдан-оёқ таъмирланаётир. Робияхонимнинг қабр тоши эса вақтинчалик Яссавий мақбарасининг кириш залида сақланмоқда.

Куннинг иккинчи ярмида Туркистондан 30—40 километр узоқликдаги Саврон қалъаси харобалари сари йўлга чиқилди. Бу қўрғон VI—XV асрларда обод бўлган. Душмандан ҳимояланиш мақсадида шаҳар атрофи катта ариқ билан ўраб олинган, қалъага коризлар орқали ичимлик суви келтирилган. Эндиликда Саврондан йилдан-йилга нураб бораётган деворлар қолган, холос.

Кентовнинг «Горняк» маданият саройида уюштирилган давра суҳбати уч кун давом этди. Дастлабки йиғинни Қозоғистон Фанлар академиясининг вице-президенти Ж. Абдилдин олиб борди. Жумҳурият Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари К. С. Умирбоева, халқ депутатлари Туркистон шаҳар Советининг раиси Н. Б. Болқияев йиғилиш қатнашчиларини самимий табриклашди.

Филология фанлари доктори Е. Кажибеков Яссавий ижоди ва фаолияти тўғрисида тургунлик йилларида ижобий фикр билдиргани учун тазйиққа учраган, охир-оқибатда ақлдан озиб вафот этган тошкентлик адабиётшунос Эргаш Рустамовнинг хотирасини эслашни таклиф этди. Суҳбат қатнашчилари истеъдодли ўзбек олимини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар. Шундан сўнг Истанбул дорилфунуни туркшунослик кафедрасининг мудири профессор Кемал Ерасланнинг «Дунё маданияти ва Яссавийнинг адабий мероси» мавзуидаги маърузаси тинглаб, Москва, Ленинград, Қозоғистон олимлари билан бир қаторда Ўзбекистон вакиллари — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бадиий таржима ва адабий алоқалар марказининг раҳбари, шоир ва ёзувчи Муҳаммад Али, Тошкент дорилфунуни профессори Бегали Қосимов, Бухоро педагогика институтининг кафедра мудири, профессор Ҳамид Неъматов, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг директори Бобохон Шарипов, ёзувчи ва шоирлардан Е. Березиков, Тоҳир Қаҳҳор, Орзиқул Эргашев, Баҳром Ғойиб, Ҳамза районидаги Аҳмад Яссавий номли маҳалла қўмитасининг раиси Муҳаммадамин Расулмуҳамедов иштирок этишди.

Қишлоғим — онагинам
Кўз олдимдан кетмас ҳеч.
МИРТЕМИР

УЙҒОНИШ ҚАДАМЛАРИ

«ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМГА МАКТУБЛАР» ТУРКУМИДАН

АЗИЗ ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМ!

Сизлар билан яна мактуб орқали дийдорлашиб, жонажон қишлоғимиз ҳақида дардлашмоқчиман, унинг долзарб муаммолари ва келажаги хусусида баҳс-мунозара юритмоқчиман.

Мактуб аввалида айтиб қўяй: ушбу ёзаётганларим ҳам олдинги айрим мактубларим сингари баъзи темиртан раҳбарларга, ваъдабоз депутатларга, ўтирган курсисидан қўрқадиган айрим мансабпараст ва буйруқбозларга ёқмаслиги аён. Начора?.. Бир томони давр биздан ошкораликни, гапни очиқ-ойдин айтишни талаб қилаяпти, иккинчи томондан кунданкунга ҳаёт кечириш мураккаблашиб, тақдирлар бозорлашиб бораётган бир пайтда қишлоғимнинг ғариб аҳволини, қишлоқдошларимнинг изтироб тўла кўзларини кўриб ёмасликмас — виждонсизлик. Ахир узоқ йиллар мобайнида бир-биримизни алдаб, виждонимизни, имонимизни сотиб мутеларча яшаб келганимиз етар энди! Қайта қуриш ва ошкоралик бошланганига беш йилдан ошаяпти-ю, ҳали ҳануз тўғри гапни тўғрилик билан айтишга чўчиймиз, раҳбарларни кўрсак ҳамон етти букиламиз, қуллуқ қиламиз, хуллас, ўз соямиздан ҳануз қўрқиб яшаймиз. Ваҳоланки, қадни, қад билан бирга қадр-қимматни тиклайдиган ва ҳақ-ҳуқуқни таниб, талаб қиладиган давр келди.

Энди вужудимизда, онгимизда узоқ йиллардан буён қуриб қолган бўшлиқ дарёларини имон, эътиқод, меҳр-оқибат, эзгулик сингари тоза булоқлар билан тўйдирайлик. Шоир айтганидек:

Олам узра букун
кўтармишсан қад,
Унутма, буюксан,
буюксан беҳад...

Маълумки, бизнинг Жалойир қишлоғимиз «Нарпай» совхозининг энг йирик учта бўлимини ўз ичига олади. Бу ерда қишлоқ номи билан аталувчи қишлоқ Совети очиш вақти аллақачон етилди. (Бу ҳақида олдинги мактубларимда ҳам ёзганман). Айрим раҳбарлар эгаллаб турган лавозимларидан чўчиб, бу ишни негадир пайсалга солиб, одамларни чалғитиб келмоқдалар. Жуда кўп ишларни Советлар ҳам қилаётган бир пайтда ва одамлар ҳамон турли қоғозбозлик касалидан қутулолмаётган бир даврда ҳар хил кундалик ҳужжатларни берадиган идораларнинг айнан қишлоқда бўлгани ҳар жиҳатдан қулай ва яхши. Шунда қишлоқ муаммоларини асосан қишлоқ Совети кўпроқ ҳал қилган бўларди. Қанчаданқанча одамлар иш соатини соғлиғини йўқотиб совхоз марказидаги қишлоқ Советига қатнаб юрмасдилар. Шунда гап ўрнида иш қилган бўламиз. Бу айни пайтда қишлоқнинг иқтисодий аҳволини яхшилашда, аҳолининг талаб-эҳтиёжларини қондиришда катта аҳамиятга эга.

Жумҳурият матбуотида Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида» (1990 йил, 31 июль) фармони эълон қилинди. Лекин фармон эълон қилинмасдан олдин қишлоқдаги аҳвол ҳужалик ва район раҳбарларига яхши аён эди. Масалан, қишлоқнинг юқори қисмида жойлашган Э. Тельман номидаги 21-сон ўрта мактабнинг 160 нафарга яқин ўқувчиси 1987 йил 16 май куни жиддий заҳарланганлигини ҳамманигиз биласиз. Афсуски, ҳали кўп болалар заҳарланиш асоратидан қутулганлари йўқ. Буни мутахассислар ер ости сувидаги нитрат миқдорининг кўплигидан, деб таҳмин қилишди. Лекин заҳарланишнинг асосий сабаблари район раҳбарлари, врачлари томонидан ҳали-ҳануз сир сақлаб келинмоқда. Майли, бу уларнинг виждонига ҳавола. Ҳақиқат бир куни бўй кўрсатади. Энг даҳшатлиси, заҳарланиш воқеасидан сўнг ҳам орадан сал кам тўрт йил вақт ўтди. Лекин на мактаб, на қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ҳеч кимнинг ҳаёлига келгани йўқ. Яшаш шароитининг оғирлиги, соғлиқни сақлаш муассасаларининг етишмаслиги, маданият масканларининг вайроналиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади.

Шу ўринда қишлоқдаги тўртта мактабнинг номи масаласидаги мулоҳазаларни ўртага ташламоқчиман. Мактабларимиз Г. Дмитров, В. Маяковский, Э. Тельман, М. Жалил номлари билан аталади. Уларнинг қай бири қишлоғимиз учун қандай хизмат қилган? Наҳотки, уларни ўзбек ёки Шарқ адиблари, ёзувчилари, олимлари ва машҳур кишилари номлари билан ўзгартириб бўлмаса? Ахир ҳар қандай байналмилалликнинг ҳам чегараси бор-ку! Бу ҳақда район халқ маорифи бўлими ва мактабларнинг раҳбарлари биргалашиб ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. Ахир бундай бир-бириндан чалкаш ачинарли ҳолатларни кўриб куймай, эшитиб ёнмай ва ёзмай бўладими, дўстлар?!

Мен шу ўринда ачинарли аҳволда яшашларингизга қарамасдан Навоий район партия қўмитаси биринчи котиби М. Холиқовга ҳиммат кўрсатиб, уни жумҳурият халқ депутатлигига ва депутат ҳамон қуруқ ваъдалардан нарига ўтмаётганлиги хусусида ёзмоқчи эдим. Лекин ҳозир бунинг ўрни эмас. Чунки айрим СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ҳамон «Нарпай» совхози раҳбарлари, бўлим бошлиқлари амалга оширилаётган ишларни ўзларинки қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Дунёда виждон, инсоф деган нарсалар бор-ку, ахир!

БУ ГАПЛАРНИ ёзаётганимнинг боиси шундаки, биринчидан, ҳар сафар қишлоққа борганимда бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг айримларини ўзим кўрганман, айримларини ҳамқишлоқларим айтиб берган, иккинчидан, район раҳбарлари, халқ депутатлари ўз ишларига ва берган ваъдаларига шундай лоқайдлик ва совуқлик билан қарайдиган бўлсалар, яна одамларга жабр бўлади, яна қишлоқ аҳволи харобалигича қолиб кетади, ҳаёт кечириш ва турмуш ташвишларли янада мураккаблашади. Шахсан менинг бирор халқ депутатига, хўжалик ва район раҳбарларига нисбатан ҳеч қандай хусуматим йўқ. Истагим, улар ҳалол, тўғри ва чинакам халқ ишончини қозониб ишласин. Сайловчиларнинг ҳам ҳақли талаблари шундай!

Етар шунча йиллар қуруқ ваъдалар тоғига алданиб яшаганимиз.

Етар одамларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қадриятларини тўраларча топтаб оёқ ости қилиб келганимиз.

Етар катта курсилар учун, ўткинчи мансаблар учун инсонийликни, қадр-қимматимизни қурбон қилганимиз...

Ахир ким-кимни азоблаётганини, қийнаётганини, алдаётганини бир ўйлаб кўрайлик. Мансабпарастлар бошқа сайёралардан келишмаган-ку! Улар ҳам шу қишлоқдан, шу халқнинг орасидан чиқишган.

Ҳозир мансаб эгаллаш учун курашадиган давр эмас. Озгина имони, виждони бор раҳбар одамлар учун, уларнинг турмуш-тарзи, яшаш шароити учун тер тўкиб ишлаши, жон фидо қилиб қурашиши зарур. Чунки одамлар қуруқ ваъдалардан, сохта ҳайқириқлардан чарчади. Чарчадигина эмас, ҳатто эзилиб кетди. Нима кераги бор, чарчаган одамни яна ҳолдан тойдиришнинг? Нима кераги бор ўзи эзилган, хароб бўлган инсонни яна азоблашнинг?

— Гапнинг очиғи, — дейди совхоз директори Хайриддин Зайниев. — Бизга турли томонлардан, бўлар-бўлмас кўрсатмалар бериб, ишимизга халақит берадиганлар кўп. Бу йил саксонча яқин хонадонга табиий газ келтирилди. Ҳозир қишлоқнинг қолган қисмини ҳам газлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Қисқа муддат ичида қишлоқ аҳли ичимлик суви билан таъминланади. Хуллас, меҳнаткаш халқимиз учун қиладиган ишларимиз кўп. Масалан, 480 гектар ер уй-жой ва томорқа учун берилди. Лекин одамлар қурилиш материаллари тополмай қийналяпти. Ёғочнинг нархи османда. Тегишли ташкилотлар эса баҳоналарни рўкач қилиш билан овора. Агар халқнинг аҳволини яхшилайдиган, қишлоқларни обод қиладиган бўлсак, ҳамма — юқоридан қуйигача бирдек ҳалол, жон куйдириб ишлаши шарт. Раҳбарлари олди-қочди, қуруқ ваъдалар билан шуғулланадиган ташкилотларнинг, идораларнинг баҳридан ўтиш керак.

Директорнинг мулоҳазаларида жон бор. Эҳтимол совхозга мустақиллик берилса, етиштираётган маҳсулотларини ўзи нарх белгилаб сотсагина қишлоқларни обод қилиш мумкиндир.

Азиз ҳамқишлоқлар, юқорида айтганимдек, энди бошингизни ердан бемалол кўтарадиган, ўзлигингизни чуқур англаб, ҳақингизни талаб қиладиган замонлар келди. Энди ҳар бир ишни ақл тарозусига қўйиб, виждон ўлчовида ўлчаб, тафаккур чиғириғидан ўтказиш лозим. Бу учун оёғингизга кишан бўлаётган ва айни пайтда эскириб, чириб кетган урф-одатлардан: данғиллама тўй-тантаналардан, ортиқча харажат талаб қиладиган маросимлардан воз кечиш пайти ортиқча обрўталаб дабдабаларга, ким ўзар тўйларга барҳам беришлик.

Шу тўйлар туфайли ароқ деб аталган Иблис бизни ўз домига тортаётганини чуқур англайлик. Ахир не-не инсонларни ароқ хор-зор қилаётганини унутмайлик. Эҳтимол, ароқ бизга, бизнинг келажагимизга қўйилган тузоқдир. Нима бўлганда ҳам бу оқ офатдан тезроқ қутулайлик ёки уни кескин камайтирайлик. «Эшак ўлди» ичишларни бас қилайлик.

Мен умрбоқий урф-одатларга, яхши миллий анъаналарга мутлақо қарши эмасман. Фақат ана шу анъаналарга қадриятларни қўпол равишда ўзбошимчалик билан бузилишига, ортиқча харажатбозликларга, мураккаб турмушни жар ёқасига олиб келишларига қўшилмайман. Шуларсиз ҳам аҳволларингиз ниҳоятда ачинарли. Навоий шаҳар саноат корхоналари чиқараётган турли заҳарлар ҳам ерни, ҳам ҳавони булғаётгани етмайдими? Йилдан-йилга ишсизлар сони ортиб бораётгани сизларни ташвишга солмайдими? Аёллар ва болалар ўртасидаги касалликлар даҳшати-чи? Афсуски, буларнинг кўпига ўзимизнинг лоқайдлигимиз сабаб.

Бир-биримизни алдаб, панд бериб яшашдан кимга ва нима фойда?

Ўз-ўзимизни англамасак, қўлламасак ҳамиша бегоналарга муҳтож бўлиб қолаверамиз ва яна алданиб яшайверамиз. Бегоналар раҳмшафқат қилмайдилар.

Муҳтожлик — ҳар қандай иллатнинг ўқ илдизи.

Муҳтожлик бир кунмас, бир кун қуриб-қовжирашга олиб келади. Қуриган дарахт эса ўтиндан бошқасига ярамайди.

Шу ўринда бир таклиф айтмоқчиман. Бемаъни сарф-ҳаражатлар, ортиқча ҳашамдорлик ўрнига ҳашар йўли билан қишлоқда масжид қуриш керак. Шундай қадим ва катта қишлоқда бемалол намоз ўқийдиган бирорта масжид йўқ. Маънавий қусурларнинг ўчоғларидан бири шу эмасмикан? Агар бўлимларнинг бошлиқлари, қишлоқ оқсоқоллари биргалашиб мазкур таклифни ўйлаб кўрсалар ҳам ўзлари, ҳам келажак авлод олдида беқиёс эзгу иш қилган бўлардилар. Шунда ҳар қандай ёмонлик, ўғирлик, ичкиликбозлик сингари ярамас иллатларга катта тўсиқ қўйиларди.

Жонажон ҳамқишлоқлар! Мен бу гапларни доналик қилиш учун ёзаётганим йўқ. Бизлар тезроқ бир-бирларимизнинг дардимизни англашимиз, айтилаётган фикр-мулоҳазаларни ўткир мушоҳада қилишимиз ва бугун амалга ошириш ёки бажариш лозим бўлган ишларни эртага қолдирмаслигимиз шарт. Ахир ҳаммамизнинг келажакдан катта умидларимиз бор. Биз етолмаган орзуларга болаларимиз эришади, биз кўролмаган нурли кунларни улар албатта кўрадилар. Лекин бугун ўша нурли келажакнинг пойдеворини қуришимиз керак. Бу биздан теран ақл ва чинакам жасоратни талаб этади. Ҳар қандай ҳолатда ва вазиятда ҳам бир тану бир жон бўлиб, биргалашиб иш юритишимиз лозимлигини унутмайлик. Шундагина ақлий ва маънавий бутунлигимизга асло путур етмайди. Шундагина авлодлар олдида юзимиз шувит бўлмайди.

МЕН МАКТУБИМНИ мухтасар қилиб, атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги сўзлари билан якунламоқчиман:

«Албатта, уйғониш ҳар бир миллат орзу қиладиган тарихий ҳолат, эзгу армондир. Йиллар мобайнида камситилган эллар ўз тили, ўз мероси, ўз қадриятларини таниса, улуғласа, ахир бунинг нимаси ёмон? Биз ҳозир узоқ давом этган уйқудан уйғонib, шуҳладан кўзи қамашиб турган одамларга ўхшаймиз...»

Келинг, қалбимиздаги Она, Миллат, Тил, Ватан туйғуси ва тушунчаси жонажон қишлоғимиз билан боғлиқлигини ва бу туйғулар шу ерда шаклланиб, камол топишини асло унутмайлик, ҳамқишлоқлар! Миллий ва маънавий уйғониш дақиқаларингиз ва кадамларингиз қутлуғ бўлсин, нурли бўлсин!

Ашурали ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

Тўлқин ИЛҲОМОВ

ҚАТРАЛАР

Бир одам тақдир тақозоси билан киндик қони томган уйини тарк этиб бегона элларга кетиб қолибди. Орадан кўп сувлар оқибди. У олибди, олдирибди. Мол дунё орттирибди.

Ниҳоят, ёруғ дунё билан хайрлашув соатлари ҳам етиб келибди. Шунда мусофирнинг кўз ўнгидан киндик қони тўкилган қадрдон уй, баҳор чоқлари томларда очилган лолақизғалдоқлар, у чангитиб ўйнаган кўча ўтибди-да, чуқур энтика бошлабди.

— Деразани очиб юборинглар, унга ҳаво етишмаябди, — дебди шунда кимдир.

Беморга Ватан нафаси етишмаётган эди.

●

— Ёнғоқ неча сўм?
— Саккиз сўм.
— Сал тушинг, биродар.
— Бозор шунақа. Тортайми ака?
— Майли, бир килогина торта қолинг.

Бозордан қайтаётиб болалик чоқларимни эсладим. Ҳожи бобо деган қўшнимиз бўлардилар. Ҳовлиларида ёнғоқ бор эди. У киши узун таёқ билан ёнғоқ қоққанларида бизнинг ҳовлимизга ҳам тушарди. Ҳожи бобо «қўшни ҳақи» деб тағин бир-икки челак ёнғоқ узатардилар.

Хаёлимга яна бир танишим — «Ёнғоқ домла» келдилар. Бу тиниб тинчимас инсон ёнғоқнинг хосияти ҳақидаги мақолалари билан матбуотда тез-тез кўриниб турардилар. Мутасадди ташкилотларга елиб-югуриб ёнғоқзорлар барпо этишнинг аҳамиятини уқтиришдан чарчамасдилар. Лекин у кишининг уринишларидан наф бўлмади.

Ўша пайтларда домланинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиришган экан чамамда.

●

Тоғ тагида селдан думалаб тушган харсанг ётаркан. Ҳаракатчан, ишбилармон одам ўша атрофдан ўтиб қолибди. У харсангни тарашлаб тегирмонтош ясабди. Новдан тушган сув чархпалакни, чархпалак тегирмонтошни айлантиради-да буғдой ун бўлиб чиқади. Афсуски, тегирмонтош гузардан олиб ўтилаётганда иккига бўлиниб кетибди.

Гузардагиларнинг орасида кўзи тошни ҳам ёрадиган одам бор экан-да.

●

Чигиртка чириллайверib, чириллайверib қулоқларни қоматга келтирибди. Чумоли гапни кам қилиб, ўз ишини билиб рўзғорини бут қилибди.

Рассом Б. ТОЖИЕВ

ҲЕЧ НАРСА БЎЛГАНИ ЙЎҚ

— Соатта сен тегдингми,
Тўхтаб қолибди, ўғлим.
— Бир оз текканди қўлим.
Бураб кўргандим секин,
Ҳеч нарса бўлгани йўқ.
Қўлимдан тушди, лекин,
Ойнаси синганн йўқ.

ҚУРМАДИМ

— Нури хола ойнасин
Дарров ким қилди
чил-чил? —
Сабри чидамай сира
Гап бошлаб қолди Очил:
— Қаёққадир отдим тош,
Қушларда эди кўзим.
Ойнанинг синганини
Лекин кўрмадим ўзим.

Юнус ТОЛИПОВ

ДАРВОЗАБОН

Дарвозабон, сен бунча,
Ҳамма тўпни тўсасан.
Тўп олдингга келгунча,
Пасаясан, ўсасан.
Эҳ, чарчайсан, қўяқол,
Қийнамагин ўзингни.
Мен ургунча битта гол,
Юмиб тургин кўзингни.

Аъзамжон ОБИДОВ

НИКУЛИН ЛАТИФАЛАРИ

Бир аёл ишхонасига кўзи кўкарган ҳолда келди.

Ундан сўрадилар:

— Ким сизни бундай?..

— Эрим.

— Биз эрингиз командировкада деб ўйлабмиз.

— Мен ҳам шундай деб ўйловдим.

●

Учта маст темир йўл шпалларидан эмаклаб борарди.

Биттаси:

— Ж-жин урсин, жуда баланд зиналар экан-а.

Иккинчиси:

— Суянчиқлариям жуда паст экан.

Учинчиси:

— Ҳечқиси йўқ, йиғитлар, ана қаранглар, лифт келаяпти.

●

Бир аёл дўконга кириб супурги танлай бошлади, супургиларни бир-бир кўриб чиқди, лекин биронтасини ҳам ёқтирмади. Сотувчидан ичкаридан яна супурги олиб чиқишини сўради. Уни ҳам танлай бошлади.

— Мана шунисини беринг, — деди аёл.

Аёлнинг ишидан зерикиб кетган сотувчи:

— Хоним, супургини ўраб берайми ёки тўғридан-тўғри миниб учаверасизми? — деди.

●

Судья ажрашаётган эр-хотинлар ажралиш сабабини сўради.

— Гражданин судья, айтинг-чи, бир ойда 200 сўм пулга икки кишидан иборат оила кун кечириши мумкинми? — деди аёл.

— Мумкин.

— Мана бу эса мени уч йилдан буён ишга кир, ишга кир, деявериб жонимга тегиб кетди.

●

Ёш артист биринчи маротаба театр билан ижодий сафарга борадиган бўлди.

Дўстлари маслаҳат беришди:

— Йўлга ҳеч бўлмаса чамадон сотиб олгин.

— Нима учун?

— Унга шим, костюм ва бошқа кийимларингни соласан.

— Унда мен нима кийиб кетаман?

●

Иккита ёш бола ҳаммомда қорни катта қип ялангоч бир кишини кўриб қолишди.

— Амаки, қорнингизда нима бор? — деб сўрашди ундан.

— Бомба, — деди у.

Бири иккинчисига секингина:

— Портлатиб юборамизми, — деди.

— Қўйсанг-чи, бу жуда хавфли, - пилиги жуда калта экан.

●

Ўқувчи синфга лаби шишган ҳолда келди. Ўртоқлари нима бўлганини сўрашди:

— Якшанба куни дадам билан кўлда қайиқда сайр қилаётган эдик, лабимга ари қўнди.

— Сен уни ҳайдамадингми?

— Улгурмадим. Дадам уни эшкак билан уриб ўлдирди.

●

Кичкина чувалчанг йиғламсираб онасидан сўради:

— Ойижон, дадамиз қани?

— Ўчир овозингни. Данг эркаклар билан балиқ овига кетди.

●

Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

— Искандар Зулқарнайн қачон ўлган?

— Ўлган? Менинг хабарим йўқ, нима у касалмиди?

●

Мактабдан кеч келган ўғлидан ота кечикиш сабабини сўради. Ўғли бир кампирни кўчадан ўтказишга ёрдамлашганини айтди. Ота ўғлини мақтаб унга конфет берди. Эртасига ўғли ўртоғини ҳам етаклаб келди.

— Дада, биз кампирга кўчадан ўтишда ёрдамлашдик.

Ота иккисига ҳам биттадан конфет берди.

Учинчи куни ўғли синфдаги болаларнинг ярмини етаклаб келди.

— Дада, биз кампирни кўчадан ўтказиб қўйдик.

— Нега бунча кўпчиликсизлар? — деди отаси.

— Ахир у қаршилик кўрсатди-да.

●

Кекса бир ўқитувчи оламдан ўтди. Унинг жойи дўзахда деб қарор қилишди. Бир ҳафтадан сўнг олдига келиб:

— Кечирасиз, биз адашибмиз, сизнинг жойингиз жаннатда экан, — дейишибди.

У бўлса:

— Йўғ-э, менга шу ерда ҳам бўлаверади. Мактабдан сўнг дўзах ҳам жаннатдек бўлиб туюлар экан, — дебди.

Д. МАВЛОНБЕКОВА
таржимаси

ҚЎЛБОЛА «ҲАММОМ»

Чойхонамизнинг хатлар ва шикоятлар қутисига ғалати бир шикоят ташлаб кетишибди. Ўзиям нақ бир ўрам газламага ўхшайди. Жиққа ҳўл. Уч-тўртта чойхўрлар ёрдамида бир амаллаб, ҳижжалаб ўқиб чиқдик:

Гулобод мавзесининг 33-34-уйларида яшовчилар номидан

ТАКЛИФНОМА

Барча чойхўрларни уйга, аниқроғи, коммунал хўжалик идорасидагиларнинг қўлбола «ҳаммом»ига таклиф қиламиз. 33-34-уйларнинг ҳар бир хонадони ҳақиқий «ҳаммом». Бизникига келишдан аввал ўзингиз билан бирга совун ва сочиқ олиб келиш ёдингиздан чиқмасин.

«Ҳаммом»га патталарни КХИ бошлиғи Мирзаев Илҳомжондан олишингиз мумкин.

Дўсматов М., Кузгибоев И., Раҳмонқулова Қ., Маҳмудова ва бошқалар. Жами 9 имзо.

Очиғини айтсам, таклифдан бошим осмонга етди. Эрта билан туриб, Гулобод қайдасан, деб йўлга тушдим.

Ана! Кўрдим-у... икки кун алаҳсиращан сўнг ўзига келган бемордай фикрим ойдинлаща бошлади. Елкада сочиқ, атрофим тўла одам. Уларнинг арз-додидан ўртада чўнқайиб қолдим.

— Беш хонали уйда 17 киши яшаймиз. Ўғлим афғон урушида бўлган. Уйимиз зах, парланиб ётибди. Чироқ йўқ. Додимни кимга айтай? — дейди куюниб Қумрихон ая Раҳмонқулова.

— Биз 1979 йили февраль ойида кўчиб келганмиз. 11 йилдан буён бамайлихотир яшаш йўқ. Ёзда совуқ сув, қишда иссиқ сув йўқ. Ертўламиз сувга лим-лим тўлди. Чироқ йўқ. Электр сақлагичлар портлаб кетди. ЖЭКкаям, райижроқўм, фирқа қўмитасига ҳам бордик. Бефойда. Одам ҳам шунчалар лоқайд бўладими? Мен ўзим театрда артистман. Улар бўлса, шу куннинг артистлари экан, — деб ҳикоя қилди 16-хонадан сохиби, Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театри актёри Маҳмуд Дўстматов.

— Ўтган шанба, 12 октябрь куни ЖЭК раисига шикоят қилиб борсам, олдига солиб ҳайдаб юборди, — дейди йиғлагудек бўлиб, ёш болали она Малика Тўлаганова.

— Бормаган идорамиз, кирмаган ташкилотимиз қолмади. Ким бизга ёрдам қўлини чўзаркин. Диспетчер Сибиряковага 2 соат ялиниб-ёлвордик. Зора, машина беришса-ю, сувни тортиб олсалар, деб. Қайта... бир ўзи ҳаммамиздан ўтиб тушди... Бош эгиб борибмиз-а, унинг олдига. Агар бизга ёрдам бермаса, нима кераги бор ЖЭК деган сансалорни? — бирваракайига гапира кетишди улар.

Бир вақт кўзим 33-уйнинг томида юрган икки кишига тушди. Шошиб уларга пешвоз чиқдик.

— «Ҳаммом»ни таъмирлашга юборишди... Аммо қурилиш материаллари етишмайди. Қиш бор, ёз бор, қилиб берамиз, — дейди пинагини бузмай РСУ — 3 бригада бошлиғи Собир Иброҳимов.

Унинг пинагини бузмаганида ҳам гап бор. Чунки бир ишчиси билан у нима ҳам қила оларди?..

Сочиқ билан совунни бир четга ирғитдим-у, коммунал хўжалик идораси бошлиғи Мирзаев Илҳомжонни сўроқлаб кетдим. Афсус... суҳбатлашиш насиб этмади.

Редакцияга келиб, яна бир кўнғироқ қилдим. Йўқ эканлар. Илтимос, уларга айтиб қўйинглар, ўзларни «тортиқ» қилган қўлбола «ҳаммом»га бир келиб кетсинлар.

Октябрь район ижроия қўмитасидагилардан илтимос: «Қўлбола ҳаммом»ни назоратга олсангиз».

Мирза РАҲИМ

ҲАЙКАЛ

Устида қуш зотн яйрасин дея,
Ичини бўшатиб, сайрасин дея;
Улар дам олсин деб ҳорган маҳал
Бизда одамзотга қўйишар ҳайкал.

ХУШОМАДГЎЙ

Хушфеъллик бобида хислати буюк,
Гавдаси тош босмас, чўп устихони.
Ғинг демас устига қанча боссанг юк,
Темирдан демагин, пўлатдан жони.

ОШКОРАЛИК

Ёддан чиқди қувонч, табассум,
Яхши гапни унутди тиллар.
Ваҳимадан ёғади қурум,
Ҳадик тиғи юракни тилар.

Шариф ШЕРРИЕВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 тийин

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ
Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЕҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Д. — 3344.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12